

ЧЗБ
321.
К2520



ИСЛОМ КАРИМОВ

БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ –
ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ
ЧУҚУРЛАШТИРИШ
ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ
ЖАРАЁНЛАРИНИ
ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ
ЙЎЛИДИР

20

«ЎЗБЕКИСТОН»






ИСЛОМ КАРИМОВ

БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ –
ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ
ЧУҚУРЛАШТИРИШ
ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ
ЖАРАЁНЛАРИНИ
ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ
ЙЎЛИДИР

20



ТОШКЕНТ
“ЎЗБЕКИСТОН” НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
2012

УДК: 323(575.1)

ББК 66.3(5Ў)

К 25

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларининг 20-жилдидан давлатимиз раҳбарининг 2011—2012 йилларда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда, турли халқаро симпозиум, анжуманлар, маросимларда сўзлаган нутқлари ва маърузалари ҳамда табриклари ўрин олган.

ISBN 978-9943-01-828-0



9 789943 018280

ISBN 978-9943-01-828-0

© “ЎЗБЕКИСТОН” НМИУ, 2012

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» САККИЗИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СҮЗИ

Қадрли меҳмонлар!

Муҳтарам фестиваль иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, мана шу муҳташам майдонда ўтирган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг қатнашчиларини, чет эллик ҳурматли меҳмонларимизни ва Самарқанд жамоатчилигининг вакилларини кўриб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этаман.

Бугун қадимий Самарқанд шаҳрининг юраги бўлмиш муazzам ва бетакрор Регистон майдонида «Шарқ тароналари» фестивалининг очилиш маросимида қатнашар эканмиз, бу санъат анжуманининг йилдан-йилга обрў-эътибори ортиб, лунёдаги энг нуфузли мусиқа фестиваллари қаторидан мустаҳкам ва муносиб ўрин топиб бораётгани барчамизга катта мамнуният ва гуур багишлайди.

Бунинг тасдигини 1997 йилда ўтказилган биринчи фестивалда 31 та мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, бу йилги анжуманга жаҳоннинг турли ўлкаларидан, яъни Осиё, Африка, Европа ва Америка қитъаларида, Шарқ ва Фарб минтақаларида жойлашган 56 та давлатдан истеъоддли санъат намояндадари ташриф буюргани мисолида яққол кўриш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, ушбу анжуманнинг донғи ва довруғи дунё миқёсида тобора кенг ёйилиб, янги-янги моҳир хонанда ва созандаларни ўз сафига тортаётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Айни пайтда фестивалимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим ва фан, маданият ва санъат соҳалари бўйича етакчи ташкилоти бўлмиш ЮНЕСКОнинг ҳомийлиги ва раҳнамолигида ўтказилаётгани бу анжуманга янада юксак мақом ва нуфуз бағишламоқда.

Қадрли дўстлар, азиз биродарлар!

Бу фестивалнинг жаҳондаги энг қўхна шаҳарлардан бири бўлмиш, Шарқ оламининг ўлмас руҳини, унинг қадимий ва ҳамиша навқирон қиёфасини ўзида мужассам этган, ҳар қадамда шарқона файзу тароват сезилиб турадиган гўзал ва афсонавий Самарқанд шаҳрида ўтказилиши — бу фикрга ҳаммангиз қўшиласиз, деб ўйлайман — унга чуқур маъно-мазмун ва шукуҳ бахш этмоқда.

Бугунги санъат байрамига дунёning узоқ ва яқин давлатларидан келган сиз азизларни қутлар эканмиз, сизларнинг тимсолингизда биз, авваламбор, турли халқлар мумтоз мусиқасининг ёрқин вакилларини, санъат усталари ва устозларини кўрамиз.

Сизлар ўзингизнинг ноёб санъатингиз, инсон қалбига етиб борадиган куй-қўшиқларингиз ва ижро маҳоратингиз билан миллион-миллион мусиқа муҳлисларига завқ бағишлиб, фестиваль хазинасини янада бойитишга муносиб ҳисса қўшасиз, деб ишонаман.

Шу ўринда муҳим бир фикрга алоҳида тўхталиб ўтишни зарур деб биламан. Бугун биз яшаётган нотинч ва ўта мураккаб даврда барчамиз бу фестивалнинг ижобий таъсири, аҳамияти ва мөҳиятини унинг элу элатлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, ҳаётбахш мусиқа санъати орқали одамлар қалбида эзгу инсоний түйғуларни уйфотиш, муштарак томирларни бирбирига яқинлаштиришдек олижаноб мақсадларга хизмат қилишида кўрамиз.

Шу борада яна бир фикрни таъкидлаб ўтишни истардим. Ер юзидағи халқларни, тили, миллиати, дини ва урф-одатидан қатъи назар, уларнинг барчасини бирлаштирадиган, авваламбор, ёш авлодимизнинг онги ва қалбида чуқур акс сидо берадиган фоят таъсирчан бир восита, қуд-

ратли бир куч борки, у ҳам бўлса, мусиқа, унинг оҳанг ва тароналари, мумтоз куй ва қўшиқлар, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шу маънода, бугун очилаётган «Шарқ тароналари» фестивалининг ана шундай юксак foяларга хизмат қилиши барчамизга баланд руҳ багишлаб, кучимизга куч, файратимизга гайрат қўшиши табиийдир.

Айнан ана шундай олижаноб мақсадларни рўёбга чиқариш ва ўзининг ноёб маҳоратини намоён этиш учун дунёning турли-турли минтақаларидан азим Самарқандга келган сиз азиз меҳмонларимизга, аввало, барча мусиқа ихлосманлари номидан, қолаверса, бутун халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Муҳтарам меҳмонлар!

Мен яхши тушунаман — шу кунларда сизларнинг бор эътиборингиз, вақтингиз, ҳаракат ва интилишларингиз фестивалдаги жўшқин ижодий мусобақаларда юқори ўринларга эришиш, соврин ва мукофотларни қўлга киритишга қаратилган. Ана шундай юксак ғалаба ва ютуқларни қўлга киритишда барчангизга зафар ва омадлар ёр бўлишини тилайман.

Албатта, ушбу анжуман кунларида яратилган имкониятлардан фойдаланиб, сизлар Самарқанд шаҳрининг бағрикенг, меҳмондўст халқи билан

яқындан танишасиз, унинг ноёб меъморий ёдгорликлари ва тарихий обидалари, афсонавий Шарқ тимсоли бўлмиш Самарқанд бозорларини кўрасиз ва ишонаманки, ўхшали йўқ бу гўзал шаҳарга, Ўзбекистон заминига мафтун бўлиб қоласиз.

Ҳурматли юртдошлар! Мухтарам меҳмонлар!

Бу йилги «Шарқ тароналари» фестивали буғунги кунда ҳар томонлама гўзал ва обод бўлиб, «Ер юзининг сайқали» деган таърифга муносаб бўлиб бораётган Самарқанд заминида **Ватанимиз мустақиллигининг айни 20 йиллик тарихий санаси нишонланадиган, мамлакатимиз, халқимиз учун буюк муборак айём, қутлуғ кунларда бўлиб утаётгани чуқур рамзий маънога эга.** Чунки «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига айнан мустақиллик йилларида асос солинди ва бу фестиваль истиқлолимиз билан бирга камол топиб бормоқда.

Мен ҳар сафар ушбу фестиваль муносабати билан Самарқандга келиб, сиз азизлар билан яна бир бор қуришиб, дилдан суҳбатлашиш имконига эга бўлганимдан ўзимни баҳтиёр деб ҳис қиласман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мен учун қадрдон **бўлган Самарқанд аҳлига доимо қалбимнинг тўрида сақланиб келаётган самимий меҳрим ва ҳурматимни яна бир бор изҳор этишдан хурсандман.**

Шу унтуилмас дақиқаларда сизлар билан бирга дунёдаги машҳур истеъодод эгаларининг бетакрор санъатидан баҳраманд бўлиб, байрам қувончини баҳам кўриш насиб этганидан фоят мамнумнан.

Бугунги тантанамизда иштирок этаётган ЮНЕСКО ташкилоти, Ҳалқаро халқ ижодиёти кенгаши каби нуфузли ҳалқаро тузилмаларнинг вакилларига, хорижий давлатларнинг элчилари, анжуманимизнинг фахрий меҳмони бўлган италиялик машҳур хонанда Аль Бано Карризи жанобларига сизларнинг номингиздан катта ҳурмат ва миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Хуш келибсиз Самарқанд заминига!

Хуш келибсиз Ўзбекистонимизга, азиз биродарлар!

Барчангизни бугунги байрам билан яна бир бор табриклаб, сиз азизларимга сиҳат-саломатлик, янги-янги муваффақият ва омадлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

2011 йил 26 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Бугун — барча шаҳар ва қишлоқларимизда, бутун мамлакатимизда муборак айём, унтилимас тарихий сана — Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганининг йигирма йиллик буюк байрами.

Бундан йигирма йил муқаддам биз юртимизда мустамлака зулми ва қарамлик даврига барҳам бериб, асрлар давомида халқимиз интилиб келган эркин ва озод ҳаёт қуриш йўлида тарихий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйдик.

Биз учун энг буюк ва энг азиз бўлган ана шу қутлуғ байрам билан сиз азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни чин қалбимдан табриклиб, юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришсан чексиз баҳтиёрман.

Ўзининг неча минг йиллик кўхна тарихида неисе воқеаларни бошидан кечирган халқимиз учун

Ўзбекистон мустақиллиги, ҳаётимизни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган бу улуғ сана қўп йиллар, замонлар ўтса-да, ўз аҳамияти, қадр-қиммати ва моҳиятини йўқотмайдиган, том маънода оламшумул воқеа бўлиб абадий сақланиб қолажак.

Мұхтарам дўстлар!

Биз ўтган давр мобайнида мустақилликка эришиш, эркин нафас олиб, ўз тақдири ва келажагини ўз қўли билан қуриш жаҳондаги биронта халқ, биронта мамлакат учун ҳеч қачон, ҳеч қаерда осон бўлмаган, деган аччиқ ҳақиқатни ўз ҳаётимиздан ўтказдик, ўз мисолимизда чуқур англадик.

Дарҳақиқат, бугун вақт ўтиши билан юртимизда ўзини оқламаган эски мустабид тузум асроратлари ва занжирларидан озод бўлиш нақадар оғир кечганини, истиқлол арафасида республикамиздаги вазият тобора кескинлашиб, таҳликали ва ўта хавфли тус олганини яна ва яна бир бор ўзимизга тасаввур қилишимиз ўринли бўлади.

Бир ёқлама ривожланган, фақат хом ашё етказиб беришга, мутлақ пахта яккаҳокимлигига асосланган иқтисодиётимиз фоят ночор аҳволга тушиб қолгани, қашшоқлик ва бедодликка дучор бўлган аҳолимизнинг сабр косаси тўлиб, ўлкамиз жар ёқасига, портлаб кетиш ҳолатига

стиб борганини, одамларимизнинг таъминоти, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтириш муаммолари нақадар ўткир бўлиб турганини эслайдиган бўлсак, айни шу йиллардаги мавжуд вазият бутун мураккаблиги билан аён бўлади.

Бугун бир ҳақиқатни сира иккilanmasdan, баланд овоз билан айтиш учун барча асосларимиз бор: истиқдол йўлида қандай суронли кунларни, қийинчилик ва тўсиқларни енгишга тўғри келмасин, юртимизга нисбатан қандай хуруж, ўғум ва пўписалар бўлмасин, биз энг оғир ва машаққатли дамларда ҳам мустақиллик гоясига содиқ қолиб, Ўзбекистон манфаатини ҳамма нарсадан устун кўйиб, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Биз юртимизда янги ҳаёт барпо этишнинг биринчи кунларидан бошлаб ҳақиқий эркинлик ва истиқтолга эришиш — бу фақат мустақилликни қўлга киритиш эмас, балки уни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қуриш ва мустаҳкамлаш, халқаро ҳамжамиятда ўзимизга муносаб ўрин эгаллаш ва ҳурмат қозонишдан иборат ёканини теран англаб олдик.

Ана шундай эзгу мақсадларга эришиш йўли са барчамизга яхши маълум: бу — ўзимизнинг ер ости ва ер усти бойликларимиздан, ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятимиз, куч-кудратимиздан фойдаланиб, кўпни кўрган,

меҳнаткаш халқимизнинг ақл-заковати, ғайратшижоатига ва халқаро ҳамжамият ҳамкорлигига таяниб, дунёдаги замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш йўлидир.

Аҳолимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини янги, юксак босқичга кўтариш, шу мақсадда мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини демократик янгилаш, либераллаштириш ва модернизация қилиш, ушбу жараёнларнинг суръатини имкон даражасида тезлаштириш — биз учун энг мақбул йўлдир.

Айни шу йўл йигирма йиллик янги тарихимиз давомида ҳар томонлама ўзини оқлаб, исботлаб берган, жаҳонда «Ўзбек модели» деб ном олган энг түғри йўл, десам, мана шу муҳташам майдонда ўтирган сиз азизларнинг, кенг жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Ўтган давр мобайнида биз эришган юксак мэрралар ҳақида узоқ гапириш, кўплаб рақамларни олиб келиш мумкин. Шулар қаторида Ўзбекистон иқтисодиёти йигирма йил мобайнида қарийб 3,4 баробар, ўртача иш ҳақи 14 баробар ўсгани, аҳолининг ялпи даромади тахминан 9 марта ошгани бизнинг мустақиллик йилларида қандай улкан мэрраларни қўлга киритганимизни намоён этмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳалибери давом этажтанига қарамасдан, Ўзбекистонимизнинг ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари охирги беш йил давомида дунёдаги саноқли давлатлар қаторида ўртача 8,5 фоизни ташкил этгани ва бу йил ҳам ундан кам бўлмаслиги кутилаётгани иқтисодиётимизнинг изчил ва барқарор ривожланиб, тараққий топаётганининг яққол далилидир.

Истиқлол йилларида ижтимоий соҳа учун давлат харажатлари 5 баробардан зиёд кўпайгани, унинг 60 фоиздан кўпроғи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларга йўналтирилгани ҳам дунё миқёсида камдан-кам учрайдиган кўрсаткич бўлиб, бизнинг бош мақсадимиз, авваламбор, инсон ҳаётини, унинг манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилганини ҳар томонлама исботлаб беради.

Айнан шу асосда йигирма йил давомида юртимизда бир ёшгача бўлган гудаклар ва оналар ўлими 3 баробардан кўпроқ қамайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга узайиб, эркаклар ўртасида 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етгани, бугунги кунда аҳолимиз сони 28,5 миллион кишини ташкил қилаётгани, ҳеч шубҳасиз, буни яна бир бор тасдиқлаб беради.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Биз қўлга киришган бу юксак мэрраларнинг илдизи, замини нимада, деган саволга ҳар биримиз ҳеч иккиланмасдан, буларни барчасининг замираидаги аввало мустақиллик деб аталган бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг тобора юксалиб бораётган онгу тафаккури, эртанги кунга бўлган ишончи, эзгу орзуинтилишлари мужассам, деб катта фурур ва ифтихор билан айтишимиз табиийдир.

Бугун мана шу саховатли заминда «Ўзбекистон — ягона уйимиз» деб яшаётган, қайси касб эгаси, қайси миллат ва элат вакили бўлмасин, барча юртдошларимиз Ватанимиз қўлга киришган ютуқлар, эришган мэрраларда менинг ҳам муносиб меҳнатим, муносиб ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб, мағрурланиб гапиришга тўла ҳақлидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мана шу юксак минбардан туриб, бизга доимо хайриҳоҳ бўлиб, қўллаб-куватлаб, ёрдам ва кўмак бериб келаётган дўсту биродарларимизга, юртимиз билан самарали ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар ва халқларга миннатдорлик билдириб, қизғин саломларимизни йўллашга, уларга баҳт ва равнақ тилашга рухсат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, шу муаззам майдонда жам бўлган хорижий давлатларнинг элчилари

ва халқаро ташкилотларнинг вакиллариға, барча азиз меҳмонларимизга, бизнинг бугунги байрамимиз — сизларнинг ҳам байрамингиздир, деб, уларни чин юрақдан қутлаб, самимий ҳурмат ва эҳтиромимизни изҳор этсак, айни муддао бўлади.

Қадрли юртдошлар!

Истиқлол бизга берган бебаҳо бойлик ва имкониятлар, эришган натижаларимиз ҳақида кўп сўз юритиш мумкин. Айни вақтда мустақиллик тарихига асло ўчмайдиган, ёрқин саҳифа бўлиб ёзиладиган улкан марраларимиз қаторида шундай буюк бир ютугимиз борки, унинг аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Мен буни замонавий билим ва қасб-хунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган соғлом ва баркамол авлодимиз тимсолида кўраман.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб, ўзининг навқирон азму шижаотини намоён этиб утирган, менинг фарзандларим бўлган сиз ўғилқизларимга, сизлар орқали бутун юртимиз ёшлирига қаратада айтмоқчиман:

Азиз болаларим, Оллоҳнинг назари тушган, Ўзбекистон деб аталмиш гўзал ва бетакрор ўлкада туғилиш, унинг бағрида камол топиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Ана шу ҳақиқат ҳар

бириңизниң қалбингиздан, юрагингиздан чуқур жой олишини истардим. Ватан севгиси, Ватанга садоқат түйгүси сизларга умрбод ёр бұлсин.

Не-не оғир синовлар, тұғон ва суронларни бошдан кечириб, қанча-қанча қурбонлар беріб, она юртимизни омон сақлаган, бизга безавол етказған аждодларимиз, ота-боболаримизнинг бүйілда қандай катта меңнатлари сингганини ҳеч қачон унутмаслик, уларнинг хотираси ва хурматини жойига қўйиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Мана шундай ҳиссиётларни қалдан үтказиб, барчамиз учун яккаю ягона бүлган Ватанимизни янада гуллатиб-яшнатиш, унинг ёруғ ва фаровон келажаги учун бутун борлиғимизни бағишлиб, керак бўлса, жонимизни фидо этишга ҳам тайёр бўлиш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир, десам, ўйлайманки, сиз азиз фарзандларимнинг дилида бўлган олижаноб туйгуларни ифода этган бўламан.

Азиз дўстларим, қадрли ватандошларим!

Бугунги улуғ айёмнинг муборак Рамазон ҳайити билан айнан бир пайтга тұғри келгани ҳам Яратганимизнинг эл-юртимизга күрсатған яна бир инояти ва марҳамати, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Барчангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан, Рамазон ҳайити билан чин қал-

бимдан муборакбод этиб, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Буюк ва муқаддас Ватанимиз мангу бор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

2011 йил 31 август

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар!

Қадрли устозлар!

Авваламбор, сиз, азизларни Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий табриклаб, барчангизга ўзимнинг эзгу тилакларимни билдиришдан баҳтиёрман.

Биз учун фоят қадрли бўлган ушбу айёмнинг Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллик байрами шукуҳи давом этаётган шу қутлуғ кунларда нишонланаётгани унга алоҳида кўтаринки руҳ ва тароват бағишламоқда, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Мана, 15 йилдирки, мамлакатимизда 1 октябрь санаси — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

Юртимизда дунёда камдан-кам учрайдиган ана шундай байрамнинг таъсис этилиши, ҳеч шубҳасиз, биринчи навбатда маънавий юксалишнинг

асосий гарови ва мезони бўлган зиёлиларимизга, уларнинг энг катта ва фаол қисмини ташкил этадиган минг-минглаб жонкуяр ўқитувчи ва муаллимлар, устоз ва домлаларнинг Ўзбекистонимизнинг бугунги тараққиётига кўшаётган улкан ҳиссасини эътироф этиб, уларга нисбатан чуқур хурмат ва эҳтиромимизнинг амалий ифодаси, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Мен жойларда жамоатчилик вакиллари, фолларимиз билан суҳбат ва мулоқотларда бўлганимда, «Дунё иморатларининг энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг энг улуғи ўқитувчиликдир» деган теран маъноли ибора халқимиз ўртасида кенг тарқалиб бораётганига гувоҳ бўламан. Энг муҳими, ҳаётимиз ҳақиқатига айланган бу сўзлар юртимизда маърифат аҳлининг шарафли меҳнати тобора қадр ва эътибор топаётганини акс эттириши билан кўпчилик қатори менга ҳам мамнунийят бағишлайди.

Шу маънода, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудратини ошириш йўлидаги самарали фаолияти учун Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган барча соҳа ва тармоқлар вакиллари орасида бугунги кунимиз ва келажагимизни ҳал қиласидаган таълим-тарбия соҳасини замон талаблари даражасига кўтарадиган, ўз мустақил фикри, ўз дунёқарашига эга, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказадиган

фидойи зотлар — ўқитувчи ва мураббийлар аксарият кўпчиликни ташкил этишини шахсан мен табиий бир ҳол, деб биламан.

Маълумки, Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган, дунё тажрибасида ўхшали кам бўлган миллий таълим модели ҳозирги кунда қандай юксак натижалар бераётганини, ижобий маънодаги «портлаш Эффекти»га олиб келаётганини нафақат юртимиз аҳли, балки жаҳон жамоатчилиги ҳам ҳақли равишда эътироф этмоқда.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан 12 йиллик узлуксиз таълимга асос солингани, унинг пойдевори бўлмиш умумтаълим мактаблари, ўғил-қизларимизга замонавий билим ва касб-хунар ўргатиб, ҳаётга йўлланма берадиган коллежлар, академик лицейларни ўзида мужассам этган янги тизимни тўлиқ жорий этганимиз ўзининг амалий самараси билан юртимиз равнақига бекиёс ҳисса кўшмоқда. Бу, ўз навбатида, биз танлаган таълим ва тарбия моделининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини яққол тасдиқлаб бермоқда.

Шу борада Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида 8832 та мактабда қурилиш-таъмирлаш, реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилгани, 1537 та академик лицей ва касб-хунар коллежи барпо этилгани, истиқдол йилларида илм-фан сирла-

ри ва замонавий технологияларни пухта ўзлаштирган, юксак малакали кадрларни тайёрлайдиган олий ўқув юртлари сони салкам икки баробар қўпайиб, 65 тага етгани бизнинг бу соҳада ўзгалар ҳавас қиласидиган улкан мэрраларга эришганимиздан далолат беради.

Таълим соҳасидаги ислоҳотларимизнинг ажралмас қисми бўлиб ҳаётимиздан чуқур жой олган дастур ва режаларимиз қаторида юртимизда мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган ишларимиз бугунги кунда ўзининг дастлабки ҳосили ва самарасини бераётгани барчамизни албатта хурсанд қиласи.

Бунинг тасдигини кейинги ўн йил мобайнида ўқувчиларимиз мустақил Ўзбекистон вакиллари сифатида халқаро фан олимпиадаларида муносаб иштирок этиб, 150 дан зиёд олтин, кумуш ва бронза медалларни қўлга киритгани, нуфузли санъат фестиваллари ва танловларида 670 дан ортиқ совринли ўринларни эгаллагани, халқаро спорт мусобақаларида эса 1280 та олтин, 1170 та кумуш ва 1590 та бронза медаль соҳиби бўлгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Барчамизга яхши аёнки, ҳозирги кунда таълим жараёнларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, интернет тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу мақсадда Мультиме-

диали умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ташкил этилиб, мультимедиа воситалари, ўқув адабиётлари ва қўлланмаларининг элек-трон варианtlарини яратиш ишлари йўлга кўйилгани, барча мактабларимиз «ZiyoNET» тармоғига улангани ўқув-тарбия жараёнларини бугунги тараққиёт, миллий ва умумбашарий тафаккур ютуқлари билан узвий боғлиқ ҳолда ташкил этиш, уларнинг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Мана шундай янги, замонавий таълим тизимини яратиш учун давлатимиз томонидан жуда катта маблаг ва куч-имкониятлар сарфланаётгани, уларнинг ҳажми ва миқдори йилдан-йилга ошиб бораётгани барчамизга баланд руҳ бағишлиб, эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари, умумтаълим, мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ҳамда болалар спорти иншоотларини янги жиҳоз ва анжомлар билан таъминлаш дастурининг 2012 йилга мўлжалланган асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида яқинда қабул қилинған қарорга биноан, келгуси йилда айни шу мақсадлар учун 527 миллиард сўмдан зиёд маблаг сарфлаш кўзда тутилаётгани амалга оши-

радиган ишларимизнинг құлами ва миқёсіни аниқ күрсатиб турибди.

Шу билан бирга, мамлакатимиздаги олий ўкув юртларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш, уларни замонавий асосда жиҳозлаш, кадрлар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш, үқитувчи ва домладар мәхнатини рағбатлантириш бүйича қабул қилинган дастурга мувофиқ, яқын келгусида бу борада 300 миллиард сүм миқдоридаги маблагни йұналтириш ревалаштирилған. Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси Үзбекистон таълим тизимини янги, юксак босқичга күтариш йўлидаги яна бир улкан қадам булиши муқаррар, албатта.

Азиз юртдошлар!

Мамлакатимиз олдида турган, бутун халқимиз қалби, онгу шуури билан англаң етаётган мақсад-вазифалар — дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида ҳаммамиз бир ҳақиқатни чуқур тушуниб олишимизни истардим: замонавий қиёфага эга бўлган обод қишлоқ ва шаҳарларни барпо этиш мумкин, иқтисодиёт локомотивлари бўлган йирик корхоналарни қуриш, хориждан юксак ва ноёб технологияларни олиб келиш мумкин. Лекин, аввало, буларнинг барчасини бунёд этадиган, уларга бамисоли жон киритадиган ҳаётбахш

куч — бу ўз билими ва истеъодига, куч-кудраги суянган, ҳеч кимдан кам бўлмаган, бугун ҳаётга дадил кириб бораётган янги, навқирон авлодимиз, бизнинг фарзандларимиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ана шундай авлодни тарбиялашдек ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган буюк вазифани ўз зиммасига олган, бу йўлда ўзини аямасдан меҳнат қилаётган сиз, фидойи ўқитувчи ва мураббийларга ҳар қанча тасанно айтсак, таъзим қилсак, арзийди, албатта.

Ҳеч кимга сир эмаски, инсоннинг қалби ва онгини эгаллаш, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёсини издан чиқаришга қаратилган турли хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётган бугуниг ўта нотинч замонда ўзининг кимлигини, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган, иймон-эътиқоди мустаҳкам ёш авлодгина муқаддас заминимизни ёт ва бегона таъсиrlардан, бало-қазолардан саклашга, Ватанимизни ҳар томонлама равнақ топтиришга қодир бўлади.

Сиз, ҳурматли ўқитувчи ва мураббийларимиз фарзандларимизга замонавий илм-фан ва касб-хунар асослари билан бирга, айнан ана шундай юксак туйфу ва фазилатларни сингдириш, маънавий-ахлоқий қадриятларимизни асрраб-авай-

лашда бундан буён ҳам бор куч-ғайратингиз, билим ва маҳоратингизни аямайсиз, деб ишона-ман.

Фурсатдан фойдаланиб, такрор бўлса-да, бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтишни ўринли деб ҳисоблайман: ёш қалбларни маърифат ва эзгулик ёғдуси билан мунаvvар этадиган, уларни ҳаётга йўллайдиган сиз, муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлар олдида барчамиз бир умр қарздорлик туйғуси билан яшаймиз. Мен давлат раҳбари сифатида, бугунги кунда эришаётган барча-барча ютуқ ва мэрраларимизда сизларнинг муносиб ҳиссангиз борлигини, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ватанимиз шуҳратини дунёга тараннум этишда фидокорона меҳнатингиз пойdevor бўлиб хизмат қилаётганини чуқур ҳис этадиган инсон сифатида сизларни ўзимнинг энг яқин кўмакчим, маслакдошим деб биламан ва юксак қадрлайман.

Сизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ҳеч қачон кам бўлманг, доимо омон бўлинг, азиз устозлар!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ — ОЛИЙ САОДАТ

Мұхтарама Бош директор хоним,
Хурматли симпозиум иштирокчилари, хоним-
лар ва жаноблар!

Сиз, азиз мәҳмонаримизни, Жаҳон соғлиқ-
ни сақлаш ташкилоти, Бирлашган Миллатлар
Ташкилотининг ЮНИСЕФ, Тараққиёт дастури
ва Аҳолишунослик жамғармаси каби нуфузли
халқаро ташкилотлар вакилларини, дунёning
кўплаб мамлакатлари соғлиқни сақлаш соҳаси
раҳбарлари, бугунги симпозиумнинг барча иш-
тирокчиларини қутлаш ва ўзимнинг чукур эҳти-
ромимни изҳор этиш менга катта мамнунийт
багишлайди.

Яқинда бунёд этилган, миллий ва замонавий
архитектура ҳамда шаҳарсозликнинг энг яхши
намуналарини ўзида мужассам этган, бугун хал-
қаро анжуман ўтаётган ушбу ноёб комплекс икки
қисмдан — Миллий кутубхона ва Симпозиум-
лар саройидан иборат. Мазкур муҳташам сарой-

да биз қабул қилаётган илк меҳмонлар сиз, энг инсонпарвар ва олижаноб соҳа — оналик ва болаликни муҳофаза қилишга бағишиланган ушбу халқаро форум иштирокчилари эканингизнинг ўзи кўп жиҳатдан рамзий ва тарихий аҳамиятга эгадир.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, ҳурматли Маргарет Чен хоним, барча меҳмонларимизга ушбу Forumda иштирок этиш ҳақидаги таклифимизни қабул қилганингиз учун самимий миннатдорлик билдираман.

Сизларнинг атоқли хорижий олимлар ва тиббиёт оламининг юксак обру-эътиборга эга мутахассислари иштирокида Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, соглом ва баркамол ёш авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган умуммиллий дастурнинг муҳим таркибий қисми сифатида шаклланган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш моделининг муҳокама этилиши биз учун катта шарафдир.

Мамлакатимизда умуммэтироф этилган шиор — «Соғлом она — соғлом бола» тамойили, ўз мөҳиятига кўра, аҳолини жисплаштирувчи ва сафарбар этувчи даъват бўлиб, давлат ва жамият даражасига кўтарилилган устувор вазифага айланди.

Биз бу муҳим вазифанинг ижросига киришар эканмиз, одамлар саломатлигини муҳофаза қилишнинг бутун тизимини чуқур ислоҳ этиш

ва модернизация қилиш асосидагина олдимизга қўйган мақсадга эришиш мумкинлигини теран англаб етганимизни таъкидлаб ўтмоқчиман.

Мустақил ривожланиш йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишни давом эттириш ва янгилаш имконини берадётган мустаҳкам пойdevор яратилди, деб айтиш учун бугун барча асосларимиз бор.

Биринчидан, энг юқори талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва уларнинг шаҳар ҳамда туманлардаги бўлимлари, тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат аҳолига бепул, юқори малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мутлақо янги ва ноёб ягона тизим шакллантирилди. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази мазкур тиббиёт муассасаларига раҳбарлик қилмоқда ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини амалга ошироқдо.

Иккинчидан, мамлакатимизда ташкил этилган 3200 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ислоҳ этиш ва унинг қутий бўғинини кучайтиришда гоят муҳим роль ўйнамоқда. Шунга эътиборингизни қаратишни истардимки, бу ерда гап бошқа мамлакатларда мавжуд бўлган фельдшерлик-акушерлик пунктлари ҳақида эмас, бал-

ки замонавий тиббиёт техникаси билан жиҳозланган ва умумий амалиёт шифокорлари биринчи тиббий ёрдам кўрсатаётган пунктлар ҳақида бормоқда.

Учинчидан, туман ва вилоят даражасидаги соғлиқни сақлаш муассасалари тармоги оптималлаштирилди, замонавий асбоб-ускуналар билан яхши жиҳозланган ва малакали кадрлар билан таъминланган ихчам туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли шифохоналари ҳамда поликлиникалари ташкил этилди.

Тўртингчидан, бугунги кунда мамлакатимизда эътироф этилган илмий мактаблар негизида 10 та республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлар ташкил этилиб, улар кардиология ва кардиожарроҳлик, акушерлик ва гинекология, урология, офтальмология, пульмонология ва фтизиатрия, эндокринология каби йўналишларда фаолият кўрсатмоқда. Ушбу марказларда юқори малакали, юксак даражадаги касб тайёргарлигига эга кадрлар замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида юқори технологик тиббий хизматлар кўрсатмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида бизнинг барча саъи-ҳаракатларимиз, аввало, узоқ муддатли самарали мақсадга, яъни миллат генофондини сақлаш ва яхшилаш, аҳолининг умр кўриш давомийлигини ва турмуш даражасини ошириш, соғлом

авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун шарт-шароит яратишга қаратилди. Табиийки, бунинг учун улкан вазифаларни, жумладан, одамлар психологияси ва онгини ўзгаришишга доир ишларни амалга оширишга тұғри келди.

Хусусан, соглом оилани шакллантириш ва ирсий касалликларга чалиниш мүмкін бўлган ҳолатларни камайтириш мақсадида мамлакатимизда турмуш қураётган шахсларни никоҳдан олдин мажбурий тиббий кўриқдан ўтказиш тизими жорий этилди.

Ушбу масалага кенгроқ қарайдиган бўлсак, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, жамиятда, айниқса, ёшлар ўртасида маънавий муҳит ва одоб-ахлоқ, оилани мустаҳкамлаш, оила ришталари барқарорлигини таъминлашга мамлакатимизда ҳар доим катта эътибор қаратилган ва бугунги кунда ҳам бу анъана юксак қадрланади. Ўйлайманки, соғлом оила, оиласидаги соғлом муҳит соғлом бола туғилишида қандай улкан аҳамиятга эга эканини исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ.

Бугун Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ жойлардаги барча ҳомиладор аёллар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан соғлом наслни шакллантириш учун зарур поливитаминлар билан таъминланмоқда.

Махсус давлат дастури доирасида замонавий она ва бола скрининг марказлари тармоғининг ташкил этилганига алоҳида эътибор қаратишингизни истардим. Улар ишга тушган 2000 йилдан бўён мамлакатимизда ирсий ва тугма нуқсонли болалар туғилиши 1,7 баробардан зиёд камайди.

Мамлакатимизда икки ёшгача бўлган барча болалар бепул эмланмоқда, бу, ўз навбатида, дифтерия, қоқшол, полиомиелит каби касалликларга бутунлай барҳам бериш имкониятини яратди. 14 ёшгача бўлган болаларнинг деярли 100 физи йилига икки марта, туғиш ёшидаги аёллар эса ҳар йили чукур тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ўтган 20 йил давомида оналар ва гўдаклар ўлими уч баробардан кўпроқ камайди. Ўзбекистон жорий йилда «Болаларни асройлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингида ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп гамхўрлик кўрсатилаётган давлатлар орасида 9-йринни эгаллади.

Юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш масаласи соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этишда муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда Тошкент тиббиёт академияси қаторида Самарқанд, Андижон, Бухоро, Урганч ва Нукус каби шаҳарларда тиббиёт олий ўкув юртлари фаолият кўрсатмоқда.

Олий маълумотли тиббиёт ҳамшираларини тайёрлашни ташкил этишнинг принципиал жиҳатдан янги тизими шакллантирилди.

Мамлакатимиз тиббиёт институтлари «Шарите» (Германия), Гарвард (АҚШ), Манчестер (Буюк Британия), Вена (Австрия) университетлари клиникалари каби етакчи хорижий тиббиёт муассасалари, Россия ва Украина нинг машҳур марказлари, Япония, Жанубий Корея ҳамда бошқа давлатлардаги йирик госпиталлар билан яқин ҳамкорликда ишлаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Мана шу юксак минбардан ушбу залда йиғилган Форум қатнашчилари номидан уларга самимий миннатдорлик изҳор этиш менга катта мамнунийт бағишлайди.

Мамлакатимизда одамлар саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилаётган улкан эътибор, авваламбор, бу соҳани ривожлантиришга йўналтирилаётган инвестициялар ва маблағларда ўзининг аниқ исботини топмоқда.

Мамлакатимиз давлат бюджетида соғлиқни сақлаш соҳасига сарфланаётган харажатлар улу-

ши 15,7 фоизни, ялпи маҳсулотга нисбатан эса 4,1 фоизни ташкил этади.


Соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий асбоб-ускуналар ва тиббий техника билан қайта жиҳозлашга ўтган даврда 700 миллион доллардан зиёд имтиёзли кредитлар, донорларнинг грант маблағлари жалб этилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, кейинги уч йилда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаш ҳажми 2,5 баробар кўпайди.

Бепул ва пуллик тиббий хизмат кўрсатиш масалалариға қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўзбекистонда аҳоли учун барча биринчи тиббий ёрдам бепул ҳисобланади. Шошилинч тиббий ва педиатрия ёрдами, туғуруқ ва ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам, шунингдек, онкологик, юқумли ҳамда бошқа қатор ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни даволаш хизматлари ҳам шу асосда амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, замонавий ва сифатли тиббий ёрдам қимматбаҳо, бунинг устига, мунтазам янгилашни талаб қиласиган асбоб-ускуналарга, шунингдек, қиммат дори воситалари ҳамда препаратларга асосланишини ҳаммамиз жуда яхши тушунамиз. Бу эса бепул ва пуллик даво-



лаш ишларини оқилона уйғунлаштирган ҳолда олиб боришни тақозо этади.

Биз танлаган соғлиқни сақлаш модели қанчалик түгри ва самарадорлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор. Бу ҳақда күп гапирмасдан, биргина мисол келтирмоқчиман. 1991 йилдан буён ўтган даврда юртимизда одамларнинг ўртача умр кўришини 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўришини эса 75 ёшга узайтиришга эришдик.

Бизнинг тажрибамиз соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар доимий ва узлуксиз жараён эканидан далолат беради. Тиббиёт ҳам илм-фан, ҳам амалиёт сифатида мунтазам такомиллашиб бормоқда ва бу бизнинг миллий соғлиқни сақлаш моделимизда ўз ифодасини топмоқда.

Шу кунларда биз ислоҳотларнинг янги босқичи билан боғлиқ вазифаларни амалга оширишга киришдик. Бу борада соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғини оптималлаштиришни ниҳоясига етказиш ва уларни энг замонавий аппаратура билан босқичма-босқич қайта жиҳозлаш кўзда тутилмоқда. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг моддий-техник, илмий ва амалий базаси янада яхшиланади, уларда акциядорлаштириш жараёнлари амалга оширилади, ушбу муассасаларда ишлаётган тиббиёт ходимларини

рағбатлантириш, якуний натижалар учун уларнинг масъулиятини ошириш механизмлари жорий этилади.

Бу мақсадлар учун турли манбалар ҳисобидан яқин йилларда 1,5 миллиард АҚШ долларига тенг маблағлар йўналтирилади ва биз масалага нафакат аҳоли фаровонлиги ва саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили, балки иқтисодиётилизни юксалтириш ва жамиятимиз барқарор тараққиётининг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида қарамоқдамиз.

Ҳурматли симпозиум иштирокчилари!

Бугунги халқаро форум натижалари пировардидиа Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга хизмат қилишига ишонаман. Зеро, ҳар бир одам учун узоқ ва соғлом умр кўриш баҳтли ҳаёт кечиришнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Сўзимнинг якунида шуни таъкидламоқчиманки, соғлиқни сақлаш соҳасида эришган ва биз ҳақли равишда фахрланадиган барча ютуқларимиз асосида, аввало, минг-минглаб тиббиёт ходимлари — шифокорлар, ҳамширалар, олимлар ва мутахассислар, ўзининг тинимсиз ва фидокорона меҳнати билан инсонга шифо бериш, унинг дардига малҳам бўлишни муқаддас бурч деб биладиган барча олижаноб касб эгаларининг билими, тажрибаси ва маҳорати мужассамдир.

Дейдиларки, бу дунёда Яратганимиз томонидан ато этилган иккита касб бор: биринчиси — ўқитувчилик, иккинчиси — шифокорликдир. Ўзининг олижаноб касбига содик шифокор ҳар куни энг яхши инсоний фазилатларни намоён этиб, барчамизга олий инсонпарварлик мақсадлариға холис хизмат қилишнинг ёрқин намунасини кўрсатади.

Ушбу юксак минбардан туриб, сиз ва сизларнинг тимсолингизда мазкур олижаноб касб эгаларига чин қалбдан ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман. Сизларга сиҳат-саломатлик, ишларингизга муваффақият тилайман. Яна бир бор меҳмондуст ўзбек заминига хуш келибсиз.

Эътиборингиз учун ташаккур!

*«Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини
муҳофаза қилишининг миллий модели:
«Соғлом она — соғлом бола» мавзуидаги
халқаро симпозиум очилишидаги нутқ,
2011 йил 26 ноябрь*

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИННИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

Шу йил 30 ноябрь куни халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Биз одатда юртимиз, Ўзбекистонимизни Оллоҳнинг назари тушган замин, деб атаймиз. Бунинг яққол мисоли сифатида Қашқадарё воҳасини кўриш ўринлидир, деб таъкидлади Юртбoshимиз.

Дарҳақиқат, Қашқадарё деганда, барчамиз гўзал ва бетакрор бир ўлкани, мана шу заминга меҳр ва садоқат билан яшаётган, меҳнат қилаётган бағрикенг, азми қатъий инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз. Бу заминнинг ер ости ва ер усти бойликлари, фалла ва пахта етиштириш бўйича республикамизда етакчи ўринда туриши, бугунги кунда юртимизда қазиб олинадиган табиий газнинг 88 фоизи, нефтнинг 93 фоизи айни шу вилоят ҳиссасига тўғри келиши шундай деб айтишга тўла асос беради.

Бу воҳада мужассам бўлган улкан моддий ва маънавий бойликлар, иқтисодий ва интеллектуал салоҳият, айниқса, мустақиллик йилларида ёрқин намоён бўлиб, эл-юртимиз манфаати, Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилаётгани барчамизни қувонтиради. **Айни вақтда** бу қадимий ва навқирон диёрнинг эиг катта бойлиги, ҳеч шубҳасиз, унинг ҳаёт синовларида тобланган, бағрикенг, мард ва ориятли халқидир, деди давлатимиз раҳбари.

Сессияда Қашқадарёдаги бугунги аҳвол, мавжуд вазиятни инобатга олган ҳолда, депутатларни, вилоят жамоатчилигини нималар қониқтиради, нималарга эса салбий баҳо беришимиз керак, деган саволлар асосида тегишли хulosалар чиқариб, фикр алмашиб олиш мақсадга мувофиқ экани алоҳида қайд этилди. Биринчи навбатда, Қашқадарё вилоятининг улкан салоҳиятини рӯёбга чиқариш, ишни тӯғри ташкил этиш, аввало, шу заминда яшаётган миллионлаб одамларни безовта қилаётган, ҳали-бери ечилмасдан келаётган муаммоларни ечиш, бир сўз билан айтганда, вилоятни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Эсингизда бўлса, сизлар билан шу йилнинг июнь ойида, яъни пахтачиликда ҳосил тақдири ҳал бўладиган муҳим паллада учрашган эдик, деб

ўз фикрини давом эттирди Юртбошимиз. Айтиш керакки, якунланаётган 2011 йилда об-ҳавонинг ғоят нокулай келгани, қаттиқ қурғоқчилик ва сув тақчиллиги қишлоқ хўжалиги учун жиддий муаммолар туғдирди. Аммо фидойи деҳқон ва фермерларимизнинг кўп йиллик тажрибаси, омилкорлиги ва мардона меҳнати ҳисобидан вилоядада 400 минг тоннадан ортиқ пахта, 821 минг тоннадан зиёд ғалла хирмони бунёд этилганини таъкидлаб ўтмоқчиман, деди Ислом Каримов.

Мажлисда бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Қашқадарё воҳасида ҳам кейинги йилларда вилоят аҳлининг фидокорона меҳнати билан кўпгина ижобий ўзгаришлар амалга оширилаётгани ҳақида фикр юритилиб, қўйидаги мисолларга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилда вилоядада ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиши 8 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва маҳсулот турларини кўпайтириш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда қабул қилинган, саноат корхоналарини модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш дастури доирасида Қашқадарёда кейинги тўрт йил мобайнида ёқилғи-энергетика, кимё, енгил ва озиқ-овқат саноати соҳаларида ўсиш жараёнлари кузатилмоқда. Шу даврда са-

ноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баробар ортиб, ўртача йиллик ўсиш даражаси 6,7 фоизни ташкил этди.

Айни вақтда вилоят иқтисодиётiga киритилаётган инвестициялар салмоғи йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам эътиборлидир. Бу ҳақда гапирганда, «Муборакнефтгаз», Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё, Кўқдумалоқ-газ, Дехқонобод калийли ўғитлар заводи, Толлимаржон иссиқлик электр станцияси каби нафақат юртимизда, балки бутун минтақамизда ҳам энг йирик ҳисобланган саноат корхоналарида амалга оширилган катта-катта инвестиция лойиҳаларини эслаб ўтиш зарур.

Вилоятда ҳозирги кунда нефть, газ ва конденсатдан кенг фойдаланиш билан бирга, кимё маҳсулотлари, калийли ўғитлар ишлаб чиқариш каби янги тармоқлар ҳам жадал ривожланмоқда. Масалан, Дехқонобод калийли ўғитлар заводининг 275 миллион доллар қийматга эга бўлган биринчи навбати ишга туширилиб, бу замонавий корхонада илгари катта миқдорда валюта сарфлаб четдан олиб келинган, иқтисодиётимиз учун ниҳоятда зарур бўлган 200 минг тонналик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, мазкур заводининг иккинчи навбати қурилмоқда ва у фойдаланишга топширилганидан сўнг маҳсулот ҳажми 3 баробар ортиб, йи-

лига 600 минг тонна ўғит ишлаб чиқаришга эришамиз.

Ҳозирги вақтда вилоятда 493 минг гектар майдонда деҳқончилик қилиниб, мамлакат бўйича тайёрланадиган жами пахтанинг деярли 13 фоизи, фалланинг 14 фоизи айнан Қашқадарёда етиширилмоқда. Вилоят чорвачилик ва боғдорчилик, паррандачилик каби соҳаларда ҳам катта имкониятларга эга.

Ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ернинг унумдорлигини ошириш, мелиорация обьектларини реконструкция қилиш, қуриш, таъмирлаш ва тиклаш мақсадида вилоятда кейинги уч йилда 34,5 миллиард сўм ҳажмидаги ишлар бажарилгани ва бунинг натижасида 91,7 минг гектар суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланганини таъкидлаш лозим.

Маълумки, аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришдек эзгу мақсад доимий равишда давлат сиёсатимизнинг диққат марказида бўлиб келмоқда, деди давлатимиз раҳбари. Қашқадарёда бу йўналиш бўйича ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Бу ҳақда гапирап эканмиз, аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, янги-янги мактаблар, лицей ва коллежлар, соғлиқни сақлаш муассасалари, илмфандар, таълим, маданият ва спорт масканлари, замонавий тураржой бинолари, кўплаб савдо

объектлари, бозорлар, сервис ва хизмат кўрса-тиш тармоқлари бунёд этилганини айтиб ўтиш лозим.

Биз учун энг катта бойлик бўлган эл-юрг саломатлигини асраш, хусусан, қариялар, аёллар ва болаларнинг соғлигини муҳофаза қилиш бўйича изчил олиб борилаётган ишлар натижасида кейинги вақтда бу вилоятда 18 та тиббиёт муасасаси ишга туширилди, мавжуд шифохоналар эса замонавий асбоб-ускуналар, малакали кадрлар билан таъминланиб, тиббий хизмат кўрса-тиш сифати ва самарадорлиги оширилди.

Шулар қаторида вилоятда спортни ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани, Қашқадарё ёшлари спортнинг турли соҳаларида эришаётган ютуқлар ҳақида тўхталиб, Юртбошимиз, айниқса, вилоятнинг «Насаф» футбол жамоаси бу йилги мавсумда Осиё қитъаси кубогини қўлга киритганини бутун Ўзбекистон аҳли мамлакатимизда футбол тобора ривож топиб бораётганининг яққол нишони деб қабул қилиши ва халқимиз бундай ютуқ билан сўзсиз фурурланиши табиий эканини таъкидлади.

Албатта, вилоят ижтимоий ҳаётидаги бундай катта ўзгаришлар шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфасини ўзгартирибгина қолмасдан, энг муҳими, одамларнинг онгу тафаккурини юксалтирмоқда, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончи-

ни янада мустаҳкамламоқда. Узокқа бормасдан, мана шу Қарши шаҳрини оладиган бўлсак, ўзингиз бир қаранг, унинг бугунги қўрку чиройини кечаги ҳолати билан мутлақо солиштириб бўлмайди, деди Ислом Каримов. Қашқадарёда бўлаётган кенг кўламли янгиланиш ва ўзгаришларга бошқа вилоятларда яшаётган юртдошлиримиз ҳам ҳавас билан қарамоқда ва бобомиз Амир Темур туғилган юртни зиёрат қилиб келайлик, деб бу заминга интилаётган одамлар сони тобора кўпайиб бормоқда.

Сессияда ўз ечимини кутиб турган, вилоятда яшаётган аҳолининг бугунги ва эртанги кунига бевосита боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни ҳал қилиш ҳақида ҳам атрофлича сўз юритилди.

Агарки ўзимиз ўз ишимизга танқидий баҳо бермасак, ҳеч ким четдан келиб бу ишни биз учун қилиб бермайди. Бағрикенг, ўз кучига ишонган одамларгина ўзининг ишига тўғри баҳо бериш, камчиликларни мардона тан олиб, уларни тузатишга қодир бўлади, деди Президентимиз.

Шу нуқтаи назардан қараб, вилоятда амалга оширилган ишларга холисона баҳо берар эканмиз, энг муҳими, Қашқадарё воҳасининг салоҳиятини рӯёбга чиқариш йўлида ўз ечимини кутаётган муаммоларни ўзимизга тасаввур қиласар эканмиз, охирги йилларда йўл қўйилаётган нуқ-

сон ва камчиликлар, бир сўз билан айтганда, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш суръатлари пасайиб бораётганига эътибор беришимиз зарур. Хусусан, қишлоқ хўжалигини оладиган бўлсак, ислоҳотларни амалга ошириш, соҳани модернизация қилиш ва унга замонавий технологияларни жалб қилиш масалаларида жиддий камчиликлар мавжудлиги яққол кузатилмоқда. Жорий йилда ўтган йилга нисбатан 32 минг тонна пахта, 164 минг тонна галла кам етиштирилгани бу борадаги ана шундай оқсоқликка мисол бўла олади. Пахтачиликда 5 та туман ва 950 дан ортиқ фермер хўжалиги ёки жами фермер хўжаликлатининг 19 фоизи шартнома мажбуриятларини бажармагани туфайли 18 минг тоннадан кўпроқ пахта хом ашёси етказиб берилмади. Пахта ҳосилдорлиги эса 8 та туманда ўтган йилга нисбатан ўртача 2 центнергача камайиб қетди. Галла бўйича ҳам шундай ахволни кўриш мумкин. Яъни 270 та фермер хўжалиги томонидан шартномада белгиланганидан 10 минг тонна дон кам етказиб берилган.

Бугун бундай ҳолатнинг сабабини вилоятдаги қайси раҳбардан сўрасангиз, албатта, табиат инжиқликларини, сув танқислигини баҳона қилиб нолишдан нарига ўтмайди. Лекин азалий бир ҳақиқат борки, нолиб, ношукур бўлиб яшсанг, ишинг ҳам юришмайди. Ахир бундай таби-

ий қийинчиликлар фақат Қашқадарёда юз бераетгани йўқ-ку, деди Юртбошимиз.

Авваламбор, вилоятда селекция ва уругчилик ишларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, навларни тўғри танлаш ва жойлаштиришдаги камчиликлар, мавжуд техника паркининг эскиргани, агротехника тадбирларини қўпол бузиш ҳолатлари шундай салбий оқибатларга олиб келаётганига эътибор қаратилди.

Вилоятда фўзанинг янги ва истиқболли навларини яратиш ишлари ҳам қониқарсиз бўлиб, ҳарйили фўза навининг 15—18 хили синаб кўрилишига қарамасдан, ҳудудга мос навларни танлаш ва жорий этиш ишлари аниқ тизим асосида йўлга қўйилмаган. Асосий майдонларга бундан 20 йил олдин бошқа ҳудудлар учун мўлжаллаб яратилган «Бухоро-6», «Наманган-77» навлари экилмоқда.

Маълумки, 2008 йилда вилоятда Қашқадарёнинг тупроқ-иклим шароитига мос келадиган буғдойнинг янги навларини яратиш, айниқса, қаттиқ бугдой навларини кенг жорий қилиш мақсадида Бошоқли дон экинлари селекцияси ва уругчилиги илмий тадқиқот институти ташкил қилинган эди. Бугунги кунга қадар бу институтда 16 мингдан ортиқ турли нав ва линиялар синовдан ўтказилган бўлса-да, ҳали ишлаб чиқаришда ўз ўрнини топган навлар йўқ, бир

сўз билан айтганда, аниқ натижа кўринмаяпти. Бу ердаги ишлар пала-партиш ташкил этилиб, институт фаолиятида мантиқ ва мазмуннинг етарли эмаслиги тобора ўз исботини топмоқда. Бу институт мисолида илм-фаннынг сўнгги ютуқларини амалиётда қўллаш эмас, балки бу илмий даргоҳни раҳбарларга ва жамоатчиликка кўз-кўз қилиб, сохта обру орттиришга уриниш мақсади борлиги мажлисда афсус билан қайд этилди.

Вилоятда саноат тармоқларини барқарор ривожлантиришга етарли эътибор берилмаётгани, режалаштирилган лойиҳалар ўз вақтида амалга оширилмаётгани, мавжуд салоҳият ва қувватлардан самарали фойдаланилмаётгани ҳам жиддий муаммога айланиб бормоқда.

Биринчидан, вилоятда ўтган йили саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2009 йилга нисбатан пасайиб, 96,8 фоизга тушиб қолган. Айниқса, озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналарида мавжуд ускуналар эскиргани маҳсулотлар сифати пастлигига ва уларни ишлаб чиқаришга энергиянинг меъёридан ортиқча сарфланишига олиб келмоқда. Натижада маҳсулот таннархи ошиб, кўриладиган зарар миқдори кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда вилоятда зарар кўриб ишлабётган корхоналар сони 9 тага етиб, умумий зарар миқдори 1,2 миллиард сўмни ташкил эта-

ётган бўлса-да, бундай мураккаб аҳволни тузатиш учун зарур амалий чоралар кўрилмаяпти.

Иккинчидан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни диверсификация қилиш, яъни уларнинг турини кенгайтириш ва рақобатдош маҳсулотни кўпайтириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътиборингизни қаратишни истардим, деди давлатимиз раҳбари. Бу борада муҳим ўрин тутиши лозим бўлган маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Вилоятдаги мавжуд 2 минг 821 та корхонадан фақат 7 таси ана шундай маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Жорий йилда дастурга, бор-йўғи, иккита янги лойиҳа таклифи берилган. Бундай ҳолат йилдан-йилга такрорланиб, сурункали тус олаётгани, айниқса, ачинарлидир.

Ҳар йили мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтадиган Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида яратилган имкониятлардан вилоятда кенг ва самарали фойдаланилмаяпти. Жумладан, жорий йилнинг октябрь ойида ўтказилган навбатдаги ана шундай ярмаркада вилоятдан фақат 11 та корхона иштирок этган, холос. Улар имзолаган шартномалар қиймати 2012 йилда вилоятда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотининг атиги 0,5 фоизини ташкил этади. Ўз-ўзидан савол туғилади: вилоят раҳбарларининг бундан хабари борми ёки йўқми?

Учинчидан, саноатнинг қайта ишлаш тармоғи ҳам эътибордан четда қолиб келмоқда. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш атиги бир-икки фоиз даражасида экани ҳеч кимни қониқтирмайди, албатта. Вилоят аҳолисининг бундай тайёр маҳсулотларга бўлган талаби бошқа ҳудудлар ҳамда импорт ҳисобидан қондириб келинмоқда. Охирги икки йилда Қамаши, Фузор ва Яккабоғ туманларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мўлжалланган лойиҳалар бажарилмасдан қолмоқда.

Тўртингидан, ноозиқ-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича ҳудудий дастур шакллантирилганига қарамасдан, туманларда ана шутурдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда деярли ўзгариш сезилмаяпти. Кейинги йилларда Қашқадарё вилояти аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича мамлакатимизда ўн иккинчи ўринга тушиб қолганини қандай изоҳлаш мумкин?

Агарки бу масалани туманлар мисолида таҳлил қиласиган бўлсак, аҳвол янада ачинарли эканига гувоҳ бўламиз. Мисол учун, Қарши, Нишон, Фузор, Касби ва Дехқонобод туманларида аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш атиги 12—25 минг сўмни ташкил этмоқда, холос.

Яна бир жиддий камчилик шундан иборатки, маҳаллий ҳокимликлар томонидан хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ташкил этишга ва ҳудуднинг экспорт салоҳиятини оширишга етарли эътибор берилмаяпти. Айниқса, Нишон туманида бирорта ҳам қўшма корхона ташкил этилмаганига нима деса бўлади?

Вилоятда хизмат кўрсатиш соҳасида бирмунча ижобий ўзгаришлар қўзга ташланаётган бўлса-да, мавжуд ҳолатни чуқурроқ таҳлил қиласиган бўлсак, бугунги кунда вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида хизматларнинг улуши, бор-йўги, 21,6 фоизни ташкил этаётганини кўрамиз. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида бу кўрсаткич 48,6 фоизни, ривожланган давлатларда эса камида 60 фоизни ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, Қашқадарё вилоятида бу соҳада ҳам қолоқлик кузатилаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-куватлаш, соҳа ривожи учун янада қулай ишбилармонлик муҳити яратиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар натижасида кичик бизнеснинг вилоят иқтисодиётидаги улуши 5 йил мобайнида 39,5 фоиздан 55 фоизга ўсгани ижобий баҳолашга арзийди. Айни вақтда кўрилган чораларга қарамасдан, айрим тармоқларда кичик бизнес ва ху-

сусий тадбиркорлик ривожи паст даражада қола-
ётганини айтишга тўғри келади. Масалан, сано-
атда бу соҳанинг улуши 25 фоизни ташкил эт-
моқда. Туманлар миқёсида олиб қарайдиган
бўлсақ, Миришкор ва Нишон туманларида бу
рақам 5—7 фоизни, Фузор туманида эса 0,3 фоиз-
ни ташкил этаётгани бу борадаги ҳақиқий аҳвол-
ни кўрсатиб турибди.

Бундан ташқари, тижорат банклари томони-
дан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни
молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида берилган
кредитлар миқдори ўтган йилга нисбатан сези-
ларли равишда кўпайган бир пайтда бу кўрсат-
кич Чироқчи туманида 15, Деҳқонобод тумани-
да эса 27 фоизга камайганини қандай тушуниш
мумкин?

Бугунги кунда биз учун энг долзарб муаммо-
лардан бири бўлган аҳолини иш билан таъмин-
лаш, оиласалар учун барқарор даромад манбанини
яратиб бериш борасида Қашқадарё вилоятида бир
қатор ишлар амалга оширилди. Буни вилоятда
банд бўлган аҳоли сони жорий йилнинг ҳисобот
даврида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,2
фоизга ошгани ҳам кўрсатиб турибди. Вилоятда
охирги уч йилда қарийб 224 минг янги иш ўрни
яратилган бўлса-да, бу масалага қишлоқ жой-
ларда алоҳида эътибор қаратилмаётганини қайд
этиш керак. Ўтган ўкув йилида вилоятдаги кол-

лежларни битирган ёшларнинг 96 фоизи ишга жойлаштирилгани эътиборга лойиқ, албатта. Аммо 1 минг 516 нафар ёш битиравчи иш билан таъминланмасдан қолгани жойларда ҳали-бери биз учун ўта муҳим бўлган бу масалага етарлича аҳамият қаратилмаётганидан далолат бермоқда.

Ёшлар — бизнинг келажагимиз, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи, деб кўп гапирамиз. Бугун куч-куватга тўлиб, ҳаётга катта орзуумидлар билан кириб келаётган ўғил-қизларимизни муносиб иш билан таъминлаш, уларнинг йўлинин очиб бериш — ота-она, устоз ва раҳбар сифатида бизнинг нафақат вазифамиз, балки асосий бурчимиз бўлиши зарур, мана шу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Кишлoқларимизни обод этиш, уларнинг қиёфасини тубдан ўзгартириш, қишлoқда яшаётган одамларнинг турмуш шароитини замон талабларига мослаштириш, керак бўлса, шаҳар шароитига яқинлаштириш йўлида кейинги йилларда бошлаган эзгу ишларимиз бутун халқимиз томонидан қандай катта қизиқиш ва эътибор билан кутиб олинганидан барчамиз яхши хабардормиз. Бу борада, айниқса, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар барпо этиш бўйича олиб бораётган ишларимиз алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Албатта, Қашқадарё вилоятида ҳам ана шундай лойиҳалар асосида ҳар томонлама қулай ва обод, замонавий тураржой массивлари қад ростлаётгани кўпчилик учун айни муддао бўлмоқда. Шу борадаги ишларнинг узвий давоми сифатида жорий йилда 805 та намунавий уй-жой барпо этиш бўйича қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Лекин ана шу ўта муҳим масалада масъулиятсизлик ва пала-партиш ёндашувлар кўзга ташланаётгани жойлардаги кўпчилик раҳбарлар бу масаланинг моҳияти ва аҳамиятини ҳанузгача чуқур англаб етмаганини кўрсатади. Масалан, Чироқчи туманидаги «Жар», Нишон туманидаги «Янги ҳаёт», Касби туманидаги «Денов» ва «Қамаши», Фузор туманидаги «Араб» массивлари аҳолининг талаб ва эҳтиёжи тўлиқ ҳисобга олинмай танлангани мажлисда афсус билан қайд этилди.

Бунинг устига, қурилишни амалга ошириш учун пудратчи ташкилотларни танлашда ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Мисол учун, Шаҳрисабз туманидаги «Хўжахуросон» масивида «Сўғдиёна» ва «Достон қурилиш инвест» корхоналари қурилиш ишларини ўз вақтида ташкил эта олмагани сабабли бошқа пудрат ташкилотларини жалб этишга тўғри келган.

Юқорида кўрсатилган қўпол хато ва камчиликларни, биринчи навбатда, шу соҳаларга масъ-

ул бўлган раҳбар ва ходимларнинг ишга совуқ-қонлик билан қарashi, энг муҳими, бутун Ўзбекистон бўйича кенг ривож топаётган бундай лойиҳаларнинг аҳамиятини, нақадар долзарблигини тушунишга ақли етмаганинг натижаси, деб қабул қилиш керак. Авваламбор, катта келажаги бор бундай ишларни обрўсизлантириш ҳаракатларига йўл қўйишни чидаб бўлмайдиган ҳолат, деб баҳолайман. Бу масала бўйича Бош прокуратура томонидан маҳсус комиссия тузиб, вилоятдаги аҳволни чуқур ўрганиш, масъулиятсизликка йўл қўйган раҳбарларни қонуний жавобгарликка тортиш зарур, деб таъкидлади Президентимиз.

Бугунги кунда «Ободлик кўнгилдан бошлана-ди» деган олижаноб даъват мамлакатимизда умуммиллий ҳаракатга айланиб, юртимизнинг барча узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларида улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бунинг тасдигини Андикон, Самарқанд ёки Наманганд вилоятларида, Кўқон шаҳрида — барча ҳудуд ва минтақаларимиздаги одамни ҳайратга соладиган бекиёс ўзгаришлар мисолида қуриш мумкин.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Қашқадарё вилоятида ҳам кўпгина ижобий ишлар амалга оширилаётганини тан олмаслик адолатдан бўлмайди, деб қайд этди Юртбошимиз. Хусусан,

Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларининг 2700 йиллик юбилейлари муносабати билан вилоятда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари бажарилганини таъкидлаш ўринлидир. Лекин, афсуски, бу борадаги амалий ҳаракатлар кейинги вақтда янги босқичга кўтарилиш ўрнига, сусайиб бораётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари Қарши шаҳри бўйича алоҳида тўхталиб, бу ерга охирги марта келганимда шаҳарнинг юбилейидан сўнг бирон-бир кўзга кўринадиган иш қилинмагани тўгрисида вилоят раҳбарларига танқидий фикрлар билдириган эдим, деб қайд этди. Бироқ ҳозирга қадар бу борада қандайдир амалий ҳаракатлар сезилмаяпти. Хусусан, охирги йилларда шаҳар марказини шакллантириш билан боғлиқ ишлар умуман тўхтаган ва ўз ҳолига ташлаб кўйилган. Шаҳарнинг Ўзбекистон, Насаф ва Қорлибогот каби проспектлари торлиги туфайли жамоат ва шахсий транспорт қатнови, аҳоли учун қандай ноқулайлик туғдирмоқда. Бундан ташқари, шаҳарнинг марказий кучаларини ободонлаштириш ва ирригация тизимини янгилаш, аҳоли учун замонавий тураржойлар қуришдек муҳим масалалар ҳам ўз ечимини топмасдан қолмоқда.

Мажлисда бундай вазиятни тубдан ўзгартириш мақсадида ҳозирги вақтда Қарши шаҳрини реконструкция қилиш бўйича комплекс чора-

тадбирлар дастури ишлаб чиқилаётгани айтиб ўтилди. Жумладан, тегишли вазирлик ва мутасадди идоралар томонидан шаҳарнинг 2030 йилгача мўлжалланган бош режасини тайёрлаш бўйича иш олиб борилаётгани ҳақида қисқача маълумот берилди. Шаҳарнинг Жайхун кўчасини Фузор ва Нишон туманларидан келадиган йўллар билан, Насаф кўчасини эса Янги ҳаёт кўчаси билан туташтириш назарда тутилаётгани таъкидланди. Айни вақтда бу ердаги канализация тизимини реконструкция қилиш ва кенгайтириш, Қарши магистраль канали, Айрум ва Чап қиргоқ каналларининг суви ҳисобидан шаҳар ҳудудининг суфориш тизимини яратиш, Ўзбекистон, Насаф ва Қорлибогот кўчаларида ёмғир сувлари чиқиб кетадиган тармоқ барпо этиш белгиланаётгани қайд этилди. Ўзбекистон, Насаф ва Амир Темур кўчалари бўйлаб биринчи қаватида савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари жойлаштириладиган икки, уч ва тўрт қаватли бинолар қуриш, шу билан бирга, экологик жиҳатдан зарарли ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор корхоналарни босқичма-босқич шаҳар ҳудудидан четга чиқариш, шаҳарнинг муҳандислик ва транспорт коммуникацияларини такомиллаштириш юзасидан ҳам зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилаётганига эътибор қаратилди.

Ўйлайманки, бу режаларимизни амалга ошириш натижасида Қарши шаҳри мамлакатимизнинг энг гўзал ва обод масканларидан бирига айланади, иншоолло, деди Юртбошимиз.

Сессияда бундай ишлар фақат вилоят маркази билан чегараланиб қолиши керак эмаслиги, улар барча туманларда, олис ва чекка қишлоқларда ҳам муентазам равишда олиб борилиши ва бу масала маҳаллий ҳокимликларнинг дикқат марказида туриши шартлиги ўтириб ўтилди.

Вилоятнинг ижтимоий-иктисодий ҳаётида йўл кўйилаётган камчилик ва нуқсонлар ҳақида яна кўп гапириш мумкин, ўйлайманки, бу залда ўтирган фаолларимиз ҳам мавжуд оқсоқликлар ва уларнинг сабаблари ҳақида яна қўшимча мисоллар келтириши қийин эмас, деди Президентимиз. Лекин, менинг назаримда, юқорида курсатилган камчиликларнинг асосий сабаби вилоят раҳбарлари, аввало, вилоятнинг биринчи раҳбари Н. Зайневнинг масъулияти ва иш услуби билан боғлиқdir.

Албатта, у вилоят раҳбари сифатида иш бошлаган дастлабки даврда ижтимоий-иктисодий соҳаларни ривожлантириш, олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича анча ҳаракат қилди ва бу йўлда эришилган натижаларда унинг ҳам ҳиссаси бўлганини бугун холисона тан олишимиз керак.

Шу билан бирга, вилоятда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларда бир вақт бошлаган ишларни изчил суръатлар билан давом эттириш учун аҳолини, мутахассис ва фаолларни кенг жалб этиш, энг муҳими, туманлар раҳбарларининг бошини қовуштиришда ишларнинг самараси сусайиб кетиши вилоят ҳокимига боғлиқ эканини қайд этиш лозим.

Унинг иш фаолиятида талабчанлик ва масъулиятнинг бўшашиб, ташабbus ва изланишнинг этишмаслиги каби ҳолатлар кучайиб бораётганини кузатиш қийин эмас. Бундай ҳолат, кўп марта огоҳлантиришга қарамасдан, афсуски, кўпдан бўён давом этиб келмоқда.

Барчамиз яхши биламиз, Қашқадарё халқи азалдан меҳнаткаш, ишнинг негизини биладиган халқ сифатида ном қозонган. Бугунги кунда биз ўз олдимизга оғир ва мураккаб вазифалар, мэрраларни қўяр эканмиз, кўп нарса ишни оқилона бошқаришга, узокни кўзлаб, авваламбор, шу мақсадга интилган фаолларни ўз ортидан эргаштира оладиган етакчига боғлиқ экани мажлисда алоҳида таъкидланди.

Бу ҳақда, раҳбарнинг маҳорати ва усталиги ҳақида сўз юритар эканмиз, бир фикрга алоҳида урғу бериб айтмоқчиман, деди Ислом Каримов. Ҳар қайси бошланган ишнинг самараси ва пировард натижаси, авваламбор, шу ишга бел боғ-

лаган фаоллар ва раҳбарларнинг ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш учун, таъбир жоиз бўлса, ягона бир мушт бўлиб майдонга чиқишига, энг асосийси, етакчининг ҳар қайси ходимнинг билими ва тажрибасини, ўзига хос аломатларини била туриб, уларни умумий мақсадга интилган кучга айлантира олишига, уларнинг файрати ва имкониятларига суюниш, вақти келганда талабчан бўлиш, керак бўлса, қаттиққўл бўлиш, шу билан бирга, ўз қўл остида ишлаётган одамларни қўллаб-қувватлашга, ҳимоялашга қодир бўлишига боғлиқ.

Яна бир муҳим масала борки, у ҳақда ҳам эслатиб ўтишни жоиз, деб биламан. Туман, шаҳар ёки вилоят миқёсида эришилган барча ютуқларни ҳар қайси раҳбар ўзининг номи билан боғлайдиган бўлса, ўринли-ўринсиз мақтаниб гапирадиган бўлса, биринчидан, бундай ҳолат жуда хунук кўринади, иккинчидан, бу раҳбарга ҳеч қачон обрў келтирмайди. Бу ҳақиқатни, ўйлайманки, барчамиз жуда чуқур англаб олишимиз даркор.

Бу гаплардан битта хulosа чиқариш мумкин. Бугун жуда тез ўзгариб бораётган замоннинг ўзи ҳаммамизнинг олдимизга улкан ва ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Нафақат бугунги ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб яшаш, балки эртага йўлимиизда пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммо ва

таҳдидларни, бошимизга тушиши мумкин бўлган савдоларнинг ечимини ҳозирдан ўйлаб яшашибизни талаб қилмоқда. Бинобарин, раҳбарлик вазифасида ўтирган ҳар қайси одам ўз масъулиятини юз карра қўпроқ сезиши даркор, деб қайд этди давлатимиз раҳбари.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Н. Зайнев Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимидан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсиясига кўра, Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келган Турабжон Жўраев Қашқадарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Ҳозиргина сизлар билан сайлаб, тасдиқлаб олган янги раҳбар бугун айтилган танқидий гаплардан хулоса чиқариб, Қашқадарёнинг ижтимоий-иктисодий ўсиш суръатларини ошириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун вилоят аҳлини жипслаштириб, бор куч-гайрати, билим ва тажрибасини ишга солишига ишонаман, деди пировардида Ўртбошимиз.

Сессияда сўзга чиққан Қарши давлат университети доценти, фалсафа фанлари номзоди Абдураҳим Эркаев, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи муҳандис технологи Мансур Аралов, Қарши давлат университети талабаси, таэквондо ВТФ бўйича Осиё чемпиони Ферузабону Аб-

дираҳмонова, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Долли Аллаев, Қамаши туманидаги «Абди Бозор» фермер хўжалиги раҳбари Абдумурод Бозоров ва бошқалар Президентимиз нутқида баён этилган танқидий фикрлардан зарур хуносалар чиқариб, кўрсатиб ўтилган камчилик-нуқсонларни бартараф этиш, вилоят олдида турган муҳим ва долзарб вазифаларни муваффақиятли адо этиш, ислоҳотларимиз самарасини ошириш учун бутун Қашқадарё аҳли астойдил меҳнат қиласи ва кўзланган марраларга албатта эришади, деб таъкидладилар.

Шуни айтиш керакки, сессияда нафақат вилоятни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ривожлантириш билан боғлиқ масалалар, айни вақтда маънавий ҳаётни юксалтириш, миллий гоямиз тамойилларини янада мустаҳкамлаш, ёшларимизнинг онгу тафаккурини турли сохта қараш ва таъсирлардан ҳимоя қилиш ҳақида ҳам атрофлича сўз борди.

Бугун собиқ Иттифоқнинг айрим худудларида СССР деган империяни қандайдир янги шаклда тиклашни хаёл қилиб юрган, яқин тарихимизда содир бўлган ижтимоий жараёнларни бутунлай ўзгаририб, керак бўлса, сохталаштириб, одамларни, айниқса, у замонларни кўрмаган-билмаган ёшларни алдаб, тўғри йўлдан чалғитишга уринаётган кучлар, афсуски, ҳали ҳам йўқ эмас.

Президентимиз бундай хатти-ҳаракатлар ҳақида тұхталиб, озодлик ҳавосидан түйиб нафас олған, үз тақдири ва келажагини үз құли билан қураёттан халқимизни энди эски мафкурага, эски замонга ҳеч қачон қайтариб бўлмайди, бутун халқимиз, жумладан, Қашқадарё эли, бу воҳадаги навқирон ёшларнинг бугунги азму шижоати, орзу-интилишлари, келажакка бўлган мустаҳкам ишончи шундай деб айтишга тұла асос беради, деган сўзларни алоҳида таъкидлаб айтар экан, барча мажлис қатнашчилари оёққа қалқиб, бу фикрларни қизғин қўллаб-қувватлади.

Бу бежиз эмас, албатта.

Маълумки, ўтган асрнинг 80-йиллари охирларida собиқ Марказ ва унинг кўрсатмаси билан юртимизга юборилган, халқимиз ўртасида «десантчилар» деб ном олган гурӯҳлар томонидан эл-юртимиз бошига туҳмат ва бўхтоналар ёғдирилган, одамларимизнинг инсоний ҳақ-хукуқи, шаъни ва фурури аёвсиз оёғости қилинган эди. Айниқса, Қашқадарё воҳаси бундай адолатсизлик, бундай зулмдан энг кўп азият чекди.

Ана шундай даҳшатли қатा�ғоннинг қандай кенг тус олганини, ўйлаймизки, қуйидаги рақамлар яққол кўрсатади. Биргина «пахта иши» бўйича вилоятда 3 мингдан зиёд одам ҳибсга олинган, фақат 1985 йилнинг уч ойида вилоят раҳбарининг 3 та муовини, 8 та бўлим мудири,

шаҳар ва туман партия қўмиталарининг 26 нафар котиби, вилоят ижроия қўмитаси раиси, унинг 4 нафар ўринбосари, масъул котиби, шаҳар ва туман ижроқўмларининг 12 нафар раиси, вилоят миқёсидаги йирик ташкилотларнинг 27 та раҳбари, колхоз ва совхозларнинг 99 нафар раис ва директорлари, яна қанча-қанча оддий меҳнаткашлар, бегуноҳ инсонлар жиноий жавобгарликка тортилган эди. Вилоятнинг собиқ раҳбарларидан бири ўз жонига қасд қилган, иккинчиси эса қамоққа олинган эди. Ҳибсга олинган ҳар бир одамнинг ортида эса 20—30 тадан оила аъзолари, қариндош-уруглари, бирга ишлаган кишилар туну кун сўроқ бериб, маъмурий идораларнинг эшигига сарсон бўлиб юрганини Қашқадарё аҳли ҳеч қачон унутмайди.

Яқин ўтмишда бошимиздан кечирган ана шундай машъум кунларни эслар эканмиз, бунгунги эркин ва озод ҳаётимизни асраш, унинг қадрига етиш, ҳозирги ўта нотинч ва таҳликали замонда доимо хушёр, огоҳ ва сергак бўлиб яшаш зарурлигини янада чукур англаймиз.

БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ – ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎЛИДИР

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Шу кунларда биз мамлакатимизнинг янги тарихидаги қутлуг сана — мустақил, суверен ва демократик Ўзбекистон Республикасини барпо этиш йўлида мустаҳкам пойdevор бўлиб келаётган Асосий Қонунимиз — Конституциямиз қабул қилинганининг 19 йиллигини кенг нишонламоқдамиз.

Авваламбор, мана шу муҳташам залда тўпланган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни ушбу улуг айём билан чин қалбимдан муборакбод этиш ва шу имкониятдан фойдаланиб, барчангизга ё самимий ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиш менга улкан мамнуният багишлайди.

Том маънодаги тарихий бу санани ҳар сафар байрам қиласар эканмиз, Конституциямиз — Асосий Қонунимиз қабул қилиниши билан биз Ўзбе-

кистон келажагини, янгитдан барпо этилаётган давлатимизнинг чуқур мазмуни, маъно ва моҳиятини, сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий тараққиётнинг, юртимиз қиёфасини, унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузини тубдан ўзгартириб юборган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг пировард мақсадларини аниқ-равshan белгилаб олганимизни ҳақли равишда юксак баҳолаймиз.

Агарки муҳтасар қилиб айтадиган бўлсак, Конституциямизнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган бекиёс аҳамияти ва тарихий ролини, биринчи навбатда, биз учун мутлақо янги бўлган миллий давлатчилик ва унинг ижтимоий-сиёсий тизимини яратиш, демократик тамойиллар асосига қурилган сиёсий ва иқтисодий тизимни шакллантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий пойdevорни айнан Асосий Қонунимиз белгилаб берганида кўрамиз.

Иккинчидан. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принципиал қоидаларини ўзида мужассам этган ҳолда, Конституциямиз инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг эркинликлари давлат манфаатларидан устунлигини мустаҳкамлади, одамларимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишни ўзининг туб мақсади этиб белгилади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди.

Учинчидан. Конституциямиз қонун устуворлиги, унинг барча фуқаролар учун тенглигини ва шунингдек, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишининг ҳуқуқий принципини белгилаб берди, уларнинг мустақиллиги, мустақил ҳокимият тармоғи сифатида ривожланишини кучайтиришга, демократик давлатнинг асосий ҳал қилувчи шарти бўлган ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини шакллантиришга қаратилган қонуний негизни яратди.

Тўртингчидан. Конституциямиз хилма-хил фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши, сиёсий партияларнинг эркин фаолияти, кўп партиявийлик тизимининг шаклланиши ва ривожланиши учун ҳуқуқий база яратди, сайлов тизимининг асосий тамойил ва механизмларини тасдиқлади, сайлов эркинлиги, одамларимизнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлиги кафолатларини, ҳар қайси инсоннинг ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайлаш ва сайданиш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини мустаҳкамлади.

Бешинчидан. Миллий истиқлол гоясини ва умумбашарий қадриятларнинг энг яхши жиҳатларини ўзида мужассам этган ҳолда, Конститу-

циямиз миллий анъаналаримиз, она тилимиз, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва маданий меросини тиклашни таъминлади, инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Олтинчидан. Конституциямиз миллий, кўп укладли иқтисодиётимиз асосларини мустаҳкамлади, ўзини оқламаган, бутунлай касодга учраган марказлашган маъмурий-тақсимот тизимидан эркин бозор иқтисодиётига қатъият билан ўтиш учун шароит яратиб, хусусий мулкнинг устуворлигини ўрнатди.

Еттингчидан. Асосий Қонунимиз миллий хавфсизлик ва мудофаа органлари тизимининг шаклланиши ва самарали фаолият кўрсатиши, ўзининг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатини давлатимиз, халқимизнинг олий манфаатлари, эл-юртимизнинг фаровонлиги ва хавфсизлигидан келиб чиққан ҳолда мустақил белгилайдиган мамлакатимизнинг халқаро муносабатларнинг teng ҳуқуқли субъекти сифатидаги мақомининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қоидалар асосида мамлакатимизда тўлақонли, самарали амал қиласиган қонунчилик ва ҳуқуқий база яратилди. **Бир сўз билан айтганда,**

Асосий Қонунимиз ҳуқуқий давлат қуриш йўлига утишимизнинг пойдеворини қуриб берди.

Шу борада мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларининг изчилиги ва босқичма-босқичлиги, биз танлаган тадрижий тараққиёт йўли, биз учун номақбул бўлган, «шок терапияси» деб аталган ислоҳотларни асоссиз равишда тезлаштиришнинг турли шаклларидан воз кечганимиз, четдан қарз олиш сиёсатининг пухта ўйлангани ва эҳтиётлик билан амалга оширилгани, мамлакатимизнинг тарихий, миллий ва анъанавий ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олганимизни таъкидлаш мұхим, албатта.

Ўйлайманки, орадан йиллар, неча ўн йиллар утади, лекин ҳаётимизда ҳар томонлама синовдан ўтган, «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг», «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун» деган қоида ва тамойиллар ўзининг ўткир аҳамияти ва долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Биз танлаб олган ва машхур беш тамойилга асосланган тараққиёт моделининг нақадар тўғри экани сиёсий ва иқтисодий тизимни демократлаштириш, умуман, мамлакатимиз ҳаётидаги туб ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг истиқлол йилари-

даги жадал ривожланиши мисолида ўзининг амалий тасдигини топмоқда.

Ўтган давр мобайнида биз эришган марралар ҳақида гапирап эканмиз, ҳеч шубҳасиз, кўпчиликнинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотадиган натижалар, яъни ялпи ички маҳсулотимиз ҳажмининг, аҳоли реал иш ҳақи ва даромадларининг юксак ўсиш суръатларини; иқтисодиётимиздаги туб таркибий ўзгаришлар ва мамлакатимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилган мутлақо янги, рақобатдош маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқарилаётганни; юртимиз қиёфасини бутунлай ўзгартираётган иншоотлар ва ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий обьектлар ва тураржой биноларини барпо этиш бўйича кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларини; таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида қўлга киритаётган улкан ютуқларимизни ёрқин мисолларда кўриш ва англаш қийин эмас.

Ана шундай бекиёс ўзгаришларнинг амалий, ҳаётий натижаси сифатида юртимизда болалар ва оналар ўлими кескин қисқаргани, аҳолининг ўртacha умр кўриш даражаси ҳозирги кунда собиқ СССР ҳудудидаги энг юқори кўрсаткичлардан бирига — 73 ёшга, аёлларимиз ўртасида эса 75 ёшга етганининг ўзи, ўйлайманки, ҳеч кимни, авваламбор, шу юртда яшаётган одамларни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туғдираётган муаммоларга қарамасдан, Ҳалқаро валюта фонди томонидан таъкидланганидек, Ўзбекистон дунёдаги саноқли мамлакатлар қаторида сўнгги 5 йил мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача 8,5 фоизга тенг бўлган йиллик ўсишини таъминлаб келаётгани, жорий йилда ушбу кўрсаткич 8,3 фоиздан кам бўлмаслиги бизнинг алоҳида эътиборга сазовор энг катта ютуқларимиздан биридир.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонимиз, юртимизни янгилаш ва модернизация қилиш йўлида биз қўлга киритган ва дунё тан олаётган мана шундай ютуқ ва мэрралар, ҳеч шубҳасиз, барчамизга, бутун халқимизга фахрур гурур бағишлиши табиийдир.

Шу билан бирга, биз мамлакатимизда барқарор ривожланадиган эркин иқтисодиётга асосланган очиқ ҳукуқий демократик давлат куриш ва инсон, унинг манфаатлари, ҳукуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда энг олий қадрият бўлган, жаҳонда ҳурмат-эътибор қозонган жамиятни шакллантиришга қаратилган узоқ ва машиқатли йўлнинг фақат бир қисмини босиб ўтанимизни ўзимизга яхши тасаввур этишимиз зарур.

Шуни унумаслигимиз лозимки, биз XXI асрда, интеллектуал қадриятлар устувор бўлган аср-

да, глобаллашув жараёнлари шиддатли тус ола-
ётган ва жаҳон бозорида рақобат тобора кучайиб
бораётган асрда яшамоқдамиз.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқар-
маслигимиз даркор. Бундай замонда, бундай
шароитда эришилган ютуқларга маҳлиё бўлмас-
дан, ҳаволанишга берилмасдан, тез ўзгариб бо-
раётган дунё билан ҳамқадам бўлиб яшаш, ву-
жудга келган вазиятни ҳушёр ақл-идрок билан
баҳолаш, юз бериши мумкин бўлган хавф-хатар-
ларнинг олдини олишга қодир бўлган мамлакат-
гина муваффақият қозониши мумкин.

**Ўйлайманки, 2010 йил ноябрь ойида Олий
Мажлисимиш — Парламентимиз томонидан қабул
қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳот-
ларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жами-
ятини ривожлантириш концепцияси** моҳият эъти-
бори билан Ўзбекистонимиз яқин ва узоқ ис-
тиқболда ўз олдига қўяётган юксак мақсадларга
эришишнинг **амалий стратегияси сифатида хиз-
мат қилаётганини мамиуният билан таъкидлаш
ўринлидир.**

Бу ҳақда сўз юритганда, аввало, конституция-
вий ислоҳотларни давом эттириш, мамлакатимиз-
да амалга оширилаётган ўзгаришларнинг қонун-
чилик, ҳуқуқий ва норматив базасини чукурлаш-
тириш ва кенгайтиришнинг ҳар томонлама пухта
ўйланган дастурини амалда жорий этишни назар-

да тутамиз. Ушбу дастур, биринчи навбатда, давлат ва жамият қурилиши соҳасида; суд-хукуқ тизимида; фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида; сайлов қонунчилигини янада демократлаштириш; фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, ва ниҳоят, мамлакатимизда олиб борилаётган бозор ислоҳотлари ва бозор инфратузилмасининг самародорлиги ва таъсирчанлигини ошириш соҳасида-ги ўзгаришларни ўз ичига олади.

Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш бўйича Концепцияда ўз ифодасини топган ислоҳотлар бир-икки йилга эмас, балки ўнлаб йилларга мўлжалланган ҳал қилувчи муҳим вазифа эканини биз, албатта, яхши англаймиз.

Бу дастур ўз маъно-мазмуни билан бугунги кунда олдимизда турган энг юксак мақсад бўлмиш — мамлакатимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтариш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган эзгу ишларимизни ўзида мужассам этиб, жамиятимиз учун давр синовидан ўтган яккаю ягона тўғри йўл, деб қабул қилишимиз зарур.

Азиз ватандошлар!

Айни шундай буюк мақсадларни ўз олдимизга қўяр эканмиз, бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаси — Концепцияда ва уни амалга ошириш стратегиясида ўз ифодасини топган оли-

жаноб мақсадлар барча-барча юртдошларимиз учун ҳаёт мазмуни ва амалий интилишларга айланиб боришини истардим.

Соддароқ қилиб айтганда, саховатли Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар қайси одам мамлакатимизда олиб борилаётган ва кўзда тутилаётган барча ислоҳотлар, авваламбор, унинг манфаати, унинг оиласи ва фарзандлари учун, шу юртнинг фаровонлиги ва тараққиёти учун амалга оширилаётганини аниқ-равшан англаб етиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ҳаммамиз ўз устимизда ишлashingиз, аввало, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгимизни юксалтиришимиз, сиёсий фаоллигимиз ва фуқаролик масъулиятимизни оширишни бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири сифатида қабул қилишимиз даркор. Чунки онги, тафаккури, эътиқоди мустаҳкам бўлган, ўз мустақил фикри билан яшаётган одамни чалғитиб ҳам, кимлардир хоҳлаган томонга оғдириб ҳам бўлмайди.

Бу ҳақиқатни барчамиз, аввало, бугун ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз яхши англаб олганига ишонаман. Қолаверса, бундай қарааш, бундай ёндашув билан яшаш биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим таркибий қисми, жамиятимизни ўзгартириш ва янгилашнинг асосий шартидир, десак, асло муболага бўлмайди.

Албатта, бугунги кунда ушбу йўналишда давлат ва жамоат ташкилотлари, ноҳукумат тузилмалар томонидан, маърифат идоралари, мактабларимиз, мамлакатимизнинг барча таълим мусассасалари тарафидан кўп ишлар қилинмоқда. Лекин шуни ҳам тан олиш керакки, бу ишларнинг миқёси, савияси, сифати ва энг асосийси, самарадорлиги замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Бу масаланинг яна бир муҳим томони борки, унга алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли, деб биламан.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда мустақилликка, мана шу ёруғ кунларга эришиш йўлида кечирган синов ва мاشаққатларни, истиқолимизнинг маъно-мазмунини сохталаштиришга қаратилган турли ҳаракатлар тобора ортиб бораётганини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Аввало, собиқ совет ҳудудида эски мустабид тузумни кўрмаган, бу ҳақда етарли маълумотга эга бўлмаган ёшларга нисбатан турли сохта талқин ва уйдирмаларни ишлатиб, уларнинг онгida кечаги совет даврини қўмсашиб туйфуси ва кайфиятини уйғотишга қаратилган уринишлар намоён бўлмоқда.

Бундай ҳаракатларда совет империяси бўлмиш собиқ Иттифоқнинг пароканда бўлишини табиий-қонуний ва мантикий ҳол деб баҳоламаслик,

бунинг сабабини, авваламбор, бу тизимнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий асосларининг ноқобиллигига кўрмаслик ҳолатлари яққол кўзга ташланмоқда.

Шу борада яна бир масалага ургу беришимиз зарур.

Бугунги замоннинг талаблари, тараққиёт суръатларини янада тезлаштириш вазифалари, биринчи навбатда, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини енгиш зарурати интеграциялашув жараёнларини янада кенгайтириш каби ўткир масалаларни кун тартибига қўяётганини биз яхши англаймиз. Яъни давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқалар, товар алмашиш йўлидаги чегара ва божхона тўсиқларини олиб ташлаш ҳозирги кунда нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шу муносабат билан бир муҳим нарсадан доим сезгир бўлишимиз даркор. Яъни интеграциялашув жараёнларини кўзлаб, шу мақсадда турли давлатлараро бирлашмаларни ташкил қилиш бўйича сўз юритганда, айтиш керакки, бундай бирлашмалар **вакти келганда тобора сиёсий тус олиб бориши** ва бундай ҳолат бирлашма аъзоларининг бошқа хорижий мамлакатлар билан алоқалари ва ҳамкорлигига салбий таъсир ўтказishi мумкин.

Бу ҳақда гапирганда, мамлакатимиз тараққи-ётининг ҳозирги босқичида яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган, иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини тубдан модернизация ва диверсификация қилишга қаратилган замонавий юксак технологиялар ва инновацияларни жалб этиш дастурини амалга ошириш энг муҳим устувор йўналишdir.

Биз учун фоят муҳим бўлган бу масалани ҳал этиш йўлида ҳамкорлик қилишга тайёр бўлган барча шернкларимиз билан, уларнинг қаерда жойлашганидан қатъи назар, алоқаларимизни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш вазифаси айнан шу мақсадга бўйсундирилиши керак.

Бунинг учун биз бугун олиб бораётган, мамлакатимизда энг қулай инвестицион иқлимини ташкил қилишга, манфаатдор томонларга узоқ муддатли ва ишончли имтиёз ҳамда преференциялар беришга қаратилган сиёsatни давом этиришга тайёрмиз. Бундай сиёsatни амалга ошириш учун кимнингдир рухсатини олиш эмас, аввало, Ўзбекистонимиз манфаатини кўзда тутишимиз талаб қилинади.

Азиз юртдошларим, юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштириб, айтмоқчиман: тарихни асло орқага қайтариб бўлмайди. Бизнинг халқимиз, кейинги йигирма йил давомида вояга етган навқирон авлодимиз ҳозирги вақтда эртанги

келажагимизга катта ишонч билан қарамоқда ва
үз танлаб олган йўлидан ҳеч қачон — мен такрор
айтаман — ҳеч қачон ортга қайтмайди.

Хурматли дўстлар!

Бундан роппа-роса бир йил олдин Конституция кунига бағишлиланган мажлисда мамлакатимизда одатга айланган анъянани давом эттириб, 2011 йилга «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб ном беришга қарор қилган эдик.

Жорий йилга айнан шундай ном беришни маъқул топганимизнинг асосий сабаб ва омиллари ҳақида жамоатчилигимиз, халқимиз яхши хабардор.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, аввало, биз танлаган ва мақсад қилиб қўйган замонавий демократик давлат қуриш, халқимизнинг ҳаёт дарражасини муносиб босқичга кўтариш, бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётга ўтиш учун хусусий мулк устуворлигини тан олиш ҳисобидан тараққий топаётган мамлакатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш — юқорида зикр этилган мақсадларга эришишнинг узвий бир қисмидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, Конституциямизда муҳрлаб қўйилган мақсад, принцип ва қоидаларни амалга ошириш учун кичик бизнес ва ху-

сусий тадбиркорлик соҳасини изчил ривожлантириш масаласи биз мустақилликка эришган дастлабки даврдан бошлаб давлатимизнинг устувор вазифаси даражасига кўтарилигани барчамизга маълум.

Бундай сиёsatни, чуқур ўйланган ва узоқни кўзлаган дастурларни амалга ошириш натижасида бу соҳа юртимизда нафақат қайтадан шаклланди, балки унинг мустаҳкам пойдевори яратилиди. Энг муҳими, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида ҳал қилувчи тармоқقا, ижтимоий фаол аҳолимизнинг катта қисмини қамраб олган соҳага айланди. Ҳозирги вақтда — шунга урғу бериб айтмоқчиман — иш билан банд аҳолимизнинг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани бунинг яққол тасдидири.

Бугунги кунда дунё иқтисодиёти ва ҳалқаро бозор талаблари тез суръатлар билан ўзгариб бораётгани, уч йил олдин бошланган жаҳон молиявий-иктисодий инқизози, кўзга кўринган кўпгина экспертларнинг прогнозлари бўйича яна давом этиши, янги тўфон ва зарбалар юз бериши мумкинлигини инобатга оладиган бўлсак, бундай синовларнинг олдини олиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига янада катта эътибор бераётганимизнинг сабаби яққол аён бўлади.

Бунинг устига, бугун замоннинг ўзи, жаҳон бозорида рақобат фоят кескинлашиб, авжига чиқаётгани ва тобора шафқатсиз тус олаётгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг амалий ҳаётимизда янада кенг ўрин эгаллаши, бу соҳа учун янги имконият, имтиёз ва преференциялар яратиб бериш ва унинг ривожини янги босқичга кўтариш масалалари мутлақо бошқача маъно-мазмун топишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, аҳолимизни иш билан таъминлаш, унинг даромадларини янада ошириш, қисқача айтганда, барқарор ҳаётимизни янада мустаҳкамлашдек ўта долзарб масалаларни ҳал қилишда алоҳида ўрин эгаллаб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига янги туртки бериш, бу соҳа олдида турган тўсиқларни бартараф қилиш бугунги ва эртанги кунимиз учун нечогли катта аҳамиятга эга экани тўғрисида гапириш ортиқча, деб ўйлайман.

Айни шундай мураккаб муаммоларнинг ечи мини топиш ҳақида бош қотирар эканмиз, 2011 йилга «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб ном берганимиз нақадар долзарб эканини ва бу йўналиш яқин ва узоқ келажагимизда, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи ўрин эгаллашига амин бўлишимиз табиийдир.

Энди жорий йилда бу соҳада амалга оширган ишларимиз ҳақида қисқача гаплашиб олишни ўринли, деб биламан.

Ҳаммамиз тушунамизки, йил яқуни билан бу йўналишда қабул қилган дастуримизнинг ижроси ҳақида, бу масалага дахлдор бўлган давлат идоралари, ижтимоий ва нодавлат ташкилотлар шу борада қандай ҳисса қўшганлари ва бу соҳада биз нималарга эришаётганимиз ҳақида атрофлича хулоса чиқариш вақти келади, албатта.

Мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, сизларнинг рухсатингиз билан бу масаланинг фақат икки йўналишига эътибор қаратишни зарур, деб ҳисоблайман. Яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси тараққиётининг суръат ва санарадорлигини янада ошириш мақсадида қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар асосида берилган янги имтиёз ва преференциялар, қулийликлар, бир сўз билан айтганда, бу йўналишни янги босқичга кўтариш бўйича қилинган амалий ишлар ҳақида ва бу тадбирлар туфайли эришган натижаларимиз тўғрисида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, кичик бизнес субъектларини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки режали солиқ текширувларидан ўтказмаслик муддати 2 йилдан 3 йилга узайтирилгани, барқарор ўсиш суръатлари ва

рентабелликни таъминлаган субъектларни текширишдан ўтказиш мутлақо тақиқланганини қайд этиш лозим.

Шулар қаторида давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш масаласи йил давомида доимий эътиборимиз марказида бўлганини кўп мисолларда кўриш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 7 фоиздан 6 фоизга туширилгани, янги ташкил этилаётган кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш пайтидаги ва ундан кейинги тартиб-қоидаларни янада соддалаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар бу борада муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш ўринлидир.

Айтиш керакки, бугунги кунда ўз хусусий ишини очмоқчи бўлган тадбиркорлар 2 кун давомида тегишли рухсат олиш имкониятига эга бўлиб, бу муддат ривожланган давлатлардаги мавжуд мезонларга ҳар томонлама мос келади. Энг муҳими, тегишли ташкилотга бориб, эшикма-эшик юришга бутунлай барҳам берилиб, «битта дарча» тамойили жорий этилгани кўпчилик тадбиркорлар учун айни муддао бўлмоқда.

Шу билан бирга, кичик бизнес субъектларини давлат харидларига кенг жалб этиш механиз-

ми йўлга қўйилиб, бу ишлар Ўзбекистон товархом ашё биржасида электрон савдолар орқали олиб борилаётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш ҳажми ўтган давр мобайнида қарийб 2 баробар кўпайиб, 600 миллиард сўмни ташкил этгани, зарур хом ашё ресурсларини қўшиб ҳисоблаганда, бу кўрсаткич 2 триллион 800 миллиард сўмдан ошгани ана шундай тадбирлар натижасидир. Яна шуни қайд этиш лозимки, айни шу механизмни татбиқ этганимиз туфайли 13 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағини тежашга эришилди.

Бугунги кунда биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда фақат савдоситиқ, майда ҳунармандчилик билан чекланиб қолмасдан, биринчи навбатда, замонавий технология ва асбоб-ускуналар асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган хусусий тадбиркорлик соҳасини тараққий эттиришга алоҳида аҳамият бермоқдами́з.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 3 триллион 200 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилиб, уларнинг учдан бир қисмидан кўпроги замонавий

асбоб-ускуналар харид қилиш учун берилгани, айниқса, эътиборлидир.

Ана шу давр, яъни жорий йилнинг 9 ойи давомида ушбу йўналишда қарийб 100 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилганининг ўзи бугунги кунда кичик бизнеснинг салоҳияти ва қиёфаси тобора ўзгариб бораётганинг далилидир.

Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли кичик корхоналарнинг экспорт ҳажми 2011 йилнинг ўзида 2 миллиард АҚШ долларидан ошиши, уларнинг ялпи экспортдаги улушки эса 16,3 фоизга этиши кутилмоқда.

Бундай салмоқли кўрсаткичларни, авваламбор, соҳани замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозлаш, ушбу тармоқда меҳнат қилаётган ишчи-муҳандисларнинг малакаси, кичик бизнес ва хусусий корхона эгаларининг ишビルармонлик маҳорати тобора ошиб бораётганинг ёрқин намоёни сифатида қабул қилиш ўринли бўлади.

Мазкур соҳанинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган муҳим масалалардан яна бири — бу жорий йилда юртимизда яратилган қарийб 1 миллионга яқин иш ўрнининг 610 мингдан зиёди ёки 64 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан ташкил этилгани, ҳеч шубҳасиз, бу тармоқ, такрор айтаман, Ўзбекис-

тон учун энг долзарб масалалардан бири бўлмиш аҳолини иш билан банд қилишда етакчи ўрин эгаллаб бораётганининг яққол тасдифидир.

Ўтиб бораётган йилда амалга оширилган бундай кенг кўламли ишлар ҳақидаги фикрларни яна давом эттириш мумкин. Буларнинг амалий натижаси сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши ҳозирги вақтда — шунга алоҳида эътибор беришингизни сўрайман — 54 фоизни ташкил этишининг ўзи, ўйлайманки, кўп нарсани англатади.

Азиз юртдошлар!

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз тараққиётида, авваламбор, ҳалқимиз учун муносиб ҳаёт барпо этиш, олдимизда турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш борасида қандай ҳал қилувчи ўрин ва таъсирга эга бўлиб бораётганига бугун амалий ҳаётимизда ҳар қадамда гувоҳ бўлмоқдамиз. Ва бу соҳа эртанги қунимиз, истиқболимизнинг ҳақиқатан ҳам, мустаҳкам пойдеворига айланниб, янада ривожланиб бориши аниқ ва муқаррардир.

Табиийки, Ўзбекистонимизда мазкур соҳанинг ривожланиши учун астойдил ҳаракат қилаётган барча бизнес эгалари, шу тармоқда ўрнини топиб, ўз оиласи учун муносиб яшаш шароитини яратади.

ётган, фаровон ҳаёт сари қадам қўяётган инсонлар айни шу йўлдан ҳеч қачон қайтмайди, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Шу борада яна бир муҳим хулоса.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожидан манфаатдор бўлган мулк эгалари, жамиятимизнинг суюнчи ва таянчига айланиб бораётган, ўрта синф деб ном олган бу ижтимоий қатлам ўз уйи, ўз мулкини ҳимоя қилиш, бунинг учун юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг қанчалик муҳим эканини ҳар томонлама англаб, ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқиши эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлишига ишонч бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу соҳада фаолият юритаётган, ўзини шу замин, шу диёрнинг чинакам юртпарвари деб биладиган, ҳаётимизда тинчлик ва осойишталиқ, аҳиллик ва ҳамжиҳатликни сақлашга улкан ҳисса қўшиб келаётган барча инсонларга чин қалбимдан самимий ҳурматимни билдириш ва уларга янги-янги омадлар тилашни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Муҳтарам ватандошлар!

Энди сизлар билан кириб келаётган янги — 2012 йилга ном бериш ҳақида фикр алмашиб, бир қарорга келишимиз лозим.

Аввало, ҳар қайси йилга ном беришдан асосий мақсад — бутун халқимиз, жамиятимизнинг

орзу-ният ва интилишларини ифода этадиган, эртанги кунимизнинг равнақига хизмат қила-диган энг устувор йўналишни аниқ белгилаб олиш ва уни амалга ошириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишдан иборат эканини яна бир бор англаб олишимизни истардим.

Албатта, ижтимоий ҳаётимизда бир-биридан муҳим, бир-биридан зарур вазифалар қўплиги-ни ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шулар қаторида бугунги кунда энг долзарб, эл-юртимиз, аввало, инсон манфаатларини биринчи ўринга қўядиган ҳар томонлама муҳим йўналишни аниқлаб олиш бу борада алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳеч кимга сир эмас, бу дунёда ҳар қайси инсон вояга етиб, касб-хунарга эга бўлиб, ҳаётда ўз ўрни ва келажагини аниқлаб, оила қуришни истайди.

Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдики, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустаҳкам-

лаш, бу борада олиб бораётган ишларимизни янги босқичга күтариш алоҳида аҳамият касб этади.

Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, сизларнинг рухсатингиз билан, кириб келаётган янги — 2012 йилга юртимиизда «Мустаҳкам оила йили» деб ном беришни таклиф этаман.

Янги йилга мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суюнчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ.

2012 йилга «Мустаҳкам оила йили» деб ном беришимиз муносабати билан давлат идоралари, нодавлат ва ижтимоий ташкилотлар, хайрия жамғармалари билан биргаликда ишлаб чиқилиб қабул қилинадиган дастурда айни шундай эзгу тушунча, орзу-интилишларимиз ўз ифодасини топиши лозим.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янгитдан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амал-

даги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бу масалага жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилаётганини таъкидлаш керак.

Иккинчидан, барчамиз яхши тушунамиз, мустаҳкам оила ва баҳтли турмуш, авваламбор, оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини чукур англаб етишига боғлиқ.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин энди пайдо бўлган, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввало, уй-жой билан таъминлаш — буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда, давлат ва жамиятимиз масъулдир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Албатта, бугунги кунда юртимизда ёш оиласарга кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрлик ҳақида кўп гапириш мумкин. Шу билан бирга, холисона тан олишимиз даркор — ана шундай саъй-ҳаракатларимизни изчил давом эттириш, қаерда бўлмасин, марказда, шаҳар ёки қишлоқ жойларда бўладими, эзгу мақсадларимизнинг ҳар томонлама тасдигини кўриш учун ҳали жуда кўп ишларни амалга оширишимиз керак.

Шу ҳақда гапирап эканмиз, бу масъулиятли вазифаларни муваффақиятли адо этиш, биринчи навбатда, давлат идораларининг раҳбарлари, кенг жамоатчилигимиз, турли ижтимоий тузилмаларнинг ташаббуси ва амалий ҳаракатларига боғлиқ экани барчамизга аён бўлиши даркор.

Учинчидан, «мустаҳкам оила» деган фоянинг ҳаётимиздаги амалий ифодасини кўришда, ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида ном қозонған маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири бекёёсdir. Бунинг исботини бугун ҳар қадамда кўраётганимизни таъкидлаб ўтишни истардим.

Ҳақиқатан ҳам, бундай ноёб ижтимоий тузилма ҳозирги кунда «Маҳалла — халқ виждони» деган юксак таърифга ҳар тарафлама муносиб бўлиб бормоқда.

Айниқса, ёш оилани ҳаётнинг турли тўфонларидан асраш, унинг мустаҳкам оёқقا туриб олиши учун елкадош бўлиш, бу борада зарур кўмак, маслаҳат кўрсатишда маҳалланинг роли ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Ўйлайманки, қабул қилинадиган дастурда маҳалла идорасининг жамиятимиздаги, кундалик ҳаётимиздаги моҳиятини кенгайтириш ва нуфузини янада ошириш масалаларига алоҳида аҳамият бериш ўринлидир.

Тўртингидан, оилани янада мустаҳкамлаш ҳақида сўз юритар эканмиз, мен бу масаланинг яна бир муҳим жиҳатига эътиборингизни қаратмоқчиман. Оила олдида турган вазифаларни ҳар томонлама амалга ошириш, авваламбор, моддий, маънавий, бугун ўта долзарб бўлиб бораётган тарбиявий муаммоларни ечиш, оиланинг барча-барча ташвишларини осонлаштириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Айнан ана шундай масалаларни ҳал этиш ҳар қайси оиланинг юкини ҳеч нолимасдан, ҳаётта шукrona қилиб, ўз елкасида кўтариб келаётган, **оила қўргонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотининг**, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш билан баробар эканини эсимиздан чиқармаслигимизни истардим. Ана шундай муҳим вазифаларни амалга ошириш учун дастурда аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилиши зарур.

Бешинчидан, биз маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, тобора кучайиб бораётган, бизнинг миллий табиатимиз, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай заарли таъсирлар, бузғунчи гояларга қарши туришда, азалий қадриятларимизни ас-

раб-авайлашда оилани мустаҳкам таянч деб биламиз.

Шу борада ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, ўз мустақил фикрига эга, оқни қорадан ажратишга, тараққий топган давлатлардаги tengдошлари билан беллашишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлигини асрар, ҳаётга йўллашда оиланинг ўрнини ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмаслигини биз юксак қадрлаймиз.

Шу маънода, оила институтининг таълим-тарбия соҳаси билан — бу болалар боғчаси ёки мактаб бўладими, лицей-коллежлар ёки олий ўқув юртлари бўладими — ана шундай муассасалар билан амалий ҳамкорлигини янада кучайтириш вазифалари дастурда муҳим жой эгаллаши зарур.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Биз янги йилда ўз олдимизга мана шундай олижаноб мақсад ва вазифаларни қўяр эканмиз, бундай интилишларимизни амалга ошириш учун давлат ва ҳокимият идоралари, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз бир ёқадан бош чиқариб, фаол иштирок этади, деб ишонаман.

Биз бугун қандай оғир ва мураккаб, таҳликали бир замонда яшаётганимиз, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас. Лекин биз танлаган йўл қандай қийин ва мاشақатли бўлмасин, мен ишонч

билин такрор айтаман — биз бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз ва ўз мақсад-муродимизга, албатта, етамиз.

Айни шу йўлда Яратганимизнинг ўзи эл-юртимизни ёмон кўзлардан асрасин, эзгу орзу-ниятларимизни рўёбга чиқаришда ўзи мададкор бўлсин.

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг
19 йиллигига бағишиланган тантанали
маросимдаги маъруза,
2011 йил 7 декабрь*

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Мана шу файзли оқшомда байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлиб, янги йилни кутиб олаётган сиз азизларни, бутун халқимизни ушбу қутлуг айём билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг самимий ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан баҳтиёрман.

Мана шу шукуҳли дамларда якунига етаётган 2011 йилни кузатар эканмиз, мамлакатимиз тараққиётида рўй берган улкан ўзгариш ва янгилашилар, қўлга киритилган ютуқ ва мэрралар қаторида ўз оиласиз ва яқинларимиз бошидан кечирган ташвиш ва муаммолар, янгилик ва хурсандчилик етказган кунлар барчамизнинг кўз ўнгимизда беихтиёр намоён бўлиши табиийдир.

Ўйлайманки, ҳаммамиз бир фикрга қўшиламиз — 2011 йил, энг аввало, эл-юртимизни янги, обод ва озод, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга

бошлаган буюк тарихий ва қутлуг сана — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонлаш йили бўлгани билан хотирамизда сақланиб қолади.

Шу маънода, 2011 йилни биз босиб ўтган 20 йил мобайнида халқаро майдонда тан олинган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган, юртимизнинг, ўлкамизнинг қиёфасини тобора ўзгартириб бораётган мамлакатимиз тараққиёт йўлининг узвий бир қисми, мантиқий давоми, деб қабул қилсак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳар қайси йилнинг келиши ўзига хос хусусиятлари, табиат ва ҳарорат инжиқликлари ва ўзгаришлари, сув танқислиги ва турли аломатлари билан бири-биридан ажралиб туради. Лекин, поёнига етаётган йил қандай қийинчилик ва мураккаблик келтирмасин, 2011 йил мамлакатимиз ва халқимиз учун самарали ва хосиятли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.

Дунёдаги энг нуфузли молиявий ташкилотлардан бири бўлмиш Халқаро валюта фонди томонидан таъкидланганидек, жаҳон молиявий-иктисодий инқизорзининг давом этиши ва салбий таъсир ўtkазишига қарамасдан, Ўзбекистон саноқли давлатлар қаторида 2011 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотнинг 8,3 фоизга ўсишини таъминлаб, шу асосда охирги 5—6 йил давомида иқтисодиёти-

мизнинг барқарор юқори суръатлар билан ривожланиши бежиз эмаслигини исботлаб берди.

Жорий йил давомида мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш йўлида катта ишлар амалга оширилганини кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин.

Ўтган давр мобайнида илгари фақат орзу қилиш мумкин бўлган мэрраларга эришганимиз, авваламбор, биз танлаган йўлнинг ҳар томонлама тўғри эканини тасдиқлаб бермоқда. Хусусан, иқтисодиётимизнинг локомотиви бўлмиш янги ишлаб чиқариш тармоқларига асос соганимиз, ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилгани, ёқилғи-энергетика, тоғ-кон саноати, кимё, автомобилсозлик, капитал қурилиш, транспорт ва коммуникация, енгил саноат каби етакчи тармоқларнинг жадал ривожланиб бораётгани ана шундай ютуқларга мустаҳкам пойдевор бўлмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Айниқса, фидойи деҳқон ва фермерларимизнинг бу йилги мавсумда оғир табиий қийинчиликларни мардонавор енгиб, 6 миллион 800 минг тонна фалла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта хирмони бунёд этгани, 8 миллион 200 минг

тоннадан зиёд сабзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштириб, янги йилни ёруғ юз билан кутиб олаётгани ҳар қанча таҳсинга сазовордир.

Иқтисодиёт соҳасида биз эришган ана шундай салмоқли натижалар, ўз навбатида, 2011 йилда иш ҳақи, стипендия ва ижтимоий нафакалар миқдори 20,2 фоизга, пенсиялар 26,2 фоизга кўпайиши, аҳолининг реал даромадлари эса 23,1 фоизга ошиши учун имкониятлар туғдириб берганини алоҳида қайд этиш зарур.

Шу борада 2011 йилда иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳаси учун кенг имконият ва имтиёзлар яратиб бериш ҳисобидан мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўрни ташкил этилгани бандлик масаласини ҳал қилишда муҳим қадам бўлди.

Якунига етаётган йил инсон манфаатини биринчи ўринга қўядиган улкан устувор лойиҳаларни амалга оширганимиз билан ҳам тарихимизда муносиб ўрин эгаллайди. Мустақиллик йилларида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги амалий ишларимиз натижасида одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси сезиларли равишда ошгани, оналар ва болалар ўлими кескин камайгани, биз қўлга киритган бундай ютуқлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти,

ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак эътироф этилаётгани, албатта, барчамизга катта фурур ва ифтихор бағишлиайди.

Биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия соҳасида 2011 йилда бажарган улуғвор ишларимиз, уларнинг самараси ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Энг муҳими, ана шундай беқиёс имкониятлардан баҳраманд бўлиб, тобора Ватанимиз истиқболини белгилаб берадиган ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган навқирон ўғил-қизларимиз ўзининг дастлабки, умидбахш ютуқлари билан барчамизни қувонтироқда.

Шу ҳақда гапирап эканмиз, бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимизни истардим. Кўпни кўрган, заҳматкаш халқимизнинг машаққатли меҳнати эвазига эришған, тасаввур этишнинг ўзи қийин бўлган бундай юксак мэрраларимизнинг пойдевори, энг катта бойлигимиз бўлмиш — юртимизда ҳукм суроётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат ва бағрикенгликни, миллатлараро тотувликни кўз қорачиғидек асраш, бугун биз бошимиздан кечираётган но-тинч ва таҳликали замонда доимо ҳушёр, огоҳ ва сезгир бўлиб яшаш, ёшларимизни миллий фояруҳида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини турли зарарли таъсиirlардан ҳимоялаш ҳозирги

кунда нақадар долзарб ва муҳим вазифага айла-наётганини унутмаслигимиз даркор.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!

Биз кириб келаётган янги — 2012 йилга мамлакатимизда «Мустаҳкам оила йили» деб ном берганимиз бежиз эмас, албатта. Бунинг негизида юртимизда оила институтини, аввало, ёш оиласаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила таянчи бўлган аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш, маҳалла тизимининг бу борадаги ролини кучайтириш, мухтасар айтганда, оила фаровонлигини ва шу асосда бутун халқимиз фаровонлигини янада ошириш каби мақсадлар мужассам эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Янги — 2012 йилга мўлжалланган режаларимизда Давлат бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, унинг аксарият қисми юқорида зикр этилган соҳаларни таъминлашга, аввало, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият тармоқларини юксалтиришга қаратилган. Иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар миқдори 20 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса 22—24 фоизга кўпайиши белгиланмоқда.

Янги йилда икки йил олдин бошланган ва халқимизни, аввалимбор, қишлоқ жойларда

яшаётган аҳолининг келажагини ўйлаб амалга оширилаётган, бутун жамиятимизнинг эътибор марказида турган, яъни қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойларни қуриш, коммунал-маший шароитларни яратишга қаратилган дастурни давом эттириш кўзда тутилмоқда. 2011 йилда 7 минг 400 та оила умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метр бўлган, ҳар томонлама қулай уй-жойларга, замонавий шароитларга эга бўлган бўлса, 2012 йилда 8 минг 510 та оила шаҳар шароитидан ҳеч кам бўлмаган ана шундай янги уй-жойларга кўчиб кириши мўлжалланмоқда.

Янги йилга мана шундай олижаноб мақсадлар билан қадам қўяр эканмиз, кириб келаётган йилда барча холис ниятларимиз ижобат бўлгай, иншооллоҳ.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган Янги — 2012 йил билан яна бир бор самимий табриклайман.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда қалбимдан, юрагимдан чиқаётган энг эзгу тилакларни изҳор этаман:

кексаларимизнинг умри узоқ бўлсин, опа-сингилларимизнинг чеҳрасидан табассум аrimасин, ёшларимизнинг бахту иқболини берсин.

Янги йилда ҳам Яратганимиз ҳаммамизни ўз
паноҳида сақласин, ўзи асрасин.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

*Ислом КАРИМОВ,
Узбекистон Республикаси Президенти*

УЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Сизларни, ўз ҳаётини она Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас ва олижаноб вазифага багишилаган барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнунийят етказади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, замонавий, ҳаракатчан, ҳар томонлама яхши қуролланган армияни ташкил этиш бўйича ўзининг кўлами ва миқёсига кўра улкан ишлар тизимли ва босқичма-босқич равища амалга оширилмоқда.

Замонавий талабларни, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Куролли Кучларнинг ташкилий-штат тузилиши принципиал жиҳатдан ўзгартирилди, тезкор-стратегик бошқарув, оператив тайёргарлик ва қўшинларни жанговар қўллашнинг ҳақиқий марказига айланган Бирлашган штаб бошчилигида қўшин турларини самарали бошқариш тизими яратилди.

Ҳарбий округлар тузилди, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлашнинг замонавий талабларга жавоб берадиган тизими шакллантирилди, ҳарбий операциялар амалга ошириладиган энг муҳим йўналишларда ҳаракатчан, яхши таъминланган бўлинмалар, биринчи навбатда, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва одамларимизнинг тинч-осойишта ҳаётини бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз кучларнинг тажовузкор хатти-ҳаракатларига қатъий зарба беришга қодир бўлган Махсус операцияларни амалга оширадиган кучлар, Террорчиликка қарши курашиш корпуси батальонлари тузилди.

Умумқўшин бригадалари бўлинмалари таркибига вертолёт техникасининг берилиши уларнинг жанговар имконияти ва қудрати, ҳаракатчанлиги, шиддатли равишда кечадиган тезкор операцияларни бажариш қобилиятини сезиларли равишда оширди.

Айни пайтда миллий армиямизни замонавий курол-яроғ ва техника билан таъминлаш соҳасида кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Армиямизнинг сержантлар таркибини, шунингдек, стратегик фикрлайдиган, интеллектуал савияси етук офицер кадрлар ва қўмондонлик таркибini тайёрлаш жараёни принципиал жиҳатдан янгича ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Муддатли ҳарбий хизмат бир йил этиб белгиланди. Чақирувнинг ўзи эса бир йилда бир марта амалга оширилмоқда. Сафарбарлик-чақирув резерв хизмати жорий этилди. Бугунги кунда Куролли Кучларимиздаги ҳарбий хизматчиларнинг ярмидан кўпини шартнома асосида хизматга чақирилган аскар ва сержантлар ташкил этмоқда. Буларнинг барчаси армиямизнинг қиёфаси ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартириш имконини берди.

Биз ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оиласарини ижтимоий қўллаб-қувватлашни мустаҳкамлаш, улар учун зарур уй-жой ва майший шароитларни яратишга муҳим аҳамият бериб келмоқдамиз. Фақат кейинги беш йилда барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маоши ўртача уч карра ошгани, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маошлари ва

ҳарбий хизматдан бўшаганда тўланадиган ёрдам пули миқдори эса саккиз баробар ўсгани ҳам шундан далолат беради.

Амалга оширилган ана шундай кенг кўламли ишларимиз якунларини баҳолар эканмиз, армиямиз ҳозирги кунда нафақат Ватанимиз чегараларини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилмоқда, айни вақтда мустаҳкам ирова ва характер, мустақил фикрлаш қобилияти шаклланадиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ҳақиқий амалий профессионал малака ошириш мактабига айланмоқда, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Бир сўз билан айтганда, армия хизмати том маънода мардлик ва матонат фазилатларини тарбиялаш, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактабига айланмоқда.

Қадрли дўстлар!

Ҳозирги босқичда Қуролли Кучларимизни ислоҳ этиш ва унинг жанговар тайёргарлигини оширишнинг аҳамияти, энг аввало, дунё шиддат билан ўзгараётган, Яқин Шарқ ва Форс кўрфази атрофидаги вазият тобора кескинлашашётган бир шароитда қарама-қаршилик, хавфсизликка турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётганини ҳисобга олганда, минтақада юзага келаётган мураккаб вазият билан белгиланади.

Марказий Осиё минтақаси ўзининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти, улкан минерал-хом ашё ресурсларига эга экани туфайли кейинги йилларда йирик давлатларнинг доимий диққат марказидаги объектга, уларнинг стратегик манфаатлари тўқнашадиган ҳудудга айланмоқда, шу билан бирга, ўттиз йилдан зиёд вақт мобайнида уруш давом этаётган Афғонистондаги кескинлик ва қарама-қаршиликнинг ҳали-бери сақланиб келаётган таъсири остида қолмоқда.

Америка контингенти ва хавфсизликка кўмаклашадиган халқаро кучларнинг 2014 йилда Афғонистондан олиб чиқиб кетилишининг эълон қилиниши ва келгусида бу қарорнинг амалга оширилиши террорчилик ва экстремистик фаолиятнинг кенгайиш хавфининг кучайишига, мазкур улкан минтақада кескинлик ва қарама-қаршиликнинг ортишига, бу ерда доимий беқарорлик манбай яратилишига олиб келиши мумкин.

Минтақада жойлашган айрим мамлакатлардаги ижтимоий норозиликнинг кучайиши, экстремистик кучларнинг сафига янги-янги аъзоларни жалб этиш учун қулай замин туғдираётган, ёмонлашиб бораётган ижтимоий-иқтисодий вазият минтақавий барқарорлик ва хавфсизликка қарши жиддий таҳдид бўлиб қолмоқда.

Шу борада ихчам, ҳаракатчан қисм ва бўлинмалардан фойдаланган ҳолда, қўққисдан, шид-

датли ва тез амалга оширилиши билан ажралиб турадиган замонавий жанговар операцияларни ўтказиш шарт-шароити ва характери тубдан ўзгарганини доимо назарда тутиш лозим.

Бугунги кундаги ҳарбий можаро ва маҳаллий урушлардаги жанговар операцияларнинг таҳлили шундан далолат бермоқдаки, маҳсус вазифаларни бажарадиган принципиал жиҳатдан янги жанговар тизимларни, бир-бири билан бевосита жангга кирмасдан ҳарбий ҳаракатлар олиб бориши шаклларини ва энг янги ахборот технологияларини, замонавий, юқори даражадаги аниқлик билан зарба берадиган қурол-яроғ турларини қўллаган ҳолда уруш олиб бориши усувларидан тобора кенг фойдаланилмоқда.

Лўнда қилиб айтганда, Марказий Осиё ва дунёда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий вазиятни баҳолаш минтақадаги тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётга нисбатан таҳдидларнинг кучайиш тенденцияси тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг бутун мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини юксалтириш бўйича олдиндан ишлаб чиқилган тизимли чора-тадбирларни амалга оширишни, Куролли Кучларимизнинг салоҳияти ва

ҳарбий тайёргарлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасидаги ишларни изчил давом эттиришни тақозо этмоқда.

Бугунги вужудга келган шароитда Мудофаа вазирлиги, Куролли Кучларнинг Бирлашган штаби, ҳарбий округ ва қўшин турлари қўмондонлари, бригада командирлари, бутун офицерлар корпуси Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Олий Бош Қўмондонининг Ўзбекистон Куролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан қабул қилинган Директивасида баён этилган устувор мақсад ва йўналишларни амалга оширишни ўзининг энг муҳим вазифаси деб ҳисобласин.

Бу борада минтақамизда юз бериши мумкин бўлган жанговар ҳаракатлар театри шароитида тажриба тўплашни янада ошириш, замонавий ҳарбий операциялар ўtkазишнинг асосий тамоилил ва усулларига оид билимларни такомиллаштириш ва чуқурлаштириш, қўшинларда фавқулодда мураккаб ва кескин шароитларда вазиятни тез ва тўғри баҳолай олиш ва қарор қабул қилиш қобилиятини тарбиялаш, замонавий жанговар операцияларда замонавий ва юқори дараждаги аниқлик билан зарба берадиган қуроляргларни қўллаш асосларини пухта эгаллашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Куролли Кучлар ва ҳарбий округлар қўмондонлиги томонидан замонавий ҳарбий ҳаракат-

лар театри шароитида жанговар операцияларни ўтказишнинг турли моделларини ўзлаштиришнинг мактабига айланиши лозим бўлган қўмондонлик-штаб ва тактик укув машқларини режалаштириш, ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ишлар самарадорлигини оширишга ўта жиддий эътибор қаратиш талаб этилади.

Кисм ва бўлинмаларни замонавий қурол-яроғ ҳамда техника ва уларнинг фаолиятини таъминлайдиган воситалар билан қайта жиҳозлаш, мавжуд қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани жангга шай ҳолатда тутиш ва модернизация қилиш учун зарур бўлган құдратли таъмирлаш базасини яратиш масалалари бундан буён ҳам эътиборимиз марказида туриши даркор.

Кўмондонлик ва сержантлар таркиби кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими тубдан яхшилашни талаб этмоқда. **Ҳарбий таълим ва жанговар тайёргарликни янги сифат босқичига кўтариш Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини оширишнинг энг муҳим шартидир.**

Сержантлар ўртасида командирлик ва етакчилик фазилатларини янада ривожлантириш, улар томонидан жанговар тайёргарликни ташкил этишинг энг янги шакллари, усул ва услубларининг ўзлаштирилиши, шахсий таркибининг уларга ишониб топширилган замонавий қуроллар ва ҳарбий

техникани моҳирлик билан ишлатиши, шунингдек, бошлангич бўлинмаларда маънавий-ахлоқий муҳит ва тартиб-интизомни яхшилашда сержантларнинг ролини кучайтириш борасидаги ишларни давом эттириш зарур. Бунинг учун ўзаро мусобақа муҳити, моддий ва маънавий рағбатлантириш шароитини яратиш керак.

Куролли Кучларнинг ҳаракатчанлиги ва жанговар қобилиятини ошириш мақсадида жанговар взводларнинг юксак тайёргарлик даражасини таъминлаш муҳим вазифа бўлиб қолиши зарур. **Бу вазифани амалга ошириш ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятлари, ҳарбий операцияларни ўтказиш тактикаси ўзгарган шароитда взводларнинг тобора ортиб бораётган роли ва аҳамиятини белгилаб беришга қаратилган дастур, низом ва режалар, бир сўз билан айтганда, барча асосий ҳужжат ва қоидаларни қайта кўриб чиқишини талаб этади.**

Взвод олдига қўйилаётган вазифаларнинг мурakkabлашуви ва кенгайиши, унинг роли кескин кучайиши билан взвод командирларига ва уларнинг профессионал тайёргарлигига нисбатан талаблар ҳам ошиб бормоқда. Бугунги кунда взвод командири ҳар томонлама кенг билим ва юксак профессионал маҳоратга эга офицер бўлиши, фавқулодда ва кескин шароитларда ўзи мустақил равишда ностандарт қарорлар қабул қила олиши,

ўзига бўйсунадиган бўлинмаларни жангда ҳам, кундалик фаолиятда ҳам моҳирлик билан бошқара олиши даркор.

Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, оддий аскар, сержант ва офицерлар таркибининг ижтимоий-маиший, яшаш ва хизмат шароитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурларимизнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолиши керак.

Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига алоҳида аҳамиятга молик вазифа сифатида қараш зарур. Нега деганда, бугунги замонда фақат ижтимоий жиҳатдан яхши таъминланган ҳарбий хизматчилар, шу билан бирга, пухта тайёргарликка эга бўлган, кучли, ҳар томонлама таъминланган Қуролли Кучларгина давлатимиз хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлади.

Ҳурматли ватандошлар!

Мана шу қутлуғ айёмда сизларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганинг 20 йиллиги билан табриклар эканман, Қуролли Кучларимиз сафларида бугун жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб хизмат қилаётган, маشاққатли меҳнати, керак бўлган пайтда эса ўзининг ҳаётини ҳам бағишлиб Ватан ҳимояси йўлидаги шарафли бурчини адо этаётган бар-

ча ҳарбий хизматчиларга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Сизларнинг оила аъзоларингиз ва яқинларингизга ўзимнинг самимий ҳурмат ва эҳтиромими ни изҳор этаман. Мехрибон ота-оналарингиз, умр йўлдошларингиз, ўғил-қизларингиз она юртимиз равнақи учун муносаб, жанговар хизмат қилаётган ўз фарзандлари, турмуш ўртоқлари ва оталири билан ҳар қанча фаҳрланса арзийди, албатта.

Янги 2012 йилда барчангизга мустаҳкам соғлиқ, баҳт ва омад ёр бўлсин!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондони*

2012 ЙИЛ ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КҮТАРАДИГАН ЙИЛ БҮЛАДИ

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Вазирлар Маҳкамасининг бугунги кенгайтирилган мажлисининг қун тартиби ўтган 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунларини баҳолаш ва 2012 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олиш масалаларига багишланган.

2011 йилда иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг амалий яқунлари таҳлилига ўтишдан олдин кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ўзгаришлар ва, авваламбор, турли салбий тенденциялар ҳақида қисқача тұхталиб ўтишни үринли, деб биламан.

Шулар ҳақида гапирганда, дунёдаги таниқли иқтисодчилар, нуфузли эксперт ва мутахассисларнинг баҳолари ва чиқараётган хulosалари принципиал жиҳатдан ягона бир фикрга келмоқда.

Жаҳон иқтисодиётига, биринчи навбатда, ривожланган йирик мамлакатлар иқтисодиётига

2008 йилда бошланган глобал молиявий-икти-
содий инқироз ҳали-бери салбий таъсир кўрсат-
моқда.

Ўтган давр мобайнида аҳволни яхшилаш мақ-
садида кўрилаётган барча чора-тадбирларга қара-
масдан, аксарият давлатларда ўсиш суръатлари
ва ишлаб чиқаришнинг амалда пасайиши куз-
тилмоқда ва бундай жараён давом этадиган бўлса,
у глобал миқёсда рецессия ҳолатига, яъни иқти-
содиётнинг ўсиш ўрнига давомли равишда па-
сайиб боришига олиб келиши мумкинлиги ба-
шорат қилинмоқда.

Кўпгина тараққий топган мамлакатларда ва-
зият қандай тус олишини олдиндан айтиб
бўлмайдиган ва турли хавф-хатарлар сақланиб
қолаётган бир шароитда давлат қарзлари ва дав-
лат бюджети тақчиллиги тобора ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, жаҳон захири валюталари-
нинг бекарорлиги, молия-банк тизими кредит
қобилиятининг кескин пасайиши ва инвестиция-
вий фаолликнинг сусайиши билан боғлиқ му-
раккаб муаммолар кўплаб давлатлар иқтисодиё-
тининг тикланиш ва ўсиш суръатларига салбий
таъсир кўрсатмоқда.

«Саккизлик» ва «йигирмалик» деб аталган
мамлакатлар гурӯҳлари доирасида қабул қили-
наётган қарорларга қарамасдан, энг аввало, жа-
ҳон молия-валюта тизимида инқироз келтириб

чиқараётган муаммоларни ҳал этиш ва керакли назорат ўрнатиш бўйича ягона иқтисодий мөдель ҳанузгача ишлаб чиқилмаган. Бу эса жаҳон иқтисодиётида ҳал қилувчи ўрин тутадиган йирик давлатларни ўз манфаатларини ўйлаб, ўз билганича ҳаракат қилишга мажбур этмоқда.

Шуни тан олиш керакки, сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган муаммолар, асосан, қўшимча пул босиб чиқариш ва молия бозорини шундай пуллар билан тўлдириш ҳисобидан ҳал этилиши кўзга ташланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, келгусида жиловлаб бўлмайдиган инфляцияга, яъни қимматчиликка, захира ва миллий валюталарнинг қадрсизланишига ва шу билан боғлиқ оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўз-ўзидан аёнки, жаҳон бозорида кечеётган инқироз жараёнлари ўтган давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичларига таъсир кўрсатмасдан қолмади ва Ўзбекистон иқтисодиётининг 2012 йилга мўлжалланган ўсиш суръатлари ва самарадорлигини таъминлашда катта қийинчиликлар туғдириши мумкин.

Биринчи навбатда, дунё бозорида хом ашё ва тайёр маҳсулотга эҳтиёжнинг тобора пасайиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай ҳолат мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ва валюта

тушумига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албатта.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Шундай муаммоларга, шунингдек, ўзимиздаги мавжуд айrim мураккаблик ва қийинчиликларга қарамасдан, халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига эришилган 2011 йилнинг якунлари билан ҳақли равишда фаҳрланишимиз учун бугун барча асосларимиз бор.

Охирги йилларда ва ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида кўлга киритилган натижалар Халқаро валюта жамгармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланмоқда.

Халқаро валюта жамгармасининг кейинги баҳолаш миссияси баёнотида, жумладан, бундай дейилади:

«Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир.

Қатор йиллар давомида кузатилган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорлари-

дан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди... Миссия 2011 йилда ялпи ички маҳсулот 8,3 фоиз кўпайишини кутмоқда ва ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолишини башорат қилмоқда».

Таъкидлаш жоизки, **ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, кутилганидек, амалда 8,3 фоизни ташкил этди, 2000 – 2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошиди**. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланандиган мамлакатлари қаторидан жой олди.

Ўтган йили саноат ишлаб чиқариши 6,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 16,4 фоиз ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 16,1 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсди.

Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин.

Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган

тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди. Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик (12,2 фоиз), кимё ва нефть-кимё саноати (9,4 фоиз), озиқ-овқат саноати (13,1 фоиз), қурилиш материаллари саноати (11,9 фоиз), фармацевтика ва мебелсозлик (18 фоиз) 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2011 йилда 11,2 фоизга ўсди, 2000 йилга нисбатан эса бу кўрсаткич 4 баробардан зиёд ошди.

Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

2011 йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич қарийб 46 фоизни ташкил этган эди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб ривожланиб бораётганини 2005 йилдан бошлаб Давлат бюджети профицит билан бажарилаётгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

2011 йилда Давлат бюджетининг харажатлар қисми 2010 йилга нисбатан 25,4 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса қарийб 17,8 баробар ўсди. Қайд этиш жоизки, Давлат бюджети харажатларининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини кўллаб-кувватлашга йўналтирилди.

Мана бу рақамларга алоҳида эътиборингизни жалб этмоқчиман. 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизнинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 17,5 фоизидан, экспорт ҳажмига нисбатан эса 53,7 фоиздан ошмайди. Бу халқаро мезонлар бўйича «Ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат», деб ҳисобланади.

Буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб ҳам давлат, ҳам тижорат банклари, компания ва корхоналар миқёсида ҳар томонлама пухта ўйланган четдан қарз олиш сиёсатини амалга ошириб келаётганимиз билан боғлиқ эканини, ўйлайманки, тушуниш, англаш қийин эмас.

Шу ўринда мамлакатимиз молия-банк тизимида содир бўлаётган ижобий ўзгаришларни мамнуният билан қайд этмоқчиман.

2011 йилда банкларнинг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Охирги беш йил давомида мамлакатимиз банк сектори капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган халқаро меъёрдан уч баробар кўп бўлган даражани ташкил этмоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, «Стандарт энд Пурс», «Мудис» ва «Фитч Рейтингс» каби нуфузли халқаро рейтинг агентликлари икки йилдан буён Ўзбекистон банк тизимиға муттасил равишда «барқарор» рейтинг дараҷасини бермоқда, айни пайтда мамлакатимизнинг шундай баҳога сазовор бўлган банклари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Агар 2010 йилда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки «барқарор» рейтингини олган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 23 тага етди, бу банкларнинг активлари юртимиз банк тизими умумий активларининг 98 фоизини ташкил этмоқда.

Маълумки, аҳолининг банк тизимиға ишончи ортиб бораётгани банклар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Шу маънода, 2011 йилда депозитларга 18 триллион сўмдан ортиқ, ўтган йилга нисбатан 36,3

фоиз кўп маблағ жалб қилингани, жумладан, аҳоли депозитлари 38,8 фоизга ошгани, айниқса, эътиборлидир.

Банкларнинг кредит портфели таркиби сифат жиҳатидан тубдан ўзгармоқда. Агар 2000 йилда кредит портфелининг 54 фоизи ташқи қарзлар ҳисобидан шакллантирилган бўлса, 2011 йилда унинг 85,3 фоизи ички манбалар — юридик ва жисмоний шахслар депозитлари ҳисобидан шакллантирилди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётимиз тармоқларига инвестиция киритиш ва шунинг ҳисобидан тараққиётимизни таъминлашда ички имкониятларимиз тобора ортиб бораётганинг далилидир.

Тижорат банкларининг инвестициявий фаоллиги ортмоқда. Тижорат банклари қўйилмаларининг 75 фоиздан ортигини уч йилдан зиёд бўлган узоқ муддатли инвестиция кредитлари ташкил этмоқда. Умуман, сўнгги ўн йилда банкларимиз томонидан иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш 7 баробар ошганини алоҳида қайд этиш лозим, деб ўйлайман.

Бизнинг иқтисодий ноchor корхоналарни банклар балансига ўтказиб, уларни соғломлаштириш борасида қўллаган ноанъанавий ёндашувимиз ўзини оқлади ва самарадорлигини кўрсатди, деб бугун тўла асос билан айтишимиз мумкин.

Хозирги пайтда банкларга берилган 164 та банкрот корхонадан 156 тасида ишлаб чиқариш фаолияти тұлиқ тикланди, 110 та корхона янги инвесторларга сотилди. Бундай корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш ишларига тижорат банклари томонидан 275 миллиард сүм миқдорида инвестиция киритилди, натижада 22 мингдан зиёд иш үрни яратилди.

Фурсатдан фойдаланиб, бу вазифаларни бајаришга үз ҳиссасини құшган барча банк раҳбарлари, мутахассис ва хизматчиларга үз миннэтдорлигимни билдирмоқчиман.

Энди, рухсатингиз билан, **қишлоқ хұжалигыда амалға оширилаётган ишларимизнинг иатижалари ҳақида қисқача тұхталиб үтмоқчиман.**

Бу ҳақда гапирганды, аввало, мураккаб об-ҳавода иқлим шароити туфайли вужудға келған муаммо ва қийинчиликларға қарамасдан, қишлоқ мәхнаткашларининг фидокорона мәхнати ҳисобидан 2011 йили энг муҳим қишлоқ хұжалик маҳсулотлари давлат хариди бүйича шартнома мажбуриятлари нафақат бажарилгани, балки ортиғи билан бажарилганини таъкидлаш үринлидир.

Мамлакатимизда үтган йили 6 миллион 800 минг тонна ғалла, 3 миллион 500 минг тоннага яқын пахта, 8 миллион 200 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғ-

дорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Шу билан бирга, 6 миллион 600 минг тонна сут, 1 миллион 500 минг тоннадан ортиқ гүшт, 3 миллиард 500 миллион донадан зиёд тухум тайёрланди.

Бугун мана шу юксак минбардан туриб, кунни — кун, тунни — тун демасдан, қилган фидокорона меҳнатлари учун фермер ва деҳқонларимизга яна бир бор миннатдорлик билдириб, ўзимнинг чуқур хурмат ва эҳтиромимни изҳор этишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Айни пайтда биз қишлоқ хўжалиги соҳасида, биринчи навбатда, тупроқ унумдорлигини ошириш чораларини кўриш, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш, селекция ва уруғчиликни янада ривожлантириш, меҳнатни ташкил этиш ва рафбатлантириш билан боғлиқ, ҳали-бери ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлигини ҳам эътироф этишимиз зарур.

Шуни очиқ тан олиш керакки, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларнинг масъулиятини янада ошириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

Ўтган йили 3 минг 800 дан ортиқ фермер хўжалиги пахта етиштириш бўйича шартнома мажбуриятини бажара олмади. Натижада 120 миллиард сўмликдан ортиқ ёки 160 минг тоннадан зиёд пахта хом ашёси кам етказиб берилди. Агар бу

күрсаткични экспорт қилиш мумкин бўлган пахта толасига айлантирадиган бўлсак, бой берилган фойда ҳажми, пахтани қайта ишлашдан олинадиган мой, шрот, кунжара ва бошқа маҳсулотларни ҳисобга олмагандан ҳам, йўқотиш қарийб 100 миллион долларни ташкил этади.

Ўтган йили 1 минг 500 та фермер хўжалиги давлат захирасига фалла сотиш бўйича 18 миллиард сўмлик ёки 62 минг тонна ҳажмидаги шартнома мажбуриятини бажармади.

Ана шу масалалар юзасидан ҳар бир вилоят ва туман бўйича тегишли хulosалар чиқарилиши керак. Бунда, энг аввало, фермер хўжаликларига ер майдонларини узоқ муддатга ижарага бериш бўйича белгиланган тартибга риоя қилинишини, шу борада қонун бузилишларига йўл қўймасликни таъминлаш зарур.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 37 фоиз ўрнига 50,5 фоизни ташкил этди.

Йил давомида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг 41,6 фоизга ўсганини бугунги кун талабларига жавоб берадиган ижобий тенденция сифатида баҳолаш лозим.

Бу кўрсаткич, аввало, мобиъ алоқа ва Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланадиган

абонентлар сонининг ўсиши ҳисобидан таъминланди. Бунда ҳисбот йилида аҳоли учун Интернет хизматларидан фойдаланиш тарифларини 22 фоизга камайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди. **Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 8 миллионга яқини Интернет тармоғидан фаол фойдаланмоқда.**

Изчиллик билан амалга оширилаётган, биринчи навбатда солиқ юкини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишビルармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Хусусан, 2011 йилда солиқ юки, 1991 йил билан солиштирганда, ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийб 2 баробар камайиб, 41,2 фоиздан 22 фоизга тушганини қайд этиш зарур.

2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди. Бунинг натижасида бўшаб қолган қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблагни, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имкони пайдо бўлди.

Үтган йили фаолият күрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариши ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга алоҳида эътибор қаратилди.

2011 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2010 йилга нисбатан 11,2 фоиз кўп демакдир. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 23,9 фоизни ташкил этгани мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг жадал фаоллашиб бораётганидан далолат беради.

Иқтисодиётимизнинг реал секторига қарийб 2 миллиард 900 миллион доллар ҳажмида хорижий инвестициялар жалб қилинди, уларнинг 78,8 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари ва улардан фойдаланиш борасида ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермокда.

Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи мамлакатимизнинг ички манбалари ҳисобидан — корхоналар ва аҳоли маблағлари, инвестиция жараёнларида тобора фаол иштирок этаётган тижорат банклари кредитлари, шунингдек, дав-

лат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан шакллантирилмоқда.

Жами инвестицияларнинг 73,5 фоизидан ортиғи ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилмоқда. Инвестицияларнинг қарийб 45,3 фоизи замонавий, юксак самарали асбобускуналар харид қилишга йўналтирилгани, айниқса, муҳимдир.

Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида ҳисобот даврида ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Жумладан, «Женерал Моторс Павертрэйн Ўзбекистон» қўшма корхонасида юқори технологиялар асосида автомобиль двигателлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, автомобиль генератори ва компрессорлари ишлаб чиқариш бўйича қувватлар барпо этилди, энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш бўйича учта лойиҳа амалга оширилди.

Шулар қаторида «Зенит электроникс» қўшма корхонасида «Самсунг» кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтда миший газ плиталари, кондиционерлар, электр пилесослар ва бир қанча бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шуъба корхонасида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида пропан-

бутан аралашмаси қурилмасининг биринчи навбатини, Самарқанд вилоятида «MAN» юк ташиш машиналари ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуанинг дилерлик марказини бунёд этиш ишлари якунига етказилди.

Навоий иссиқлиқ электр станциясида буғ-газ қурилмасини барпо этиш, Ўзбекистон — Хитой газ қувурининг учинчи йўналиши каби йирик лойиҳаларни амалга оширишда қурилиш-монтаж ишлари қизғин паллага кирди.

Навоий шаҳридаги эркин индустрисал-иктисодий зона муваффақиятли фаолият юрита бошлади, унинг ҳудудида янги ташкил этилган корхоналарда спидометрлар, автомобиллар учун ўтказгичлар, компрессорлар, рақамли телевизион тюнерлар, энергияни тежайдиган лампалар, ёритиш ускуналари, диодли лампалар, модемлар, полиэтилен ва полипропилен қувурлар, косметика воситалари ҳамда тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон миллий автомобиль магистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳалар доирасида 302,5 километр узунликдаги йўлга замонавий қоплама ётқизилиб, реконструкция қилинди. Тошкент ва Бухоро шаҳарлари аэропортларининг маҳаллий йўналишларда хизмат курсатадиган йўловчи терминаллари фойдаланишга топширилди.

Тошкент — Самарқанд йўналишида мазкур икки шаҳар ўртасидаги 344 километр масофани атиги 2 соатда босиб ўтадиган, юқори тезликда ҳаракат қиласиган «Талго-250» йўловчи электр поездлари қатнови йўлга кўйилди.

Бу поездлардан фойдаланиш мақсадида темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш ва такомиллаштириш бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, 600 километр узунликдаги йўллар қайтадан тикланди, 68 километрдан иборат янги темир йўллар ётқизилди, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари темир йўл вокзаллари реконструкция қилинди ва қайтадан жиҳозланди.

Ўтган йил мобайнида телекоммуникация тизимини ривожлантиришга қаратилган бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш ишлари давом эттирилди. Хусусан, Жиззах — Булунғур йўналиши бўйлаб 73 километр узунликдаги оптик толали алоқа линияси ўтказилди, мобиъ алоқа ва Интернет тармоғи кўлами тобора фаол кенгайиб бормоқда. Юртимизда аҳолига рақамли телевидение хизмати кўрсатиш ҳажми 38 фоизга етгани ҳам шу борадаги улкан ишларимизнинг амалий натижасидир.

2011 йилда логистика марказлари фаолияти жадаллашди. Хусусан, «Навоий халқаро интермодаль логистика маркази» орқали 50 минг тон-

на юк ташилди. «Ангрен логистика маркази» ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан Қамчиқ довони орқали 4 миллион 200 минг тонна, яъни 2010 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп юк ташилди.

Ўтган йили ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлди.

2011 йилда республикамизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсди. Аҳолининг реал даромадлари йил мобайнида 23,1 фоизга ортди. Айни пайтда — шунга эътибор беришингизни сўрайман — аҳоли жами даромадларининг 47 фоизи тадбиркорлик фаолиятидан олинмоқда.

Сир эмаски, биз мустакил тараққиётимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг даромадлари ва турмуш шароитида кескин тафовут бўлишига йўл қўймасликка катта эътибор қаратмоқдамиз.

Кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган бир пайтда, иш ҳақи, ижтимоий қўмакка муҳтож тоифаларининг даромадлари миқдорини жадал ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисоб

бидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гурухлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадлардаги фарқ коэффициенти 21,1 баробардан 8,3 баробарга қисқарди. Айтиш керакки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бир қатор иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасида бу коэффициент энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Юртимизда ўтган йиллар давомида иш ҳақи ва пенсияларнинг харид қобилияти изчил ва барқарор ўсгани аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бораётганининг яққол тасдигидир.

Бунинг исботи тариқасида қўйидаги мисол ва рақамларни келтирмоқчиман.

Агар 1991 йилда энг кам иш ҳақига Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига қатъий мувофиқ тарзда ҳисоблаб чиқилган истеъмол корзинкаси қийматининг фақат 8 фоизини ташкил этадиган товар ва хизматларни харид қилиш мумкин бўлган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич истеъмол корзинкасининг 120 фоизини ташкил этди ёки 15 баробар ўсади, энг кам пенсиянинг харид қобилияти эса 9 карра ошди.

Айни шу кўрсаткичлар 2000 йилда мос равишда 11,0 ва 3,6 баробарни ташкил этди.

Ҳисбот йилида таълим соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида

гапирад эканмиз, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта маҳсус, қасб-хунар ва олий таълимга-ча бўлган бўғинларда чуқур билим ва пухта қасб-хунар тайёргарлигига эга бўлган ёш авлодни тарбиялаш жараёнини ўз ичига олган яхлит узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ишлари изчил давом эттирилганини таъкидламоқчиман.

Олис ва чекка ҳудудларда қасб-хунар коллежларининг 24 та филиалини ташкил этиш, фаолият юритаётган коллежлар қошида 18 та талабалар тураржойларини куриш орқали умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини қасб-хунар таълими билан тўлиқ қамраб олиш бўйича қўшимча чора-тадбирларнинг қабул қилингани мазкур йўналишдаги муҳим қадам бўлди.

Умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Энг замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган, 46 минг 300 дан ортиқ ўқувчига мўлжалланган 166 та янги мактаб қурилди ва реконструкция қилинди, 151 та мактаб капитал таъмирланди. Мамлакатимиздаги 852 та мактабда замонавий ўқув компьюттер синфлари ташкил этилди.

Ҳозирги вақтда 9 минг 400 дан зиёд умумтаълим мактаби ёки жами мактабларнинг 96 фоизи

ZiyoNet электрон ахборот тармоғига уланганини қайд этиш лозим.

Касб-хунар колледжлари бити्रувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Колледжлар ва корхоналар ўртасида битириувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва келажакда мазкур корхоналарда ишга жойлашиши бўйича шартнома тузиш йўлга кўйилди. Мазкур келишувлар асосида 390 мингдан ортиқ битириувчи иш билан таъминланди.

Ҳукумат қарорига мувоғик, олий таълим мусассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011 — 2016 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш учун 277 миллиард сўмдан ортиқ маблаг йўналтириш кўзда тутилган.

Маблағларни жамлаш ва дастурда белгилangan чора-тадбирларнинг молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида ўтган йили маҳсус жамгарма ташкил этилди ва унинг маблағлари ҳисобидан 2011 йилда бир йилга мўлжалланган 39 миллиард сўмдан ортиқ тадбирлар молиялаштирилди.

Ўтган йили илғор ахборот-компьютер технологиялари билан жиҳозланган, аввало, ёшларимизга миллий ва хорижий ахборот-кутубхона фондларидан кенг фойдаланиш имконини бера-

диган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — замонавий ахборот-ресурс маркази ва Симпозиумлар саройини ўзига қамраб олган Маърифат марказининг қуриб битказилгани ва ишга туширилгани мамлакатимиз ҳаётида том маънода улкан воқеа бўлди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

2011 йилда соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасидаги ишлар изчил ва тизимли асосда давом эттирилди.

Даволаш-профилактика муассасаларини реконструкция қилиш, уларни замонавий лаборатория, диагностика ва даволаш жиҳозлари билан таъминлаш учун қиймати қарийб 137 миллиард сўмлик бюджет маблағлари ҳамда 136 миллион долларлик хорижий имтиёзли кредит ва грантлар йўналтирилди.

Умуман олганда, кейинги ўн йил мобайнида соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган бюджет маблағлари ҳамда имтиёзли кредит ва грантлар 750 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида қабул қилинаётган изчил чора-тадбирлар кейинги ўн йилда аҳолининг умумий касалланиш кўрсаткичларини сезиларли даражада қисқартириш имконини берди. Ҳар юз минг кишига ҳисоблаганда, ижтимо-

ий хавфи катта бүлган касалликларга чалиниш ҳолатлари, жумладан, туфма нуқсонлар билан туғилиш 32,4 фоизга, юқумли касалликлар 40 фоизга, юқори нафас органларининг ўткир инфекциялари билан оғриш 4,2 баробар камайди. Дифтерия, паратиф, полиомиелит, безгак касалликларига чалиниш ҳолатларига бутунлай барҳам берилди.

2011 йилда 5,9 миллион нафар хотин-қиз ҳар иили ўтказиладиган тиббий кўрикдан, қарийб 150 минг ҳомиладор аёл скрининг текширувидан ўтказилди. Қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган 243 мингдан ортиқ ҳомиладор аёл поливитаминалар билан бепул таъминланди. Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш даражаси қарийб 100 фоизни ташкил этди.

Юртимиз таълим ва тиббиёт муассасаларини замонавий талаблар ва халқаро андозалар асосида ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни тизимли амалга ошириш мақсадида 2011 йилда бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ташкил этилди ва у 2012 йилнинг биринчи кунларидан иш бошлади.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида биз эришган бундай катта ютуқлар ўтган

йили Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соглом она — соғлом бола» мавзуидафи халқаро симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланди.

«Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта фамхўрлик қўрсатаётган энг илгор етакчи ўнта мамлакат қаторига киритилгани, албатта, барчамизга юксак фуур ва ифтихор бағишлиайди.

Ҳисобот йилида янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш масаласини ҳал қилиш ҳам эътиборимиз марказида бўлди. Ҳудудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўринининг 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтириш ҳисобидан яратилди.

Ўтган йил якунлари ҳақида хулоса чиқарар эканмиз, 2011 йил Иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш дастурининг мантиқий давоми бўлди, Ўзбекистоннинг 20 йиллик мустақил тараққиёти тарихида, жамиятимизни изчил демократик янгилаш ва либераллаштириш жараёнида алоҳида ўрин эгаллаган йил бўлди, деб тўла ишонч билан таъкидлашимиз мумкин.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари!

2012 йилнинг асосий йўналишлари ҳақида гапирганда, жорий йилда Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантиришнинг кўрсаткичлари, **аввало, юқори ва изчил ўсиш суръатларини сақлаш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилганини таъкидлаш лозим.**

Ялпи ички маҳсулотнинг 8,2 фоизга, саноат ишлаб чиқаришининг 8,6 фоизга, қишлоқ хўжалигининг 5,8 фоизга ўсиш суръатлари белгиланмоқда. Шунингдек, истеъмол нархларининг ўсиш даражаси 7—9 фоиз доирасида бўлиши мўлжалланмоқда, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиз даражасида сақлаш назарда тутилмоқда.

Мамлакатимизнинг 2012 йил учун тасдиқланган Давлат бюджети жами харажатларининг 60 фоиздан ортигини социал соҳа ва аҳолини иж-

тимоий құллаб-қувватлашга йүналтириш күзда тутилмоқда.

Солиқ юкини, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш белгиланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тұлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг паст ставкаси 10 фоиздан 9 фоизга пасайтирилганини қайд этиш лозим. Бу, аввало, кам иш ҳақи тұланадиган ишловчилар тоифаси даромадларининг күпайишига сезиларли равища ижобий таъсир күрсатиши табиийдір.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга йүналтирилаётган капитал қүйилмалар ҳажми анча ошиб, үтган йилга нисбатан уларнинг үсиш суръатлари 109,3 фоизни, ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 24,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Шунингдек, хорижий инвестициялар ва жалб қилинадиган кредитлар ҳажми 16 фоизга күпайиб, 3 миллиард 300 миллион доллардан ошади. Мазкур маблағнинг 2 миллиард 300 миллион доллардан ортиғи ёки қарийб 70 фоизини түғри-

дан-түғри хорижий инвестициялар ташкил этиши, айниқса, эътиборлидир.

Бу хорижий инвесторларнинг иқтисодиётимизнинг мустаҳкамлиги ва барқарорлигига, энг муҳими, Ўзбекистон тараққиётининг истиқболига бўлган қизиқиши ва ишончи тобора ортиб бораётганидан яққол далолат беради.

Жаҳон иқтисодиётида вужудга келаётган тенденциялардан, шунингдек, мамлакатимизни келажакда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиқсан ҳолда, 2012 йилда ва ундан кейинги йилларда қўйидаги устувор вазифаларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга қартилиши зарур.

Бу мақсаднинг долзарблиги ва аҳамияти, аввало, шу билан белгиланадики, биз ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётимизни ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқиши ҳозирги босқичдаги бош стратегик вазифа сифатида ўз олдимизга қўйганмиз.

Ўз-ўзидан аёнки, рақобатдош иқтисодиётни шакллантирмасдан, пировард натижада эса рақобатдош мамлакатни барпо этмасдан туриб, биз

қабул қилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўзда тутилган мақсадли вазифаларни амалга оширмасдан туриб, бу ҳақда жиддий сўз юритиш мумкин эмас.

Бу вазифанинг ўртага қўйилиши, шунингдек, инқироз жараёнларининг чуқурлашуви, дунё миқёсида харид талабининг пасайиши ва шунга мувофиқ тарзда жаҳон бозорида хом ашё, материаллар, айниқса, тайёр маҳсулотлар бўйича рақобатнинг йилдан-йилга кучайиб бораётгани билан ҳам боғлиқ, албатта.

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорлари га чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатдош маҳсулотларнинг янги турларини

ўзлаштириш бўйича қабул қилинган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, 2012—2016 йилларда ҳисоб-китоблар бўйича қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Жорий 2012 йилда иқтисодиётимизни диверсификация қилишни давом эттиришда ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Жумладан, Сурғил кони базасида Устюрт газ-кимё комплекси, Дехқонобод калийли ўғитлар ва Қўнгирот сода заводларининг иккинчи навбатини, синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш заводини қуриш ишлари бошланади.

Шунингдек, Толлимаржон иссиқлик электр станциясида иккита буғ-газ қурилмаси, Ангрен иссиқлик электр станциясида янги энергоблок қуриш, автомобиль шиналари ва транспортёр тасмаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, тўқимачилик корхоналари қувватларини янада кенгайтириш ва бутун технологик жараённи такомиллаштириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларини амал-

га оширишда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг роли тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Айтиш керакки, ҳозирги вақтда ушбу Жамғарма капитали 9 миллиард доллардан ошиб кетди. 2012 йилда Жамгарма маблағлари ҳисобидан саноат ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг етакчи тармоқларида 758 миллион доллардан зиёд ҳажмдаги 29 та стратегик инвестиция лойиҳасини биргаликда молиялаш мүлжалланмоқда, бу ўтган йилга нисбатан 38,2 фоизга кўп демакдир.

Вазирлар Маҳкамаси стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларнинг амалга оширилишини алоҳида назоратга олиши, лойиҳа-смета ҳужжатларининг пухта ишланишини, танлов савдоларининг ўз вақтида ўtkазилишини, зарур асбоб-ускуналарнинг етказиб берилиши бўйича шартномалар тузилиши ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаши зарур.

Ҳукуматнинг чорак яқунларига багишланган ийғилишларида қабул қилинган Биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурини ва модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тасдиқланган тармоқ жадваллари ижроси таъминланишини кўриб чиқиши ва уларнинг бажарилиши учун ўз вақтида

тегишли чоралар кўриш тартибини жорий этиш даркор.

Ўтган йили протокол билан белгиланган топшириқقا биноан мамлакатимизнинг барча йирик корхоналари ва ишлаб чиқариш тармоқларида ўтказилган техник аудит натижасида 37 мингга яқин асбоб-ускуна ва технологияларнинг жаҳон миқёсида синовдан ўтган, замонавий турларига алмаштирилиши лозимлиги аниқланди.

Вазирлар Маҳкамаси ушбу аудит натижалари асосида бир ой муддатда моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган асбоб-ускуналарни янгилаш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилиши юзасидан, уларни молиялашнинг аниқ манбаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, тармоқ жадвалларини тасдиқлаши зарур.

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг самараси ҳақида сўз юритар эканмиз, шуни тан олишимиз керакки, бу йўналишда эскидан қолган ва ҳали-бери рўй бериб келаётган оқсоқлик ҳолатлари борлиги, биринчи навбатда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал ва энергия сарфи юқори даражада сакланиб қолаётгани аён бўлади.

Аввало, биз табиат томонидан берилган ноёб, қайта тикланмайдиган захиралар бўлмиш нефть, газ конденсати, табиий газ ва бошқа ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик

билин фойдаланишни ҳамон ўрганганимиз йўқ. Бу ресурсларнинг катта қисмидан кўпроқ ёқилғи сифатида фойдаланяпмиз, холос.

Муқобил энергия ресурсларини излаш ва жорий этиш ишлари талаб даражасида эмас. Умуман, ушбу соҳада зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган кўплаб муаммолар тўпланиб қолганини афсус билан қайд этиш керак.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг ҳалқаро стандартларга мослигини таъминлаш масаласи барча корхоналарда ҳам ҳал этилган, деб бўлмайди. Бу камчилик, айниқса, биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган енгил саноат, фармацевтика ва қурилиш материаллари саноати каби истеъмол товарлари ишлаб чиқариладиган тармоқларга тегишлидир.

Мамлакатимизда яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш борасида ҳам ишга солинмаган улкан имкониятлар мавжуд. Биз ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизация қилиш учун катта маблаг сарфлаймиз, кўп миқдордаги хорижий инвестицияларни жалб этамиз.

Лекин қатор тармоқларда ишлаб чиқариш қувватларидан, асосий фондлардан тўлиқ фойдаланишда, меҳнат самарадорлигини оширишда йул қўйилаётган камчиликлар маҳсулотлар таннар-

хининг асоссиз равишда ўсиб кетишига олиб келмоқда.

Бундай вазиятларни танқидий баҳолаб, Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда қуидаги масалаларни ҳал этиши зарур:

Биринчидан. Манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, компания ва корхоналар иштирокида саноатда маҳсулот таннархини 10—15 фоизга пасайтириш юзасидан ҳар бир саноат корхонаси бўйича комплекс чора-тадбирларни кўзда тутадиган дастур ишлаб чиқиш лозим.

Иккинчидан. Мамлакатимиз корхоналарида қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш даражасини танқидий таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш бўйича мавжуд ресурс ва имкониятларни аниқлаш ҳамда саноатнинг қайта ишлаш тармокларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, бунинг учун кўшимча имтиёзларни кўзда тутадиган маҳсус қарор қабул қилиш керак.

Бу борада, биринчи навбатда, маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тизимини янада ривожлантиришга оид ишларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Учинчидан. Бугунги кескин рақобат шароитида маҳсулотларимизнинг жаҳон ва минтақавий бозорларда харидоргир бўлиши ва мустаҳкам ўрин эталлаши учун бу борадаги ишларни яна бир бор танқидий кўриб чиқиш лозим. Бунда ташқи бозорда харидорбоп, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни рағбатлантиришни янада кучайтириш, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тайёрлаш зарур.

Тұрткынчидан. Мамлакатимиздаги рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари ва бошқа тармоқларнинг экспорт ярмаркалари ўтказишини кенгайтириш, шунингдек, маҳсулот сотишнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланиш, асосий ишлаб чиқарувчиларимизни ўз маҳсулотлари тақдимотини ўтказиш ва янги экспорт шартномалари тузиши учун нуфузли халқаро ярмаркаларга жалб этиш бўйича алоҳида Ҳукумат қарорини қабул қилиш лозим.

Таркибий янгиланишдаги алоҳида эътиборни талаб этадиган навбатдаги муҳим масала, бу — хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат.

Хизматлар ва сервис соҳасининг жорий йилда кескин ўсиши, аввало, қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳалари-

да, аҳолига тиббий ва коммунал-маиший хизматлар күрсатишида, айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш учун ҳали-бери фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжудлигини күрсатмоқда. Хизматлар соҳасининг ривожланиши, күрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бўйича биз иқтисодий ривожланган мамлакатлардан ҳамон жиддий орқада қолмоқдамиз.

Энг муҳими, шуни унутмаслик керакки, катта капитал қўйилмалар талаб қилмайдиган бу соҳа иқтисодиётнинг юксалишига, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ортишига сезиларли даражада ижобий таъсир күрсатади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда хизмат күрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012 — 2016 йилларга мўлжалланган дастур лойиҳасини тасдиқлаш учун киритиши, бунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида бу соҳанинг улуши 54—56 фоизга етказилишини назарда тутиш даркор.

2012 йилда энг муҳим устувор вазифалардан бири транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришини таъминлашдан иборат бўлиб қолади.

Транспорт-коммуникация тармоқларининг инсон танасини қон билан таъминлайдиган ҳаётбахш томирларга ухшатилиши бежиз эмас, албатта.

Бугунги кунда юксак тараққий топган замонавий мамлакатни иқтисодиёт ривожини шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг ҳаётий фаолиятини таъминлайдиган магистрал коммуникацияларнинг кенг тармоғисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Барчамиз, аввало, вилоят ва ҳудудий тузилмалар раҳбарлари транспорт ва коммуникация, биринчи навбатда, йўл қурилиши соҳаси, шунингдек, ижтимоий ва ободонлаштириш ишлари кўп меҳнат талаб этадиган ва айни вақтда яхши ҳақ тўланадиган, аҳолини иш билан таъминлаш имконини берадиган тармоқлар эканини доимо ёдимизда тутишимиз зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли равишда боғлайдиган, миңтақавий ва жаҳон бозорларига чиқишини таъминлайдиган Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирадиган йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини жадал амалга ошириш биз учун фоят муҳим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда 2012 йилда 517 километрлик автомобиль йўллари, иккита йирик транспорт боғламаси, 544 погон-метр кўприк ва йўл ўтказгичларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун Республика йўл жамғармасидан 360 миллион АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги, ўтган йилга нисбатан

12,5 фоиз кўп маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда.

Ўзбек миллий автомагистралини модернизация қилиш нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун улкан стратегик аҳамиятга эга эканини инобатга олған ҳолда, ушбу лойиҳани амалга оширишда Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Араб Мувофиқлаштириш гурӯҳи аъзолари сингари халқаро молия тузилмалари фаол иштирок этмоқда.

Мазкур ташкилотлар томонидан 742 километрлик автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, йўл қурилиши бўйича замонавий техника сотиб олиш учун 1 миллиард 400 миллион долларга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди.

Фақат 2012 йилнинг ўзида ушбу мақсадлар учун 109 миллион доллар миқдоридаги маблағни ўзлаштириш, 165 километр цемент-бетон қопламали йўлларни фойдаланишга топшириш, жумладан, Қамчиқ довони орқали ўтадиган йўлни реконструкция қилиш мўлжалланмоқда.

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси, Республика йўл жамғармаси, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ажратилаётган маблағларни самарали ўзлаштириш ҳамда авто-

мобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш юзасидан белгиланган кўрсаткичларни сўзсиз бажариш бўйича амалий чоралар кўриш вазифаси топширилади.

Темир йўллар коммуникацияларини янада ривожлантириш, Мароқанд — Қарши ва Қарши — Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш бўйича лойиҳалар амалга оширилишини жадаллаштириш зарур. Шу билан бирга, Тошкент — Самарқанд темир йўл линияси участкасида ободонлаштириш ишларини давом эттириш ҳамда юқори тезликда ҳаракатланадиган йўловчи поездларнинг ишончли ва хавфсиз қатновини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш даркор. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур ишларни амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлатиши, уларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаши лозим.

Вазирлар Маҳкамаси «Навоий халқаро интермодал логистика маркази»ни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини, халқаро юклар транзит ҳажмини кўпайтириш, парвозлар географиясини янада кенгайтириш, аэропорт инфратузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, «Ангрен логистика маркази»ни модернизация қилиш, ривожланти-

риш ва жиҳозлаш ишларини қатъий назоратга олиши зарур.

Телекоммуникация тармоғи күламини кенгайтириш, уни ривожлантириш ва модернизация қилиш учун қўшимча ресурсларни жалб этиш лозим. Жорий йилда узунлиги 172 километрдан ортиқ бўлган Ургут — Шаҳрисабз ва Бойсун — Денов оптик толали алоқа линияси қурилишини амалга ошириш мўлжалланмоқда. Айни вақтда 89 та янги база станцияларини барпо этиш ҳисобидан симсиз алоқа зонасини кенгайтириш, Фарфона, Навоий, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида телеузатгичлар ўрнатиш орқали рақамли телевидениега босқичма-босқич ўтиш ва бошқа ишларни бажариш шу борадаги вазифаларимиз қаторига киради.

Телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ишларига 2012 йилда 176 миллион доллардан ортиқ ҳажмдаги инвестицияларни йўналтириш режалаштирилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси ҳар ойда тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳудудий бошқарув органлари раҳбарлари иштирокида 2011—2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилиши ривожланишини жадаллаштириш тўғрисидаги дастур-

га мувофиқ кўзда тутилган лойиҳаларнинг ижросини кўриб чиқиши лозим. Бунда ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилишини жадаллаштиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини таъминлаш даркор.

2012 йилда ва ундан кейинги йилларда диққатимиз марказида туриши лозим бўлган устувор вазифалар ҳақида сўз борар экан, Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жойларни қуриш бўйича дастурни амалга ошириш масалаларига алоҳида тўхтамоқчиман.

Қишлоқ жойларда хусусий уй-жойларни қуриш бўйича кенг кўламли дастур амалга оширила бошлаганидан буён, яъни сўнгти икки йил давомида 15 мингдан зиёд оила ҳар томонлама қулай янги уй-жойларга эга бўлди.

Фақат ўтган йилнинг ўзида намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метрга teng бўлган 7 минг 400 та хусусий уй-жой қуриб битказилди. Бу мақсад учун 576 миллиард сўмликдан ортиқ инвестициялар ўналтирилди, уларнинг 63 фоиздан зиёдини марказлаштирилган манбалар ва «Қишлоқ қурилиш банк» маблағлари ташкил этади.

Жорий йилда умумий тураржой майдони 1 миллион 200 минг квадрат метрдан ортиқ бўлган 8 минг 510 та якка тартибдаги уй-жой

қурилиши режалаштирилган, бу эса ўтган йилга нисбатан 15 фоиз қўпдир.

Шу билан бирга, давлат маблағлари, такрор айтаман — бюджет маблағлари ҳисобидан тураржой посёлкаларини қуриш бўйича олдиндан тасдиқланган комплекс режаларга мувофиқ 425 километрдан зиёд водопровод тармоғи, қарийб 260 километр электр линиялари, 375 километр газ тармоқлари ва 306 километр ички йўллар қурилиши режалаштирилган.

Ижтимоий инфратузилма обьектларини барпо этиш ҳисобидан комплекс қурилиш жойларида 26 та қишлоқ врачлик пункти, 10 та умумтаълим мактаби ва 680 тадан зиёд хизмат кўрсатиш ва сервис обьекти фойдаланишга топширилади.

Ушбу мақсадларда йил давомида қарийб 810 миллиард сўмлик капитал қўйилмаларни ўзлаштириш режалаштирилмоқда. Умуман айтганда, Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантиришнинг 2015 йилгача мўлжалланган тасдиқланган дастурини амалга ошириш ишларига 2 миллиард 200 миллион АҚШ доллари қийматидаги маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бу Дастурнинг амалга оширилишида Осиё тараққиёт банки фаол иштирок этмоқда. Мазкур банк қишлоқда якка тартибдаги уй-жойлар қурилишига 500 миллион доллар миқдорида, жумладан, 2012

йилда 160 миллион доллар инвестиция киритишни режалаштироқда.

Шу борада масаланинг яна бир жиҳатига эътиборингизни қаратмоқчиман. «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан унинг ўз маблаглари ва Осиё тараққиёт банкининг заём маблағлари ҳисобидан намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойларни қуриш учун кредитлар қишлоқ аҳолисига имтиёзли шартларда, 15 йил муддатга йиллик 7 фоизли ставка бўйича берилмоқда. Бу эса тижорат банкларининг ипотека кредитлари ставкасидан қарийб икки баробар паст бўлиб, моҳият эътибори билан қишлоқда яшаётган оиласарга катта имтиёз ва имконият яратиб беришга қаратилгандир.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Қишлоқ қурилиш банк» шу йил февраль ойининг охиригача қишлоқ жойлардаги якка тартибдаги туаржой массивларида уй-жойлар, ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини молиялашни ва уларнинг қурилиши бошланишини таъминласин.

Ҳеч кимга сир эмас, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари, аввало, демографик жиҳатла-

рига кўра, аҳоли бандлиги масалалари ўзининг долзарблиги ва ўткирлигини сақлаб қолмоқда, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан маъқулланган 2012 йилда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури барчамизнинг, аввалио, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг диққат марказида туриши зарур. Ушбу дастурга биноан 967 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш, уларнинг қарийб 600 мингини қишлоқ жойларда ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳисобидан 480 мингдан зиёд кишини ишга жойлаштириш, биринчи навбатда, корхоналар билан ҳамкорликда меҳнат шартномалари асосида касаначиликнинг турли шаклларини, шунингдек, оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш орқали 210 мингдан ортиқ кишининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктузилмани, транспорт ва коммуникациялар қурилишини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларининг кўламини кенгайтириш ҳисобидан 2012 йилда қарийб 75 мингта янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Шу борада биз учун ўта мұхим, айтиш мүмкінки, ҳал қылувчи ақамиятга әга бўлган яна бир масалага тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан. Касб-хунар колледжлари ва академик лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи барчамизнинг жиддий ва доимий эътиборимиз марказида туриши зарур.

Бу йил юртимизда 516 минг нафардан зиёд йигит-қиз колледж ва лицейларни тамомлайди. Уларнинг қаерга ишга жойлашишини ҳозирданоқ аниқ белгилаб олиш, корхоналар билан ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва ундан сўнг ишга қабул қилиш бўйича шартномаларнинг ўз вақтида тузилишини таъминлаш — бундай масалаларни алоҳида назоратга олиш лозим.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Мөхнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари манфаатдор корхоналар ва идоралар билан биргаликда касб-хунар колледжлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш юзасидан чора-тадбирлар мажмuinи бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва уни шу йилнинг 1 июнигача амалга оширсин.

Фурсатдан фойдаланиб, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларини, айниқса, Қорақалпоғис-

тон Республикаси Вазирлар Кенгашини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини бу борадаги ишлар қандай йўлга қўйилгани ва қандай бажарилаётганига қараб уларнинг фаолиятига баҳо берилиши ҳақида алоҳида огоҳлантириб қўймоқчиман.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Биз 2012 йилни юртимизда «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилдик.

Жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожланиши, бугунги кунда ёш оиласаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариш, бу борада маҳалланинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, хотин-қизлар, опа-сингилларимиз учун янада кенг имкониятлар яратиш, жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялаш каби ўз олдимизга қўйган бошқа муҳим мақсадлар барчамизга яхши маълум.

Бу ўринда гап айнан шулар ҳисобидан пировард натижада оила фаровонлигини ва шу асосда бутун халқимиз фаровонлигини янада ошириш ҳақида бормоқда.

Шу кунларда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва ҳаётга жорий этиш бўйича Давлат дастурини ишлаб чиқиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Дастлабки маълумотларга кўра, мазкур дастурни амалга ошириш учун 2012 йилда молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан қарийб 4 триллион 400 миллиард сўм ва 370 миллион доллардан ортиқ маблағ йўналтирилиши режалаштирилмоқда.

Бу маблағнинг 60 фоизга яқинини давлат маблаглари, 25 фоизини тижорат банклари кредитлари, қарийб 15 фоизини масъул ижрочиларнинг ўз маблаглари ҳамда 360 миллион доллардан ортигини халқаро институтлар ва донор мамлакатлар маблағлари ташкил этади.

Ҳеч шубҳасиз, бундай кенг кўламда ажратиляётган маблағлар, аввало, шу саҳоватли Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар қайси оиласа кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик, кўмак ва ёрдам белгиси ва тимсоли, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз дўстлар!

Ўтган 2011 йилнинг асосий яқунлари ва мамлакатимизнинг 2012 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг муҳим аҳамиятга эга бўлган устувор йўналишлари ана шулардан иборат.

Ушбу дастурда белгиланган улкан вазифаларни амалга ошириш, энг аввало, барчамиздан бутун салоҳиятимиз, билим ва тажрибамизни, бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишни, ҳар биримиздан зиммамиздаги масъулиятни

чукур ҳис этган ҳолда, самарали меҳнат қилиши-
ни талаб этади.

Олдимиизда турган ана шундай юксак ва эзгу
мақсадларга эришишда барчангизга чин қалбим-
дан соғлик-саломатлик, янги омадлар тилайман.

*2012 йилда Ўзбекистонни
ижтимоий-икътисодий ривожлантиришининг
энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган
Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза,
2012 йил 19 январь*

РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИФИЛИШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Сиз азизларни ва сизларнинг сиймонгизда кўп миллатли бутун мамлакатимиз халқини Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Биз ушбу қутлуг санани Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллик байрами шукуҳи қалблари мизда давом этаётган шу ёруғ кунларда нишонлаётганимизнинг теран рамзий маъноси бор, албатта. Бу тарихий сана тимсолида биз, энг аввало, мустақил тараққиётимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда миллатлар аро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга қандай муҳим аҳамият бериб келинаётганининг яққол далолатини кўрамиз.

Юртимизда бу айёмни кенг нишонлар эканмиз, ҳаммамиз, Ўзбекистонда истиқомат қила-

ётган барча миллат ва элат вакиллари Ватанимизнинг неча минг йиллик қадимий тарихи давомида мана шу саховатли ва ҳамиша меҳмондуст заминда турли маданият ва цивилизацияга мансуб бўлган инсонлар ўзаро тинч-тотув яшаб келганини юксак қадрлаймиз. Айни шундай маънавий муҳит ўзининг бағрикенглиги, меҳр-оқибатлилиги, тинчликсеварлиги ва қалб саховати билан ажралиб турадиган халқимизнинг ўзига хос менталитети шаклланишида муҳим омил бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

Ана шундай миллий ранг-баранглик ва шу билан бирга, ягона халққа хос бирлик туйғуси — бу нафақат ноёб хусусият, балки ҳар биримиз учун ҳаётбахш таъсирини ва барчамизни ўзаро бойитишдаги аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган улкан қадриятдир.

Шу маънода, бизнинг энг катта бойлигимиз, энг асосий ютуғимиз — бу, аввало, Ватанимиз осмонининг мусаффолиги, жамиятимизда ҳукм суроётган миллатлар ва фуқаролараро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, дўстлик ва бирдамлик муҳитидир, десам, ишончим комилкӣ, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда этник ўзига хослиги, тили, урф-одат ва анъаналарини ҳар томонлама ривожлантириш ва ўзаро бойитиш бўйича тенг хуқуқ ва имкониятларга эга бўлган

130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ягона оила бўлиб, дўстлик ва иноқликда ҳаёт кечирмоқда. Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, Ватанимизни янада равнақ топтириш, унинг халқаро майдондаги обру-эътиборини ошириш мақсадида барча соҳаларда кенг кўламли ўзгаришларни амалга ошириш йўлида улар ўзларининг фидокорона меҳнати билан муносиб ҳисса қўшаётганини биз юксак қадрлаймиз.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни ривожлантириш учун барча ҳуқуқий асослар ва зарур шарт-шароитлар яратилди. Бағрикентлик маданиятини тарбиялаш ва янада мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда миллий маданий ранг-баранглик ҳаётимизнинг ажралмас қисми сифатида қаралиб, барқарорликни таъминлаш омили бўлиб хизмат қилаётгани ва жамиятимизнинг демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан илгарилаб боришида муҳим роль ўйнаётгани, биз Ўзбекистон деб атайдиган умумий уйимизда турли миллий маданиятларнинг бетакрор ва бой уйғунлигини шакллантираётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Бугунги қутлуг айёмда барча миллий маданий марказларнинг раҳбарлари ва фаолларига муқад-

дас заминимизда тинчлик ва фаровонликни сақлаш, фарзандларимиз ва набираларимизнинг келажаги, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, инсонпарварлик ва меҳр-оқибат муҳитини яна-да мустаҳкамлаш йўлидаги беғараз ва олижаноб меҳнатлари учун ўзимнинг чуқур ва самимий ҳурмат-эҳтиромимни билдираман. Ўтган 20 йил мобайнида чинакам дўстлик масканига айланган Республика байналмилал маданият марказининг кўп қиррали фаолияти ана шундай юксак мақсад ва вазифаларнинг амалий намоёни бўлиб келаётгани ҳаммамизни, албатта, хурсанд қилади.

Қадрли дўстлар, барчангизга чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ, баҳту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман, Ўзбекистонда яшаётган миллат ва элат вакилларининг бугунги ҳаёти ва келажаги йўлидаги олижаноб ва фоят масъулиятли фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар ёр бўлсин.

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АВИАКОМПАНИЯ ЖАМОАСИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли дўстлар!

Барчангизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуг сана — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ташкил этилганининг 20 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистон фуқаро авиацияси ўзининг йигирма йиллик фаолияти давомида замонавий авиакомпания сифатида тикланиш ва шаклланишнинг улкан, мураккаб йўлини босиб ўтди ва бу гунги кунда юртимизнинг кўплаб хорижий давлатлар билан самарали ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Мамлакатимиз фуқаро авиациясини ривожлантириш бўйича чукур ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган стратегиянинг амалга оширилиши, жамоанинг юксак касб маҳорати Миллий авиакомпаниямизнинг халқаро авиааташувлар ва техник хизмат кўрсатиш тизимидан муносиб ўрин

эгаллашида муҳим омил бўлди. Авиация хавфсизлиги ва парвозларни сифатли амалга оширишни таъминлаш, авиация техникасиға хизмат кўрсатишида энг илфор технологияларни кенг кўллаш, шунингдек, малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида эришилган юксак натижалар нуфузли халқаро авиация ташкилотлари томонидан бир неча бор тақдирлангани, айниқса, қувончлидир.

Ҳозирги кунда замонавий ҳаво кемалари билан таъминланган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» дунёning 25 дан ортиқ мамлакатига парвозларни амалга оширмоқда, йилига қарийб 75 минг транзит йўналишнинг ҳаво ҳаракатини бошқармоқда, шунингдек, авиакомпаниямиз таркибида фаолият кўрсатаётган, сўнгги авлод авиация техникасиға техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган марказнинг хизматларидан кенг фойдаланаётган 320 та хорижий авиакомпания самолётларига аэронавигация хизмати кўрсатмоқда.

Мамлакатимизнинг барча аэропортлари жаҳон андозалари даражасида модернизация қилинди. Фақат 2011 йилнинг ўзида 2 миллион 300 минг нафар йўловчи ва салкам 50 минг тонна юк белгиланган манзилларга етказилгани Миллий авиакомпаниямиз қўлга киритаётган ютуқлардан яққол далолат беради.

«Навоий» халқаро аэропорти негизида ташкил этилган ва замонавий аэронавигация ускуналари билан жиҳозланган Халқаро интермодаль логистика маркази, об-ҳаво шароити қандай бўлишидан қатъи назар, барча турдаги авиалайнерларни қабул қилиш имконига эгадир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ўтган йиллар давомида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг кўп миллатли жамоаси шаклланди ва камолга етди. Бу жамоанинг фидокорона меҳнати, билим ва тажрибаси юртимизда ҳақли равишда юксак эътироф ва ҳурматга сазовор бўлмоқда, мамлакатимиз фуқаро авиасининг янада равнақ топишида ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Азиз дўстлар!

Барчангизни Миллий авиакомпаниямиз ташкил этилганининг 20 йиллиги билан яна бир бор табриклаб, ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга, сизларга ва оиласарингизга сиҳат-саломатлик, баҳту саодат, олижаноб ва фидокорона меҳнатингизда янги-янги муваффакиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Мусаффо осмон ва баҳтли парвозлар ҳамиша сизларга ёр бўлсин.

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

БАРКАМОЛ АВЛОД — МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Президент Ислом Каримов раислигида 10 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириши жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йигилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатнинг қудратини белгилайдиган омиллар кўп. Бироқ уларнинг энг асосийларидан бири шу юртда вояга етаётган юксак маънавиятли, жисмонан соғлом, ҳар томонлама барқамол авлодdir. Зеро, эл-юртнинг келажаги бугун камолга етаётган ёшлар қўлида. «Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улфайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир», деб таъкидлайди Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида.

Ана шу эзгу мақсадларни амалга ошириш мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлидаги дав-

лат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан этиб белгиланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ёш авлодни юксак интеллектуал салоҳиятли, замонавий билим ва тафаккурга эга, айни пайтда соғлом турмуш тарзига риоя қила-диган, жисмонан соглом, руҳан тетик инсонлар этиб вояга етказишнинг самарали тизими ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бу жараёнда ўғил-қизларимизни жисмонан соғлом, кучли иродада ва юксак интеллектуал салоҳиятга эга инсонлар этиб тарбиялашнинг бош омили, ўзбек спортиning келажаги, халқаро майдондаги обру-эътибори-ни юксалтиришнинг асоси бўлган болалар спортини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланди.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, ёшлар ўртасида спортни омма-лаштириш, болалар спортини ривожлантиришнинг ноёб тизимиға асос солинди. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 29 авгуустдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари болалар спортини ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ислом Каримов Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён үтган даврда бу соҳада мамлакатимизда катта тажриба тўпланганини алоҳида қайд этди. Бугун юртимизда соглом ва баркамол авлод вояга етагетгани, ўз истеъдоди ва маҳорати билан жаҳон ареналарида улкан муваффақиятларни кўлга киритаётган кўплаб ёш спортчилар етишиб чиқаётгани спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасидир.

— Биз мазкур жамғарма орқали, аввало, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек олижаноб мақсадларни кўзлаганмиз, — деди давлатимиз раҳбари. — Чунки бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, энг муқаддас мақсад деб билган мамлакатгина халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллай олади.

Мажлисда Ҳомийлик кенгашининг 2011 йил 25 февралда бўлиб үтган йиғилишида белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси атрофлича таҳлил этилди. Болалар спорти иншоотлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, қизларни спорт билан

мунтазам шуғулланишга кенг жалб қилиш, болалар спорти объектлари ва спорт залларини зарур спорт аңжомлари ва инвентарлари билан жиҳозлаш бўйича ўтган йил давомида амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шаҳар ва қишлоқларимизда болалар спортини янада ривожлантириш мақсадида ўнлаб замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этилди. 2011 йилда манзилли қурилиш дастурида болалар спорти объектлари, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича белгиланган топшириқлар тўла бажарилди. 214 та объект, жумладан, 130 та спорт иншооти, 19 та сузиш ҳавзаси ва 65 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Мамлакатимизда ҳар йили турли соҳаларда юзлаб янгидан-янги объектлар бунёд этилмоқда, аммо фарзандларимиз келажагига, уларнинг баркамол улгайишига хизмат қиласиган болалар спорти объектларини қуриш мазмун-моҳиятига кўра — алоҳида масала. Чунки бу ерда фарзанднинг спорт билан шуғулланиб, ҳар томонлама соғлом улгаяётгани, фикрлаши, ақлий салоҳияти, жисмоний имконияти ошиб бораётганини кўрган ота-она борки, ўзини баҳтли ҳис этади, ҳаётидан рози бўлиб яшайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Мазкур жамгарма тузилгандан буён 1400 дан зиёд замонавий болалар спорти обьекти фойдаланишга топширилди. Бу эзгу ишга юртимиздаги қатор компания ва ташкилотлар, корхоналар ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Йигилишда «Ўзбекнефтгаз», «Ўзбекистон темир йўллари», «Ўзавтосаноат» компаниялари, Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асакабанк» каби жамгармага ҳомийлик қилишда жонбозлик кўрсатаётган ташкилотлар номи алоҳида таъкидланди.

Аниқ мақсадга йўналтирилган бу эзгу саъиҳаракатлар натижасида мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўкувчилар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 2011 йилда 34,9 фоизгача, жумладан, қиз болалар ўртасида 24,1 фоиздан 31,4 фоизгача ошди.

Бугун республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этаётган ўғил ва қизларнинг сафи тобора кенгаймоқда, улар томонидан қўлга киритилган совринлар миқдори, айниқса, сўнгги йилларда сезиларли даражада кўпайди. Жаҳоннинг энг йирик ва нуфузли спорт мусобақаларида Ўзбекистон вакиллари кенг ва фаол иштирок этмоқда. Бир пайтлар юртимиз спортчилари факат орзу қилган Олимпиада мусобақалари, жа-

жон ва қитъа чемпионатларида бугун истиқлол фарзандлари — ёш спортчиларимиз совринли ўринларни қўлга киритаётир.

Халқаро мусобақаларда спортчиларимиз 2008 йилда 103 та медалга (51 та олтин) лойиқ топилган бўлса, 2011 йилда 182 та медаль (60 та олтин) жамгарди. Сув спорти турлари билан шуғулланадиган ёшларимиз энг қўп медаль олгани алоҳида эътиборга сазовор. Масалан, қорақалпоғистонлик Абубакир Узақбаев Сингапурда академик эшкак эшиш бўйича ўтказилган Осиё кубоги мусобақасида олтин медални қўлга киритди.

Мексикада бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ёш футболчиларимиз кўрсатган натижа ҳам таҳсинга лойиқdir. Ўсмирлар терма жамоамиз дунёning энг кучли 24 терма жамоаси қаторида иштирок этиб, Ўзбекистон шарафини муносаб ҳимоя қилди. Шунингдек, 2011 йилда моҳир спортчимиз Ришод Собиров Париж шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича жаҳон чемпионатида олтин медалга — иккинчи бор жаҳон чемпионлигига эришгани, Қаршининг «Насаф» жамоаси Осиё футбол конфедерацияси кубогини қўлга киритгани бугун ўзбек спортининг нақадар ривожланиб, юксалиб бораётганидан далолатдир.

Ўзбекистон кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларга мезбонлик қилмоқда. Ўтган йили Тош-

кентда бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва «Happy Caravan» халқаро турнири муваффақиятли ўтказилди. Тошкентда шахмат бўйича икки жаҳон чемпиони — ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов ва ҳиндистонлик Вишванатан Ананднинг ўртоқлик учрашуви юксак савияда ташкил этилди. Мазкур учрашув доирасида Вишванатан Ананд ёш шахматчиларимиз билан семинар-тренинг ўтказди ҳамда уларнинг истеъдод ва маҳоратини эътироф этди.

Давлатимиз раҳбари спорт бугун юртимиз таълим-тарбия тизимининг узвий қисмига айланганини алоҳида қайд этди. Спортни таълим-тарбия билан мутаносиб равиша изчил ривожлантириш — бу биз танлаган йўлнинг ажралмас қисмидир.

Ёшлиаримиз орасида сузиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, академик эшкак эшиш, дзюдо, бадиий гимнастика, футбол, мини-футбол, стол тениси, кураш, юонон-рум кураши, бокс, енгил атлетика сингари спорт турларига қизиқиш тобора ортмоқда.

Қизларни спортга жалб этиш, уларнинг оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш болалар спортини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидандир. Президентимиз ташабbusи билан ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган «Софлом она —

соғлом бола» мақсадли дастурини амалга оширишда қызларни спортта жалб этиш масаласи алоҳида ўрин тутади. 2011 йили Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзуидаги халқаро симпозиумда Ўзбекистонда саломатликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутадиган спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаётгани Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланди.

Спортнинг нафис тури — бадиий гимнастика ва спорт гимнастикаси жадал ривожланмоқда. Қызларнинг спорт билан шуғулланиши учун, айниқса, қишлоқларда тегишли шарт-шароит яратиш мақсадида бадиий гимнастикага мўлжалланган ўнлаб янги спорт мажмуалари бунёд этилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотларида бадиий гимнастика секциялари ҳамда клублари фаолияти йўлга кўйилди.

Қызларни спортта жалб этишда Ҳоразм, Бухоро, Андижон вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридаги кўрсаткичлар эътиборга моликдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 1 апрелда қабул қилинган «Қишлоқ жойлардаги болалар

спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги қизларни спорт билан шуғуланишга фаол жалб этиш, болалар спорти объектлари учун юқори малакали, профессионал аёл устоз кадрларни тайёрлаш, уларнинг меҳнатини моддий рагбатлантиришда муҳим омил бўлаётир.

Спорт объектларини мураббий кадрлар, айниқса, мураббиялар билан тўлдиришга қаратилган ушбу амалий саъй-ҳаракатлар натижасида аёл спорт устозлари ўтган йилнинг ўзида 1,6 баробардан кўпроқ ошди.

Қизларининг спорт билан шуғуланиши уларнинг нафақат саломатлигига, айни пайтда қаддиқомати тўғри шаклланишига, юриш-туришида нақадар муҳим аҳамият қасб этажтанини бугун ота-оналарнинг ўзлари қувонч билан таъкидлашмоқда. Қизларимизнинг мана шундай соғлом бўлиб улгайиши эртанги кунимизнинг, дунёга келадиган баркамол авлоднинг муҳим омилларидандир, деди Ислом Каримов.

Президентимизнинг ташаббуси билан ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт ўйинлари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада Ўзбекистон байробини баланд кўтаратидиган, юрт шаъни, халқ фурури учун ку-

рашадиган маҳоратли спортчиларни тарбиялашда ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда. Ҳар йили мазкур мусобақаларда кашф этилаётган юзлаб ёш спортчилар халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаёттир.

Спорт ёшларимиз ҳаётига тобора чуқур кириб бораётгани, минглаб йигит-қизлар спорт билан шуғулланишни кундалик вазифасига айлантиргани уларнинг жисмоний ҳолатига, саломатлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, 2005—2011 йилларда мутлақ соглом болалар сони мамлакат бўйича 52,7 фоиздан 62,9 фоизгacha ўсди, сурункали касалликларга чалинган болалар сони эса кескин камайди. Ўфил ва қиз болаларнинг ўртача бўйи ва вазни ошмоқда. Ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар орасида хизматга лойиқ деб топилганлар сезиларли даражада ортгани ҳам бу борадаги ишларнинг амалий натижасидир.

2011 йилда «Болаларни асройлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта фамхўрлик кўрсатаётган энг илфор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилгани юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги амалий саъй-ҳаракатларнинг яна бир халқаро эътирофи бўлди.

— Болаларни 3—5 ёшдан спортга жалб этиш катта аҳамиятга эга, — деди Ислом Каримов. — Чунки айни шу даврда ҳар бир боланинг характери шаклана бошлайди, ҳаётга теран кўз билан қарашга ўрганади. Спортга меҳр кўйган бола бир умр спортга ошно бўлиб қолади. Спорт боланинг нафақат саломатлигини мустаҳкамлайди, балки заарли иллатлардан уни ҳимоялайди, характеристерини тоблади.

Юртимизда ўтган йилларда спорт мажмуалиари бунёд этиш борасида улкан тажриба тўпланди. Бугун энг чекка ҳудудларда қад ростлаётган спорт иншоотлари ҳам халқаро талабларга тўла жавоб беради. Спорт мажмуаларининг деярли барчаси юртимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари билан жиҳозланмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда қарийб 30 та замонавий корхонада спорт товарлари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш натижасида болалар спорти иншоотларини жиҳозлашда ишлатиладиган 120 турдаги спорт ускуна ва анжомларининг 113 тасини мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Президентимиз спорт анжомларини ўзимизда ишлаб чиқаришни ўзлаштириш билан бирга, уларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратиш, кўриниши болаларни ўзига тортадиган, қулай ва

хорижникидан қолишмайдиган спорт инвентарлари ишлаб чиқаришни күпайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда болалар спорт иншоотларини қуриш, уларни жиҳозлаш борасида йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳам кўрсатилиб, уларни бартараф этиш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг истиқболдаги фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари Р. Азимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А. Очилов, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни саклаш вазири А. Икромов, Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринbosари Ж. Акромов, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЮҚСАК САЛОҲИЯТЛИ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ — ЭНГ МУҚАДДАС МАҚСАД

Ҳурматли конференция қатнашчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, муҳтарам конференция иштирокчилари-ни, биринчи навбатда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки намояндалари бўлган азиз меҳмонларимизни, дунёning турли қитъаларидағи 40 дан зиёд мамлакатдан ташриф бу юрган вакилларни қутлаш ва барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни ва ушбу анжуманда қатнашаётганингиз учун самимий миннатдорлигимни билдириш менга катта мамнуният багишлади.

Бизнинг миңтақамизда иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-куватлашга улкан ҳисса қўшиб келаётгани учун мазкур конференцияни ўтказиш ташаббускорларидан бири бўлган Осиё тараққиёт банки прези-

денти Харухико Курода жанобларига алоҳида ташаккур изҳор этмоқчиман.

Ўйлайманки, конференция иштирокчилари ушбу форумнинг бош мавзуси, яъни таълим тизимини ислоҳ этиш масалалари — замонавий давлатнинг изчил ва барқарор тараққиёти, аввалимбор, унинг иқтисодий ривожланиши йўлидаги муаммоларни ечиш билан бевосита bogлиқ ҳолда кўрилаётганига эътибор қаратган бўлсалар керак.

Сир эмаски, бу мавзу биз бошимиздан кечираётган ҳозирги кунларда, дунёдаги деярли мутлақ кўпчилик давлатлар 2008 йилда бошланган, глобал миқёсдаги янги рецессия тўлқинларини келтириб чиқариш хавфини туғдираётган жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг салбий таъсири остида қолиб келаётган бир пайтда алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда, умумий эътирофга кўра, XXI аср глобаллашув ва чегараларнинг барҳам топиш даври, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет асли, жаҳон майдонида ва дунё бозорида тобора кучайиб бораётган рақобат асрига айланиб бораётганини исботлаб беришга ҳожат йўқ, албатта.

Бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўшини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт,

модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Бутун дунёда кўзга кўринган олим ва мутахассислар, жаҳондаги машҳур ўқув юртлари, нуфузли халқаро тузилмаларнинг раҳбарлари ва вакиллари иштирокида Ўзбекистонда шаклланган таълим тизимини ислоҳ этиш модели ва уни амалга ошириш бўйича тўпланган тажрибанинг муҳокама қилиниши биз учун юксак шарафдир.

Аввало шуни таъкидлаш зарурки, бундан 15 йил олдин қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатимиизда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг биз танлаган «ўзбек модели» — ўз тараққиёт йўлимизнинг ажралмас таркибий қисмидир.

Ушбу дастур жиддий изланиш ва тадқиқотларнинг, жаҳондаги тараққий топган илфор мамлакатлар тажрибасини умумлаштиришнинг натижаси сифатида ўтмишда мажбуран сингдирил-

ган коммунистик мафкурунинг қолип ва андо-
заларидан бутунлай воз кечиши, одамларнинг,
биринчи навбатда, униб-ўсиб келаётган авлоднинг
онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш-
га қаратилган бўлиб, қисқача айтганда, бу дастур
ўз фикрига, ўзининг қарашлари ва қатъий граж-
данлик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама
етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллан-
тиришни мақсад қилиб қўйган.

Узоқ йиллар давомида вужудга келган эски
таълим тизимини тубдан қайта қурмасдан ва
ислоҳ этмасдан туриб бу мақсадга эришиш асло
мумкин эмас эди.

Агарки Ўзбекистонда аҳолининг қарийб 35
фоизини 16 ёшгacha бўлган болалар, 60 фоиздан
зиёдини эса 30 ёшгacha бўлган ёшлар ташкил эти-
шини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ислоҳотлар-
нинг роли ва аҳамияти ўз-ўзидан тушунарли ва
равshan бўлади.

Қабул қилинган дастурга мувофиқ, мамлака-
тимиизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий
мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди.
Юртимизда амалга оширилаётган моделнинг
принципиал хусусияти аввало шундаки, умум-
таълим мактабидаги 9 йиллик ўқишидан сўнг ўқув-
чилар кейинги 3 йил давомида ихтисослашти-
рилган касб-хунар колледжлари ва академик ли-
цейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири

умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2—3 та мутахассислик бўйича касб-хунарларни ҳам эгаллади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда 12 йиллик таълим барча учун мажбурий ва бепул экани қонунларимизда белгилаб қўйилган. Бу ўсиб келайётган янги авлодимиз 12 йиллик мажбурий таълим олиш билан бирга аниқ мутахассислик ва касб-хунарга эга бўлишини тақозо этади. Бу, айниқса, қизларимиз учун муҳимдир. Биз бунда ҳар қайси янги ташкил бўлаётган ёш оиласда аввало қизларнинг ўзи танлаган муайян мутахассисликка, касб-хунарга, ҳаётда ўзининг мустақил фикри ва қатъий позициясига эга бўлиши foят муҳим аҳамият касб этишини назарда турамиз. Шунинг учун ҳам барча зарур фанлар бўйича умумий таълим берадиган мактаблардаги 9 йиллик таҳсилдан кейин ёшларимиз, айниқса қизларимиз мажбурий тарзда касб-хунар колледжлари ва академик лицейларда ўқишни давом этириши, икки-учта замонавий мутахассислик бўйича касб-хунарларга эга бўлиши ўта муҳимдир.

Сизлар кеча ва бугун Тошкентда бўлиб турибсиз, эртага Самарқандга борасиз, кимдир Бухорони, кимдир Хивани — бизнинг ана шу қадимий шаҳарларимизни кўриш истагини билдириши мумкин. Сизлар бу шаҳарлардаги тарихий ва

маданий ёдгорликлар билан танишар экансиз, имкон топиб, олис туманларимиздаги колледжлар, лицей ва мактабларни ҳам бориб күришиңгизни истардим. Шунда сиз бу таълим масканлари мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳридаги ўқув муассасаларидан асло қолишмаслигига ишонч ҳосил қиласиз, деб ўйлайман.

Ўн икки йиллик мажбурий таълимдан сўнг юртимиздаги ёшларнинг ҳар бири, ўз хоҳишига кўра, бакалавр ва магистр даражасини олиш учун олий ўқув юртларида ўқишини давом эттириши мумкин.

Ўтган йиллар мобайнида таълим тизими니 тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш бўйича миқёси ва кўламига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Қарийб 9,5 минг ёки мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мактабларнинг деярли барчаси янгитдан қурилди, капитал реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланди. Ўқув жараёнини сифат ва методик жиҳатдан бутунлай янгилаш бўйича улкан чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда мактаб таълими 7 та тилда: ўзбек, қорақалпок, рус, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда 1500 дан ортиқ янги касбхунар колледжи ва академик лицей барпо этилди. Сиз, конференция қатнашчиларининг кўпчилиги

ушбу билим масканлари билан танишар экансиз, улар ўз меъморий қиёфаси ва техник таъминотига кўра энг яхши олий ўқув юртларидан асло қолишмаслигига ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Касб-ҳунар коллекларидаги замонавий ўқув-лаборатория, компьютер ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ўқувчилар учун умумий фанлар бўйича нафақат тўлиқ билимлар ҳажмини эгаллаш, айни вақтда ушбу ўқув юртларидаги замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш имконини ҳам беради.

Сизларнинг эътиборингизни масаланинг гоят муҳим бир жиҳатига қаратмоқчиман. Биз таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, айни пайтда чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим шарти ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият бермоқдамиз.

Таълим жараёнини ислоҳ этиш ва меҳнат бозорида талаб қилинадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртлари муҳим ўрин эгалламоқда. Ўтган давр мобайнида уларнинг сони икки баробар ортди ва бугунги кунда мамлака-

тимиздаги 59 та университет ва олий ўқув юртида 230 мингдан зиёд талаба таълим олмоқда.

Ўзбекистонда Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети каби юксак халқаро обру-эътибор ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу олий ўқув юртларида машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бизнес бошқаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳукуқи каби меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда ва биз учун ғоят муҳим жиҳати шундаки, уларнинг битириувчилари бутун дунёда тан олинадиган дипломларга эга бўлмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон Миллий университети ва Фанлар академияси томонидан Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юрти — Кембриж университети билан ҳамкорликда Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази ташкил этилмоқда. Марказнинг асосий вазифаси — иқтидорли талabalар, аспирант ва ёш олимларни кимё, физика, биология, биокимё, биофизика,

геология ва геодезия соҳаларида амалий инновацион илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда илмий ишланмаларни амалга оширишнинг замонавий методларига ўргатишдан иборат. Марказни энг замонавий асбоб-ускуналар билан тъминлаш кўзда тутилмоқда, у ерда Кембриж университетининг олим ва мутахассислари конкрет йўналишдаги тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида ёш олимларни тайёрлаб боради.

Шуни қайд этиш жоизки, айнан шу йўналиш, яъни қатор академик илмий муассасаларни университетлар ихтиёрига бериш ва ҳамкорликда фойдаланиладиган олий ўқув юртлариаро замонавий илмий лаборатория мажмуаларини тузиш ҳисобидан олий ўқув юртларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятга асосланган ўқув жараёнини интеграциялаштириш ҳозирги босқичда долзарб аҳамият касб этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда ёшларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш муҳим ўрин эгаллайди. Бюджет, ҳомийлик ва хайрия маблаглари ҳисобидан молиялаштириладиган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилгани айнан шундан далолат беради. Ўтган давр мобайнода ушбу фонд маблаглари ҳисобидан қарийб 1500 та энг замонавий, барча ёшлар

фойдаланиши мумкин бўлган болалар спорти обьекти барпо этилди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги деярли ҳар бир мактаб, коллеж ва лицей очиқ спорт майдончалари қаторида замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган ёпиқ спорт заллари ва сузиш ҳавзаларига эгадир.

Юртимизда уч босқичдан иборат, ҳар йили ўтказиладиган, мактаб ўқувчилари учун алоҳида, касб-хунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари учун алоҳида беллашувларни, олий ўқув юртлари талабалари учун Универсиадани ўз ичига олган яхлит спорт мусобақалари тизими шаклланган. Бундай тизим юз минглаб фарзандларимизни, йигит ва қизларни оммавий равишда жисмоний согломлаштириш ва спорт ҳаракатига жалб этиш имконини бермоқда.

Мутахассисларни тайёрлаш сифати ва уларнинг реал иқтисодиётда талаб этилиши масалалари бизнинг доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Дастур доирасида колледжлар, лицей ва олий ўқув юртлари учун ўқитувчилар ва домлалар таркибини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини қайта ташкил этиш, аввало, ўқув-услубий базани бутунлай қайта кўриб чиқиш ва замонавий талабларга жавоб берадиган янги стандартлар, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмаларни тасдиқлаш бўйича кенг миқёсдаги ишлар

**амалга оширилди. Айниқса, ўқитувчилар фаоли-
ятини баҳолаш ва рағбатлантириш мезонлари туб-
дан ўзғартирилганини алоҳида таъкидламоқчиман.**

Шу ўринда қуйидаги мисолларни келтириб ўтмоқчиман. Кейинги ўн йилда касб-хунар кол-
лежлари, лицей ва олий ўқув юртлари ўқитувчи-
лари иш ҳақининг ўсиш суръатлари иқтисодиёт-
нинг реал соҳасидаги иш ҳақи миқдоридан ўрта-
ча 1,5 баробар кўп ўсди. Бу рақам яна ва яна бир
бор шундан далолат берадики, биз ўқитувчилар
меҳнатини муносиб тарзда, айтиш мумкинки,
устувор даражада баҳоламасдан ва уларга шу асос-
да ҳақ тўламасдан туриб, бугунги натижаларга,
ўз олдимизга қўйган мақсадларга ҳеч қачон эри-
шолмаган бўлар эдик. Яна бир бор такрорлай-
ман: ўқитувчиларнинг меҳнат ҳақи кейинги ўн
йилда бутун иқтисодиётимизнинг бошқа соҳала-
ридагига қараганда 1,5 баробар кўп ошиди.

Умуман, Ўзбекистонда таълим соҳасини ри-
вожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаёт-
ган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг
10—12 фоизини ташкил этаётгани ва бу тизим-
нинг Давлат бюджети харажатларидаги улуши 35
фоиздан ортиқни ташкил этиши ўз-ўзидан маз-
кур соҳага қаратилаётган улкан эътиборнинг
яққол тасдиги ҳисобланади.

Менимча, дунёning бошқа давлатларида ялпи
ички маҳсулотнинг ўртacha 10—12 фоизини таш-

кил этадиган бундай кўрсаткични камдан-кам учратиш мумкин. Бу биз учун таълим жараёнларининг нақадар улкан устувор аҳамиятга эга эканини, мамлакатни ислоҳ қилиш ва Ўзбекистонда замонавий демократик давлат барпо этиш бўйича бошланган ишларнинг давомчиси буладиган, янги ғояларни дадил илгари сурадиган ёш авлодни тарбиялайдиган ўқитувчилар меҳнатига ҳурмат билан муносабатда бўлаётганимизни яна бир бор тасдиқлайди.

Мамлакатимизда 1996 йилда қабул қилинган қонунга кўра, ҳар йили 1 октябрь санаси **Ўқитувчилар ва мураббийлар куни** — умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келаётгани ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялашда педагоглар меҳнатининг роли ва аҳамияти жамоатчилигимиз томонидан юксак эътироф этилаётганинг ёрқин ифодаси бўлди.

Ишончим комил, Ўзбекистонда дунёдаги энг олижаноб ишга ўзини бағишлигар инсонлар учун қилинаётган барча ишлар ўзини тўла оқламоқда. Агарки биз ҳақиқатан ҳам муносиб авлодни тарбияламоқчи бўлсак, ёшларимизга таълим-тарбия берсаётган инсонларга муносиб тарзда муносабатда бўлишимиз лозимлигини ҳаммадан кўра яхшироқ тушунадиган сиз, муҳтарам анжуман иштирокчиларининг ҳузурингизда бу сўзларни айтиш менга айниқса мамнунийт бағишлиайди.

Шу ўринда таълимни ривожлантиришга йўналтирилган хорижий техник ёрдам ҳажмининг тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўтган даврда бу борадаги ёрдам 500 миллион доллардан ошиб кетди. Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, Осиё тараққиёт банкининг салкам 290 миллион доллар маблафи, Жанубий Корея ҳукуматининг 110 миллиондан ортиқ, Жаҳон банкининг 33 миллион, ОПЕК фонди, Саудия фонди, Ислом тараққиёт банкининг 42 миллион, Германия ҳукуматининг «КфВ» банки орқали йўналтирилган қарийб 20 миллион ва бошқа донорларнинг 100 миллион доллардан ортиқ ёрдамини қайд этиш лозим.

Мана шу юксак минбардан туриб, биз учун ўта муҳим бўлган ушбу вазифани ҳал этишда Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаб, бекиёс ёрдам кўрсатиб келаётгандари учун халқаро молия ташкилотлари ва банкларига, барча чет эллик шерикларимиз, хорижий мамлакатлар ҳукуматларига самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнунийят етказади.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Ўзбекистонда қабул қилинган Таълим соҳасини ислоҳ этиш ва малакали кадрлар тайёрлаш дастурини амалга ошириш бўйича ўтган даврда бажарилган ишларни бугун қандайдир ўлчов ва рақамлар билан баҳолаш жуда қийин,

десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга күшиласиз.

Шу билан бирга, бу ҳақда сўз юритар эканмиз, яна бир жиҳатни назарда тутишимиз лозим. Яъни, бизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган Дастур — бу бошқа моделларни қандайдир тақрорлаш ёки улардан нусха кўчириш эмас, аксинча, биринчи навбатда, ривожланган демократик давлатларда тўпланган тажрибани ўзида мужассам этган ва айни пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган дастурдир.

Бу борада яна шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, қадимий Ўзбекистон замини кўп асрлар давомида фан ва маърифат ўчоги, жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлиб келган, илму маърифатга интилиб яшаш эса халқимиз менталитетининг ажралмас қисмига айланиб кетган. Муҳаммад Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Фарбда Авиценна номи билан машҳур бўлган Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбек ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз бутун дунёда ўзларининг математика, астрономия, геодезия, минералогия, фармакология ва тиббиёт соҳаларидаги тенгсиз кашфиётлари билан шуҳрат қозонгандар.

Ўйлайманки, илм-фанда «алгоритм», «унлик саноқ системаси» ва «ноль» тушунчаларининг

кашф этилиши айнан Хоразмийнинг номи билан боғлиқ экани қўпчиликка яхши маълум. Абу Райҳон Беруний эса Америка қитъаси кашф этилишидан 500 йил олдин бу қитъанинг мавжудлиги ҳақида башорат қилган. Яна бир буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино ўша олис XI асрда тиббий жарроҳлик операциясини амалга оширгани билан дунёга машхур. Энг асосийси — унинг «Тиб қонунлари» асари 500 йил давомида Европанинг нуфузли олий ўқув юртларида барча талабалар учун дарслик сифатида ўрганиб келинган. Буюк астроном Мирзо Улуғбек XV асрда ёқ Самарқандда обсерватория барпо этиб, юлдузлар харитасини тузган. Ўйлайманки, бу улуғ зотларни ҳақли равишда жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган инсонлар сифатида таърифлаш мумкин.

Биз неча асрлар давомида илм-маърифат ёғусини таратган буюк аждодларимиз ҳақида гапи-рар эканмиз, ёш авлодимизга, менинг фарзандларимга қарата такрор ва такрор айтаман: албатта, биз улуғ алломаларимиз даҳоси билан фахрланишимиз керак. Шу билан бирга, ўзимизга савол беришимиз лозим: уларнинг муносиб давомчилари бўлиш учун бугун биз нима қилмоқдамиз?

Биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлига қадам

күйиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияті сари изчиллик билан үтишни таъминлар эканмиз, фақат миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги заруратии теран аиглайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга күйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиши мумкин эканини ҳамиша ўзимизга яхши тасаввур этиб келмоқдамиз.

Таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш одамларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ўзgartириш, уларнинг сиёсий ва гражданлик фаоллигини, ўз келажагига бўлган ишончини оширишнинг энг муҳим омили ва мустаҳкам асосига айланди, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди. Энг муҳими шундаки, бизнинг янги авлодимиз, билимли, ўтмишнинг ҳар қандай иллатларидан озод бўлган ёшлиларимиз бугунги кунда мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, уни янгилаш ва ишончли тарзда равнақ топтиришнинг ҳал қилувчи ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда.

Шу борада ўтган давр мобайнида касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни — шу рақамга эътибор беришингизни сўрайман — 2 миллион 300 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз битириб чиққани, жорий йилда эса 500 мингдан ортиқ ўкувчи ўрта тоифадаги мутахассис дипло-

мини олиб, ўқишни тамомлашини айтиб ўтиш кифоя, деб ўйлайман. Бу ёшлар нафақат иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишнинг, айни вақтда мамлакатимиз кадрлар таркибини сифат жиҳатидан янгилашнинг қудратли омили ҳисобланади.

Нуфузли халқаро молиявий ташкилотларнинг баҳоларига қўра, Ўзбекистон ҳали-бери давом этётган глобал молиявий-иктисодий инқирозга қарамасдан, ўтган беш йил давомида 8,5 фоиздан кам бўлмаган барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолмоқда. 2000 йил билан солиширгандан, ялпи ички маҳсулотнинг кўпайиши 2,1 баробарни ташкил этди. Жорий ҳисоб-китобларнинг профицити, ташқи қарзнинг пастлиги ва валюта захираларининг етарли даражада бўлиши таъминланмоқда, ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсиши башорат қилинмоқда.

Шуни қайд этиш муҳимки, бундай суръатлар, биринчи навбатда, таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юксак технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожлантириш, фаолият қўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш, хорижий

инвестицияларни кенг жалб этиш ҳисобидан таъминланмоқда.

Агар ўтган ўн йил давомида Ўзбекистон иқтисадиётига 80 миллиард доллар ҳажмидаги капитал қўйилмалар йўналтирилган бўлса, уларнинг 23 миллиард доллардан зиёди ёки қарийб 30 фоизини хорижий инвестициялар ташкил этди. Чет эл инвестицияларининг 2012 йилдаги ўсиши 16 фоизни ташкил этиши, уларнинг 70 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан иборат бўлиши кутилмоқда. Бу эса, ўз-ўзидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга хорижий капиталнинг қизиқиши ва энг муҳими, Ўзбекистоннинг тараққиёт истиқболларига бўлган ишончнинг тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Юқорида баён қилинган фикрларни якунлаган ҳолда, Ўзбекистон тарихий мезонларга кўра қисқа муддат бўлган 15—20 йил давомида бизнинг бош мақсадимиз — дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш ва мамлакатимиз аҳолиси учун муносиб ҳаёт шароити ва сифатини яратиш йўлида фойят улкан қадам қўйди, деб айтишга барча асосларимиз бор. **Ва бу билан биз ҳақли равишда фахрланамиз.**

Қадрли дўстлар!

Мазкур анжуманда муҳокама қилиш учун таклиф этилган, иқтисодиётни изчил ва барқарор

тараққий эттиришнинг энг муҳим шарти бўлган таълим тизимини ислоҳ этиш масалалари инсониятнинг буюк мутафаккирларини доимо ўйлантириб келган вазифа — ҳар томонлама уйфун ривожланган баркамол шахсни шакллантиришнинг кўп қиррали ва кенг қамровли муаммоларининг барча жиҳатларини ҳеч бир даражада тўлиқ қамраб олиши мумкин эмаслигини биз албатта яхши тушунамиз.

Иккинчидан, муайян бир мамлакат доирасидаги таълим жараёнини ислоҳ этишнинг ҳар қайси модели универсал даражага кўтарилишга даъво қилиши мумкин эмас. Мамлакатимизда Таълим тизимини ислоҳ қилиш дастурини жорий этиш бўйича амалга оширилган ва амалга оширилаётган барча ишлар биринчи навбатда Ўзбекистоннинг узоқ муддатли манфаатларига, унинг ҳозирги анча мураккаб ривожланиш босқичининг мавжуд ҳолати ва хусусиятларига жавоб беради.

Ўйлайманки, барчамиз вақт ҳам, таълим тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари ҳам бир жойда тўхтаб турмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз. Бу борада мазкур соҳада меҳнат қилаётган барча инсонларнинг, нафақат бўлажак кадрларни тайёрлаётган, айни пайтда ана шу кадрлар талаб қилинадиган соҳалар вакилларининг ҳалқаро ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам конференция қатнашчилари томонидан ялпи йиғилиш ва секция мажлисларида, бошқа мамлакатларда тұпланған қимматли тажрибаларни ҳисобға олған ҳолда, билдириладиган фикр-мулоҳаза ва таклифлар биз учун гоят муҳимдир.

Ўзбекистон мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг тегишли олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини алоҳида қайд этмоқчиман. Биз мазкур форумнинг асосий маъно-мазмунини ҳам айнан шунда кўрамиз.

Шу ўринда бир таклифни алоҳида таъкидла-моқчиман. **Қани энди, бундай учрашув ва анжу-манлар тез-тез ўтказиб турилса.**

Сизлар бу таклифга нима дейсиз? Албатта, Ўзбекистон халқининг меҳмондүстлиги ҳақида кўп гапирилади, лекин биз сизларнинг мамлакатимизга тез-тез келиб, эл-юртимизга хос ана шу ноёб фазилатни ўз мисолингизда кўпроқ ҳис этишингизни истардик. Бизнинг мулоқотимиз ва ҳамкорлигимиз фақат биз бугун муҳокама қилиш учун йиғилган мавзу нуқтай назаридангина муҳим эмас. Бундай мулоқотларда наинки муҳокама қилинаётган мавзу доирасидаги, балки кенг кўламдаги бошқа масалалар бўйича ҳам ҳамкорликка асос солинади. Энг муҳими, олимлар, раҳбарлар, мутахассислар, профессор-ўқитувчилар-

нинг ҳамкорлиги орқали, дунёning қайси ўлка-сida яшаши, ўқиши ва меҳнат қилишидан қатъи назар, талабалар ва ёшларниг ҳамкорлиги ву-жудга келади.

Шунинг учун ҳам биз барчангизни Тошкентда, нафақат Тошкентда, балки қадимий тарих ва цивилизация бешиклари бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива сингари шаҳарларимизда кўришдан хурсандмиз.

Шу имкониятдан фойдаланиб, сиз муҳтарам меҳмонларимизга, барча конференция қатнашчиларига яна бир бор ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва самимий миннатдорлигимни билдиришга руҳсат этгайсиз.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, олиjanоб фаолиятингизда янги ютуқ ва омадлар, конференция ишига муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган
авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор
тараққий эттириши ва модернизация қилишининг
энг муҳим шарти» мавзуидаги ҳалқаро
конференциянинг очилиш маросимидағи нутқ,
2012 йил 17 февраль

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар!

Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Гўзал диёrimизга барчамиз соғиниб кутган баҳор нафаси кириб келаётган мана шу нурафшон кунларда сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан қизгин табриклаб, сизларга ўзимнинг самимий туйғу ва тилакларимни изҳор этишдан баҳтиёрман.

Барчамизга аёнки, оналарни, аёл зотини эъзозлаш эл-юртимиз учун азал-азалдан эзгу қадрият бўлиб келган. Бунинг тасдигини тарихимизда, ҳаётимизда, мумтоз адабиётимизда кўплаб мисолларда яққол кўриш, кузатиш мумкин.

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг «Аёллар — фаришталарнинг опа-сингилларидир» деган сўзлари замирада нақадар чуқур ҳаётий фалсафа мұжассам эканини англаш қийин эмас, деб ўйлайман.

Биз меҳр-муҳаббат ва одамийликнинг илк сабоқларини азиз оналаримиздан, уларнинг бешигимиз узра парвона бўлиб айтган алла оҳангларидан оламиз. Қалбимизда неки олижаноб туйгулар бўлса, уларнинг барчаси, аввало, оналаримиздандир. Дунёда муқаддас деган сўзга энг муносиб зот ҳам — Онадир. Шу боис токи ҳаёт бор экан, инсон мўътабар Она сиймоси олдида доимо бош эгиб, таъзим қиласи.

Шу фурсатдан фойдаланиб, барчамизнинг кўнглимизда, дилимизда бўлган бир фикрни таъкидлаш жоиз, деб биламан.

Биз сизларни — меҳрибон ва мунис аёлларимизни ҳамиша фидойилик, вафо ва садоқат, нафосат ва латофат тимсоли сифатида улуғлаб келамиз ва умрбод сизлардан миннатдор бўлиб яшаймиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз опа-сингиллар!

Сизларга яхши маълумки, мен ўзимнинг чиқишлиаримда, амалий ишларимда хотин-қизларни улуғлаш, уларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини янада ошириш масаласига жуда катта эътибор бериб келаман. Она диёrimизда яшаётган барча аёлларни дунёдаги энг гўзал ва меҳрибон аёллар деб. Яратганинг тенгсиз мўъжизаси, деб, доимо чин қалбдан, юракдан билдирадиган самимий сўзларимни юртимиз ўглон-

ларининг фикри сифатида, аёл зотига бўлган хурмат-эҳтиром ва севги изҳори сифатида қабул қилишингизни истардим.

Мустақил тараққиёт йўлида бошимизга оғир синов ва қийинчиликлар тушган машаққатли даврда айнан сиз, аёлларнинг меҳнаткашлик ва шукроналик, чидам ва сабр-бардош каби юксак инсоний фазилатларни намоён этиб, эл-юритимизда тинчлик ва осойишталикни, жамиятимизда меҳр-оқибат ва аҳиллик муҳитини сақлаш ва мустаҳкамлашда, бугунги мана шундай ёруг кунларга, бутун дунё тан олаётган марраларга етиб келишда сиз, азизларнинг бекиёс ҳиссангиз борлигини мен ҳеч қачон унутмайман ва бу ҳақда доимо миннатдорлик билан такрор ва такрор гапиришга тайёрман.

Мамлакатимизда аёлларга бўлган юксак хурмат-эътибор ва гамхўрликнинг амалий исботи сифатида кейинги йилларда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги роли ва таъсирини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 80 дан ортиқ миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шулар қаторида Оила, Аёллар, Соғлом авлод, Она ва бола, Обод маҳалла, Сиҳат-саломатлик, Баркамол авлод йиллари муносабати

билингве қабул қилинган Давлат дастурлари, күплөрдөн да монандык қарорлар айни шу мақсадларга хизмет қылмокта.

Ана шундай ҳаракатларимизнинг яққол ифодасини ҳозирги вақтда қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфаси тубдан үзгариб, юртимиз, Ватанимиз тобора чирой очиб, бозор ва дүконларимиз, дастурхонларимиз түкин-сочин бўлиб бораётганида, айтиш керакки, аёлларимиз үзларининг нозик елкаларида кўтариб келаётган кундалик ташвишларни енгил қилиш борасидаги ишларимизда, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ҳаёт фаровонлиги, турмуш маданияти юксалаётганида кўриш мумкин ва буларнинг барчаси шу заминда яшаётган ҳар бир инсонга мамнуният багишлайди.

Бугунги кунда хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳокимият ва бошқарув идоралари, вакиллик органлари фаолиятида, тадбиркорлик ва фермерлик соҳасида муносиб иштирок этишини таъминлаш, үз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун имконият яратиш мақсадида олиб бораётган кенг кўламли ишларимиз тобора кучайиб, үз ҳосили ва самарасини бераётгани, айниқса, эътиборлидир.

Юртимиздаги ҳар қайси ота-она, бутун халқимизнинг эзгу орзуси бўлмиш ҳар томонлама

соғлом наслни вояга етказишда «Соглом она — соглом бола» дастури доирасида барча ҳудудларимизда перинатал ва скрининг марказлари, минглаб қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилгани, ихтисослаштирилган шифохоналар ҳамда шошилинч тиббий ёрдам хизматидан иборат замонавий тизим яратилгани аҳолимизнинг, биринчи навбатда, аёлларимизнинг саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш йўлида қўйилган тарихий қадам бўлди.

Бу ҳақда гапирганда, мустақиллик йилларида оналар ва болалар ўлими 3 марта камайгани, аёлларнинг ўртача ёши 67 ёшдан 75 ёшга кўтарилгани, ҳеч шубҳасиз, айнан ана шундай амалий ҳаракатларимизнинг самараси, десак, хато бўлмайди.

Кейинги пайтда мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ҳалқаро анжуманларда соғлиқни сақлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, таълим-тарбия соҳаларида биз қўлга киритаётган улкан натижалар дунёдаги кўзга кўринган олим ва мутахассислар, нуфузли ҳалқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланиб, ибрат сифатида эътироф этилгани сизларга яхши маълум, албатта. Биз эришган бундай ютуқлар негизида, авваламбор, сиз, жонкуяр ва фидойи опа-сингилларимизнинг билим ва тажрибаси, машаққатли меҳнати мужассам экан

нини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Ҳурматли ватандошлар!

Ҳар қандай жамиятнинг фаровонлиги ва мънавий соғломлигининг асосий мезони, аввало, оиланинг аҳиллиги, оиланинг мустаҳкамлигига намоён бўлади.

Шу маънода, 2012 йилнинг юртимизда «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши «Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор» деган инсонпарвар тамойилни ҳаётимизда қарор топтиришда, ҳеч шубҳасиз, янги, юксак бир босқич бўлади.

Ҳаммамизга маълумки, яқинда биз бу борада кенг миқёсдаги амалий тадбирларни ўз ичига олган Давлат дастурини тасдиқладик. Ушбу дастур ижросини таъминлаш учун 1 триллион 500 миллиард сўмга яқин ва 114 миллион доллар миқдоридаги кенг кўламли маблаг йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Бу ишларни амалга оширишда давлат ва но- давлат ташкилотлари, жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг фаол иштироки талаб этилишини барчамиз яхши тушунамиз. **Айни вақтда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, оилани, ҳақиқатан ҳам, мустаҳкам оила қилиш, уни том маънода жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғинига айланти-**

ришда хонадонларимизнинг чироги, кўрки ва файзи бўлган сиз, хурматли аёлларнинг ўрни ва таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди ва бу вазифаларни адо этишда мен сизларга, сизларнинг улкан салоҳиятингизга ишонаман.

Муҳтарам юртдошлар!

Биз мустақил тараққиёт йилларида — тарихан қисқа бир даврда бекиёс ютуқ ва мэрраларга эришдик. Биз қўлга киритган юксак натижаларни дунё тан олди. Энг муҳими — юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда, иқтисодиётимиз барқарор ўсиш суръатлари билан ривожланниб бормоқда.

Биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли улкан мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш вазифаси барчамиздан бирдамликни, бир ёқадан бош чиқариб, ўзимизни аямасдан, астойдил меҳнат қилишни талаб этади ва бу борада мен олижаноб, багрикенг халқимизни, сиз, муҳтарама аёлларимизни бундан буён ҳам ўзимнинг энг яқин маслакдошим, таянчим ва суюнчим, деб биламан.

Қадрли опа-сингиллар!

Сизларни баҳор элчиси бўлган, ўзингиздек гўзал ва дилбар байрамингиз билан яна бир бор

табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Фарзандларингиз ва яқинларингиз, элу юртимиз баҳтига ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИННИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

Шу йил 16 март куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Сизларга яхши маълумки, кейинги вақтда Тошкент шаҳар ҳокимиятида раҳбарият янгиланди, янги раҳбар иш бошлади, ҳокимнинг биринчи муовини, бир қатор туманларнинг ҳокимлари ўзгарди, шаҳар кенгаши депутатлари таркибида ҳам ўзгаришлар бўлди, деди Президентимиз Ислом Каримов.

Албатта, бундай ўзгаришларни шиддат билан ривожланаётган замоннинг ўзи, айни вақтда халқимизнинг ошиб бораётган талабларини, керак бўлса, эҳтиёжларини таъминлаш зарурати тақозо этмоқда.

Ана шундай ўзгаришлар таъсирини, ким қаерда бўлмасин, қандай лавозим ёки вазифада ишламасин — ишчи ёки хизматчи бўладими, қурув-

чи ёки муҳандис, тадбиркор ёки ўқитувчи бўладими — ҳар бир юртдошимиз бугун ўз мисолида сезиши, англаши табиий. Чиндан ҳам, вақт, замон ўзгариши билан ҳаёт янги-янги талабларни илгари сурмоқда. Ана шу талабларга мос ҳолда, ҳар қайси одамнинг онгу тафаккури, ишга, ҳаётга муносабати ҳам ўзгариб бориши зарур. Акс ҳолда, унинг ўзи ҳам, у мансуб бўлган жамоа, охироқибатда эса халқ ва мамлакат ҳам қолоқликка юз тутиши, жаҳон тараққиётидан четда қолиши муқаррар.

Айниқса, замоннинг юриши, ўзгариши билан, аввало, раҳбарлар, етакчилар ўзгариши керак. Биз XXI аср — интеллектуал тараққиёт асри, деб кўп гапирамиз. Модомики, шундай экан, бугунги кунда раҳбар нафақат аниқ бир касб-хунарнинг эгаси, аввало, ўзининг фаолияти ва инсонийлиги билан халқнинг ишончига муносиб бўлиши, юксак интеллектуал тафаккур соҳиби, узоқни кўра оладиган, доимо янгиликка интилиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшайдиган, қатъиятли шахс бўлиши лозим.

Шу маънода, буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир одам минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишидан афзалдир», деган сўзлари менга худдики айнан бугунги кунимиз учун айтилгандек туюлади, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Тошкент шаҳри — мустақил давлатимизнинг пойтакти, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонимизнинг юраги, Ўзбекистонимизнинг юзидир. Барчамиз Тошкентнинг бошқалар учун доимо намуна бўлишини истаймиз ва бундай юксак мақсадни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз, деб ўз фикрини давом эттирди давлатимиз раҳбари.

Айни шунинг учун Тошкент шаҳрини бошқарадиган, унинг ўта мураккаб, ҳеч қайси худуд билан қиёслаб бўлмайдиган хўжалигини тебратадиган, бу ерда яшайдиган миллион-миллион одамларнинг, катта бўладими, кичик бўладими, эҳтиёжларини қондиришга масъул бўлган шахсга нисбатан талаб ҳам, албатта, бошқача бўлиши ўз-ӯзидан равшан.

Айтиш жоизки, Тошкент мустақиллик йилларида мислсиз даражада ўзгариб, янгиланиб, олдин тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган марраларни эгаллаб бормоқда. Энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар, гўзал бино ва иншоотлар, тураржойлар, янги-янги олий ўқув юртлари, таълим ва шифо масканлари, магистраль қўча ва проспектлар, муҳташам кўприклар, боф ва хиёбонлар барпо этилмоқда. Тошкентнинг салоҳияти тобора ортиб, унинг чехраси, қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, азим пойтактимизнинг нафақат Ўзбекистон, балки бутун Шарқ

минтақасидаги обод ва гўзал шаҳарга айланиб, ўзгаларнинг ҳавасини, халқимизнинг фуур-ифтихори ва севгисини уйғотиб, жадал ривожланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Бугунги кунда Тошкентимиз, айтиш мумкинки, ўзининг илму фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳасидаги улкан имкониятлари, қолаверса, чиройи ва бетакрорлиги билан жаҳон жамоатчилиги эътиборини ўзига тортиб келаётганига, турли халқаро учрашув ва саммитлар, форум ва анжуманлар ўтказиладиган йирик марказга айланиб бораётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Хусусан, 2010 йили пойтахтимизда бўлиб ўтган Осиё тараққиёт банки бошқарувчилар кенгашининг мажлиси, 2011 йилда тибиёт соҳасининг долзарб масалалари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти иштирокида ўтказилган симпозиум ҳамда 2012 йил февраль ойида таълим ва тараққиёт мавзусига бағишланган нуфузли халқаро конференция бу фикрнинг яққол далилидир.

Пойтахтимиз аҳлининг фидокорона меҳнати билан ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида кўлга киритилаётган ютуқ ва мэрралар мамлакатимизнинг умумий ривожланиш суръатларини оширишда муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётганини ҳаммамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсу-

лотининг 14 фоиздан ортиғи, саноат маҳсулоти ҳамда ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 20 фоизи айнан Тошкент шаҳрининг улушига түғри келаётгани унинг катта иқтисодий имкониятларга эга эканидан далолат беради, деди Ислом Каримов.

Сўнгги уч йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 1,4 баробар, саноат маҳсулотлари ҳажми 1,4 баробардан зиёд, ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 1,5 баробар ўсгани шаҳар иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётганини кўрсатади.

Тошкент шаҳри доимо ўзининг улкан ишлаб чиқариш салоҳияти, юксак малакали муҳандистехник ходимлари, олим ва мутахассислари, ички ва ташқи бозоримизда харидоргир маҳсулотлари билан наинки мамлакатимиз, балки бутун минтақа иқтисодиётида етакчи ўрин тутиб келади. Кейинги йилларда иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли Тошкентнинг бу борадаги имкониятлари тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда бу ердаги корхоналарда уч мингдан зиёд турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаётгани бу фикрни тасдиқлайди.

Биргина **Маҳаллийлаштириш дастури** доирасида шаҳардаги корхоналар томонидан 100 га яқин янги маҳсулот турлари ўзлаштирилди ва

4 триллион 300 миллиард сүмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. 2011 йилда ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорти 2009 йилдагига нисбатан 1,4 баробар ўсганини қайд этиш жоиз.

Ўтган уч йил давомида Тошкент шаҳрида 1 миллиард 500 миллион доллардан ортиқ тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди, 35 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлар якунига етказилди.

Тошкент кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳам йирик марказига айланиб бормоқда. Бу соҳанинг ялпи худудий маҳсулотдаги улуши 2010 йилдаги 49,9 фоиздан 2011 йилда 53,1 фоизга етгани алоҳида дикқатта сазовор. Энг муҳими, айни шу соҳа ривожи ҳисобидан қарийб 60 мингта янги иш ўрни яратилди. Бу эса жами янги иш ўринларининг 72,8 фоизини ташкил этади.

Тошкент шаҳар иқтисодиётида муҳим роль ўйнайдиган хизмат кўрсатиш соҳасини оладиган бўлсак, охирги уч йилда пуллик хизматлар ҳажми 1,6 баробар ўсганини қайд этиш ўринлидир.

Мамлакатимизнинг энг йирик банклари, уларнинг шаҳар ва туман филиаллари фаолият юритаётган пойтахтимизда ишни замонавий асосда ташкил этишга катта эътибор қаратилаётгани туфайли бу соҳадаги хизмат сифати ва самардорлиги ошиб бормоқда.

Шулар қаторида техник ва технологик жиҳатдан яхши жиҳозланган, биржা операцияларини реал вақт режимида амалга оширадиган Ўрта Осиёдаги энг йирик товар-хом ашё биржаси, қимматли қофозлар ҳамда валюта биржалари, суфурта, лизинг, аудиторлик компаниялари Тошкентнинг йирик молиявий марказ сифатидаги нуфузи ортиб бораётганидан далолат беради.

Транспорт инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун янада қулай имкониятлар яратиш мақсадида Кичик ҳалқа йўлида кўприк ва йўл ўтказгичлар, 6 ва 8 полосали магистраль йўллар қурилди ва фойдаланишга топширилди. Фақат 2011 йилнинг ўзида Амир Темур, Алишер Навоий, Беруний, Шахрисабз ва бошқа ўнлаб кўчаларда кенг кўламли таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

Биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, аҳоли соғлигини сақлаш, фан, таълим, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳалар бўйича ҳам Тошкент шаҳри етакчи ўрин эгаллаб келаётгани ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман, деди Президентимиз.

Таълим-тарбия соҳасини оладиган бўлсак, пойтахтимизда энг юксак жаҳон талабларига жавоб берадиган, жумладан, дунёдаги кўзга

күринган университетлар билан ҳамкорликда ташкил этилган, мустақам моддий-техник базага эга бўлган олий ўқув юртлари — Вестминстер университети, Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Москва давлат университети, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, Губкин номидаги Россия нефть ва газ университетининг филиаллари фаолият кўрсатаётгани, шунингдек, Буюк Британиянинг машхур Кембриж университети билан тузилган шартнома асосида Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази барпо этилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга, бу борадаги бошқа ишларимиз — яъни яратилган шароитига кўра, ойлй ўқув юртларидан кам бўлмаган лицей ва коллежлар, мактаблар барпо этиш бўладими, уларни замонавий жиҳозлар ва ўқув воситалари билан таъминлаш, янги таълим стандартлари ва услубларини жорий этиш бўладими, бу билим масканларининг корхоналаримизни малакали кадрлар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қўшаётган ҳиссаси бўладими — буларнинг барчаси одамнинг ғурури ва ҳавасини тортадиган баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилаётганини куриш, кузатиш қийин эмас.

Бутун дунёга машхур «Женерал Моторс» компанияси билан биргаликда ташкил этилган, нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда ягона бўлган, автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхонада яқинда ана шундай билимли ва малакали ёшлар билан учрашганимда мен бунга яна ва яна бир бор иқрор бўлдим. Илм-фаннынг сўнгги ютуқлари негизида яратилган, компьютер дастурлари асосида бошқариладиган, энг нозик деталларни ишлаб чиқарадиган мураккаб технологияларни пухта ўзлаштириб олган фарзандларимизни куриб, улар билан суҳбатлашиб, уларнинг ёниб турган кўзларига боқиб, худдики ўзимнинг болаларимнинг ютуғини кўргандек қувонганим ҳеч қачон хаёлимдан чиқмайди. Бундай ёшлар билан танишиб, уларнинг иш самарасини кўрган ҳар қандай одам Ўзбекистон бугун, ҳақиқатан ҳам, тараққиётнинг янги босқичига кўтарилаётганини беихтиёр ҳис қиласи, деди Юртбошимиз ва қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлади.

Маълумки, жаҳонда ўзининг нефть, газ каби ер ости захиралари ҳисобидан бойлик ортираётган давлатлар ҳам оз эмас. Албатта, сармоя бўлса, қўп нарсани, жумладан, замонавий технологияларни ҳам сотиб олиш мумкин, лекин уларни ишлатиш, самарали фойдаланиш учун, энг аввало, юксак малакали етук кадрлар керак.

Мен ҳам ўз вақтида кўп заводларда ишлаганман. Тошкент қишлоқ хўжалик машиналари, Тошкент авиаация бирлашмаси ва бошқа йирик корхоналарда технологияларни ўзлаштириш мактабини ўтаганман. Лекин «Женерал Моторс» билан ҳамкорликда ташкил этган корхонамиз — бу бутунлай янги бир олам. Бу ишлаб чиқариш мажмуасини албатта бориб кўриш керак. Бу ерда ёшларимиз юксак технологияларни қандай билимдонлик ва маҳорат билан бошқараётгани ҳаммани қойил қолдирмоқда.

Биз 20 йил давомида қанча-қанча синов ва қийинчиликларни, бизга нисбатан бўлган менсимаслик қарашларини ҳам бошимиздан кечирдик. 90-йилларнинг бошида Ўзбекистонда илгари қурилган корхоналар тўхтайди, муҳандислар, техник ходимлар, олимлар ва зиёлилар бу мамлакатни тарк этади, бу ерда тараққиёт орқага кетади, деган гапларни ёшлар эшитмаган бўлиши мумкин, лекин ҳурматли оқсоқолларимиз буни яхши билади. Биз ана шундай мураккаб даврда барча машаққатларга чидаб, бор куч ва салоҳиятимизни ишга солиб, ўз иродамизни, ўзбек халқи ҳеч кимдан кам эмаслигини дунёга намоён этдик.

Яқинда Тошкент шаҳрида тáълим масалалари бўйича ўtkazilgan xalqaro konferenziyada жаҳондаги энг нуфузли ташкилотлар вакиллари, шу

соҳанинг кўзга кўринган намояндалари томонидан биз эришган улкан ютуқлар яна бир бор тан олиниб, бошқаларга ибрат сифатида эътироф этилгани барчамизни қувонтиради.

Энг муҳими, бугунги кунда юртимизда ҳаёт сифати ўзгариб, аҳолимиз, айниқса, ёшларимизнинг нафақат онгу тафаккури, балки турмуш маданияти, айтиш мумкинки, ҳатто кийиниш маданияти ҳам юксалиб бормоқда.

Агарки мендан шу даврда амалга оширган энг катта ишларимиз ҳақида ҳисоб беришни сўраса, мен, ҳеч шубҳасиз, юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлида жамоатчилигимиз, бутун халқимиз билан бирга олиб бораётган улкан ишларимизни фахру фурур билан айтган бўлардим. Ҳақиқатан ҳам, ўзининг моҳияти ва кўламига кўра бекиёс бўлган бу ишлар ҳозирги вақтда шундай мустаҳкам бир изга қўйилдики, энди бизнинг бу йўлдаги ҳаракатларимизни тўхтатиш асло мумкин эмас, деди Президентимиз.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза этиш бўйича эришаётган катта ютуқларимизда Тошкент шаҳрининг алоҳида ўрни ва ҳиссаси бор.

Бугунги кунда бу ерда Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази, перинатал ва скрининг

ҳамда диагностика марказлари, бир қатор ихтинослаштирилган тиббий илмий-амалий марказлар ва бошқа күплаб соғлиқни сақлаш муассасалари фаолият олиб бормоқда. Айни пайтда замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозланган кардиохирургия маркази фойдаланишга топширилиш арафасида турибди ва келгусида бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади.

Мажлисда Тошкент шаҳрида кейинги йилларда эришилган ютуқ ва натижалар ҳақида сўз борар экан, қурилиш ва бунёдкорлик соҳасидаги улкан ишлар алоҳида таъкидланди. Айниқса, миллий меъморлик анъаналари ва замонавий шаҳарсозликнинг энг юксак талаблари асосида барпо этилган Мустақиллик майдони, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонани ўз ичига олган Маърифат маркази, Ҳазрати Имом мажмуаси, Амир Темур хиёбони, бошқа ўнлаб муҳташам бино ва иншотлар бу борадаги ишларимизнинг ёрқин намоёни экани қайд этилди.

Тошкентнинг сўнгти йилларда яққол эътироф этилаётган яна бир устувор хусусияти борки, у ҳам бўлса, унинг дунёдаги пойтахт шаҳарлар ўртасида экологик жиҳатдан тоза ва кўркам қиёфа касб этиб бораётганида ўз ифодасини топмоқда.

Ҳар йили янги-янги обод уй-жойлар, боф ва хиёбонлар, ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этилаётгани, энг муҳими, бунёдкор Тошкент аҳлининг ўз уйи, ўз маҳалласи, ўз шаҳрига бўлган меҳри ва эътибори ана шундай эътирофга эришишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Илгариги вақтда шаҳарнинг аксарият мавзе ва майдонлари қуруқ бетон ва асфальтдан иборат бўлиб, ёз ойларида одамнинг нафаси қайтиб кетадиган бир аҳволда эди. Кейинги йилларда кўплаб майдон ва хиёбонларда кўкаlamзор ҳудудларни кенгайтириш учун жуда катта ишлар амалга оширилди. Айниқса, арча, каштан, қайнин, қаррафай, эман каби кислородга бой дарахтлар, яшил буталар, майсазор майдонлар шаҳар қиёфасини тубдан ўзгаририб юборди.

Бу ҳақда узоқ гапириш мумкин, лекин шу борада биргина рақамни олиб келсак, ўйлайманки, кўп нарса ўз-ўзидан аён бўлади, деди Ислом Каримов. Агарки 1990 йилда Тошкент шаҳри умумий майдонининг 9 фоизини боф ва хиёбонлар, яшил ҳудудлар ташкил этган бўлса, ўтган давр мобайнида бу кўрсаткич икки ярим баробардан зиёдга ортиб, ҳозирги вақтда 23 фоизга етгани, ҳеч шубҳасиз, мана шундай улкан ишларимизнинг амалий натижасидир.

Эски шаҳарнинг илгариги ҳолатини кўпчилик яхши эслайди, албаттa. Жазирама ёз пайтида бу

ерда осмонни туманга ўхшаш қора қурум қоплаб ётарди. Ёшларимиз буни билмаслиги мумкин, лекин кўпчилик одамларимиз шундай оғир шароитда яшагани ҳақиқат, деб қайд этди Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари жорий 2012 йилда Тошкентни янада обод қилиш йўлида бошланган ишларни давом эттириб, яна кўплаб янги объектларни ишга тушириш кўзда тутилаётгани ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди.

Аввало, Алишер Навоий кўчасидаги ижтимоий-маданий ва майший объектларни ўз ичига олган, 320 хонадонга мўлжалланган 8 та янги уй-жойнинг қурилиши якунига етказилади. Мен сизларга шу уйларни бориб қўришни тавсия қилган бўлардим. Бу янги уй-жойлар энг замонавий лойиҳалар асосида барпо этилмоқда. Бизнинг мақсадимиз, талабимиз шундайки, агар уй-жой қурадиган бўлсак, эски замондагидек пахсадан эмас, балки етти пуштимизга етадиган қилиб, ҳар томонлама пухта ўйлаб, 80—100 йилга мўлжаллаб қуришимиз керак.

Айнан ана шундай талаблар асосида ҳозирги вақтда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича кўплаб уй-жойлар қурилаётганидан хабарингиз бор, албатта. Шаҳримизнинг қоқ марказида, Алишер Навоий кўчасида бунёд этилаётган уйлар Европанинг тараққий топган дав-

латларида қурилган уйлардан асло кам бўлмаслиги керак. Уларнинг олдида одамлар оиласи, фарзандлари билан дам олиб ўтирадиган масканлар, зарур инфратузилма обьектлари барпо қилиш, келгусида бундай уйларни яна қўплаб куришга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

2012 йилда, шунингдек, Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан бу йилнинг ўзида 14 та мактаб, 3 та академик лицей, 6 та касб-хунар коллежини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, 8 та даволаш муассасасини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилади.

Маълумки, жорий йилдан бошлаб мамлакатимиизда олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш дастурини амалга оптиришга киришилди. Шу борада Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент тиббиёт академияси ва Педиатрия тиббиёт институтида бошланган ишлар бу йил изчил давом эттирилади. Шулар қаторида «Ёшлиқ» талабалар шаҳарчасини ободонлаштириш ишларини ниҳоясига етказиш кўзда тутилмоқда.

Жорий йилда Чилонзор туманида «Бунёдкор» стадиони, ёпиқ сузиш ҳавzasига эга бўлган фут-

бол мактаби ҳам қуриб фойдаланишга топширилади. Бундай ишлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Пойтахтимизда яқин келгусида амалга ошириладиган йирик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари ҳақида гапирганда, деди Юртбошимиз ўз нутқини давом эттириб, Тошкент шаҳрининг энг муҳим қисми бўлган Эски шаҳар ҳудудини тубдан реконструкция қилиш ва ободонлаштириш ишларини янги босқичга кўтаришга алоҳида эътибор қаратишимиш даркор.

Шу муносабат билан яқинда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини 2020 йилгача бўлган даврда ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича алоҳида ҳужжат — Президент қарори қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжатда Эски шаҳарни тубдан реконструкция қилиш, янада ривожлантириш ва ободонлаштириш, аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш, замонавий талаблар, шаҳарсозлик принциплари ва нормаларига мувофиқ тарзда ижтимоий, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини шакллантириш, миллий меъморлик анъаналарини асраб-авайлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар қўзда тутилган. Жумладан, иккита фоят муҳим масалани ечишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Биринчи масала — Эски шаҳар ҳудудидаги мавжуд аҳвол, авваламбор, йўл-транспорт ком-

муниципияларининг ҳолати, тураржой массивларининг ичимлик суви, канализация, иссиқлик ва электр энергияси билан таъминланиш даражаси замонавий талабларга, шаҳарсозлик ва санитария нормалариға қанчалик жавоб беришини ҳисобга олишдан иборат.

Иккинчи масала — реконструкция ишларини амалга оширишда Тошкент шаҳри, айниқса, унинг Эски шаҳар қисмидаги миллий меъморчилигимизнинг ўзига хос хусусият ва анъаналярини, ҳалқимиз маданий меросининг тимсоли бўлган, ислом маданияти ва жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган тарихий-меъморий ёдгорликларни асрраб-авайлашдан иборат.

Ана шу муҳим йўналишлар Тошкентни истиқболда замонавий шаҳарсозлик асосида ривожлантириш ва ободонлаштириш дастури лойиҳасини шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилиши даркор. Таъкидлаш керакки, бу дастур 2020 йилга қадар босқичма-босқич амалга оширилади. Унинг ҳар бир йўналиши бўйича мутахассислар, архитектор ва лойиҳачилар, тарихчи олимларни жалб этган ҳолда, ишчи гуруҳлар ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Албатта, ана шу ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган материаллар асосида ишлаб чиқладиган дастур лойиҳаси кенг жамоатчилик иш-

тирокида муҳокама қилинади. Чунки бу ўринда сўз бутун халқимиз, мамлакатимиз тарихига, унинг миллий қадрият ва анъаналарига, мингминглаб юртдошларимизнинг бугунги ва эртанги ҳаётига бевосита дахлдор бўлган масалалар ҳақида бормоқда.

Энг муҳими, Тошкентнинг қандай қадимий ва бой ўтмиши борлигини, дунёда 2200 йиллик тарихга эга бўлган шаҳарлар бармоқ билан санарли эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Йиллар, асрлар ўтса ҳам, эски ўрни бузилиб кетган бўлса ҳам, бундай қадимий шаҳарларда одамлар тарихий хотира туйғусини йўқотмасдан, кўхна манзил ва масканларни доимо эслаб юради. Тошкентнинг ўн икки қадимий дарвозасини, уларнинг Лабзак, Қашқар, Кўқон, Қайтмас, Бешёоч, Камолон, Самарқанд, Кўкча, Чифатой, Сағбон, Қорасув ва Тахтапул деган номларини халқимиз ҳозирга қадар ёдидан чиқармасдан келаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлаб турибди.

Барчамизга яхши маълумки, собиқ совет даврида, айниқса, 1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин узоқни ўйламасдан, пала-партиш қилинган ишлар туфайли пойтахтимиз ривожи билан боғлиқ кўпгина муаммолар тўпланиб қолган эди.

Калтабинларча олиб борилган ишлар туфайли Тошкентнинг бетакрор табиатига катта зарар

етказилди, қанча-қанча боғлар бузилиб, ариқ ва булоқлар күмилиб, уларнинг ўрнида иқлим шароитимизга мутлақо тұғри келмайдиган, бир-бирига ұхшайдиган күп қаватли темир-бетон уйлар, ишлаб чиқариш корхоналари ўйламай-нетмай қуриб ташланди. Яқын үтмишдаги ана шундай аччиқ тажрибалар шундан далолат берадики, шаҳарсозликда етти марта эмас, етмиш марта ўлчаб, бир кесиш керак.

Айниқса, бугунги кунда ўта долзарб бұлиб бораётган йўл қурилишида бундай ёндашувнинг аҳамияти катта. Бу ҳақда гапирганда, бир фикрни алоҳида таъкидлаш лозим: 4—5 полосали йўллар қуриш, кўчаларни кенгайтириш мумкин, лекин йўл ёқасидаги уйларни нима қилиш керак?

Ҳозирги вақтда Тошкентга келаётган одамлар йўлларимизнинг кенглигини кўриб, ҳайрон қолмоқда. Аммо бу йўлларнинг қандай қийинчиликлар билан кенгайтирилаётганини кўпчилик билмайди.

Айтиш керакки, шаҳарда мавжуд бўлган трамвай ва троллейбус линиялари бутунги кун талабларига, транспорт ҳаракатининг тезлигига жавоб бермай қўйгани сир эмас.

Биз аввалги эски трамвай ва троллейбус йўналишларидан воз кечиши ҳисобига йўлларни кенгайтиришга эришмоқдамиз. Тошкент шаҳрида

мавзелар ўртасида тезюарар трамвайларнинг ҳаракатини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Айниқса, йўллардаги қатнов йўналишларини ажратиб турадиган бетон тўсиқлар ўрнатилаётгани яхши натижа бермоқда.

Сизларга яхши маълумки, совет даврида Тошкентда коммунистик мафкура руҳидаги номлар кўп бўлган. Кейинги пайтда уларнинг қадимий номларини тиклаш бўйича кўпгина ишлар қилинди ва қилинмоқда. Қатор майдон ва қўчалар, истироҳат боғлари, жумладан, Учтепа ва Олмазор туманлари мисолида ана шундай тарихий номлар тикланганини кўриш мумкин.

Айни вақтда шуни ҳам айтиш керакки, 90-йилларнинг бошларида жойларга ном бериш масаласида пала-партиш ва бир ёқлама иш тутиш ҳолатлари юз берганидан кўз юмиб бўлмайди. Дейлик, кимнингдир боласи амалдор бўлиб қолса, отаси ёки бирон-бир қариндошининг номини кўча ёки мактабга беришга ҳаракат қилган.

Мен мустақиллик байрами арафасида Тошкент шаҳрида барпо этилган янги аэропорт биноси билан танишар эканман, ён-атрофдаги бъзи кўчаларга номлари қўйилган шахслар ҳақида сўраганимда, ишонасизми, ҳеч ким аниқ бир маълумот беролмади.

Мана энди, бу масалага ҳам бутунлай янгича ёндашиб, масъулият билан, ҳар томонлама пух-

та ўйлаб иш күриш вақти келди. Яқинда жой номлари бўйича маҳсус қонун қабул қилдик. Бу борадаги асосий талаб шуки, жойларга шахсларнинг номини имкон қадар камроқ қўйиш керак. Шунда ўзимиз учун камроқ муаммо туғдирган бўламиз.

Таъкидлаш керакки, бу шунчаки топономик масала эмас, аввало, маънавий тарбия масала-сиdir. Жой номлари юртдошларимиз, ёшларимиз қалбида ўз юртига муҳаббат, тарихимиз ва миллий қадриятларимизга нисбатан ҳурмат-эҳтиром туйғуларини камол топтиришга, уларнинг дунёқараши ва маънавий оламини шакллантиришга хизмат қилиши лозим. Бу борада сохта ва қалбаки ишлар билан фарзандларимизнинг онги, тарбияси, адолат ва келажакка ишончига путур етказишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Тошкент ҳақида, Тошкент шаҳрида амалга оширилган ва амалга ошириш мўлжалланаётган ўзгаришлар ҳақида яна кўп гапириш, бу мавзуни узоқ давом эттириш мумкин, деди давлатимиз раҳбари.

Ҳақиқатан ҳам, пойтахтимиз ҳаётида биз шундай катта ютуқларга эришдикки, бу тўғрида тортинмасдан, фахр билан ҳар қанча гапирсак, арзиди, албатта.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин, бундай юксак мэрраларнинг замирида мен учун азиз

бўлган тошкентликларнинг фаоллиги, пойтахт аҳолисига хос бўлган аҳиллик, меҳр-оқибат, ишбилармонлик каби фазилатлар, меҳнат, меҳнат ва яна бир бор меҳнат мужассам, десак, асло хато бўлмайди. Ва бунинг учун сизларга, кўп миллатли бутун Тошкент аҳлига ўз номимдан, ҳалқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман, деди Юрбошимиз.

Ҳаммамиз яхши биламиз, кейинги йилларда Тошкент шаҳрида эришилган ютуқлар билан бирга, ишда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар, одамларнинг норозилигига сабаб бўлаётган, ҳали-бери ечиласдан келаётган турли муаммолар ҳам, афсуски, йўқ эмас.

Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, шаҳар ва туман раҳбарлари, барча фаолларимиз қўлини холисона қўксига қўйиб, ўзига ўзи ҳисоб бериши, бу камчиликларни бартараф этиш тўгрисида бош қотириши ҳам қарз, ҳам фарздир. Бундай нуқсонларни шу залда ўтирганларнинг кўпчилиги яхши билади, мингминглаб ҳамشاҳарларимиз ўз кундалик ҳаётида бу муаммоларга доимо дуч келади, деди Ислом Каримов.

Аввало, одамларни рози қилиш, аҳолининг ташвишларидан узоқ бўлмаслик, унинг дарди билан яшаш ҳар қайси раҳбардан ўз ишига танқидий қараб, мен шу талабларга жавоб беряп-

манми ёки йўқми, деган саволни ўзига бериши, ўз масъулиятини ошириш, зиммасига юклатилган вазифани ўз вақтида бажариш ва қонунга сўзсиз итоат қилишни тақозо этади.

Шу маънода, раҳбар кадрларнинг масъулияти ҳақида фикр юритганда, бу борада Тошкент шаҳрида бир қанча нуқсонларга йўл қўйилаётганидан, афсуски, кўз юмиб бўлмайди. Ўз фаолиятида турли қонун бузилишларига, вазифани суистеъмол қилишга йўл қўйгани учун кейинги вақтда Бектемир тумани ҳокими А. Ҳошимжонов, Миробод тумани ҳокимининг ўринbosари А. Абдураҳмонов, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси бошлиги А. Ҳасанхўжаев, бинолардан фойдаланиш департаменти бошлиғи М. Мирсагатов, «Тошшаҳаргаз» бошқармаси бошлиғи А. Сайдвалиевнинг жиноий жавобгарликка тортилгани шундан далолат беради. Шунингдек, шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Б. Камолов, Олмазор тумани ҳокимининг биринчи ўринbosари Б. Турсунов хизмат вазифасини талаб даражасида бажара олмагани сабабли ўз вазифасидан озод этилди.

Тошкент шаҳрида фуқароларнинг давлат идораларига мурожаатлари, шикоят ва аризаларига муносабат масаласида ҳам камчиликлар йўқ эмас. Албатта, бундай мурожаатлар белгиланган тар-

тибда кўриб чиқилмоқда, уларга жавоб ҳам берилмоқда. Лекин таҳлиллар баъзан шаҳар ва туман ҳокимликлари мутасаддилари томонидан бу масалада сансалорлик ва расмиятчилик, камчиликларни ўз вақтида бартараф этмасдан, айбор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрмаслик ҳолатларига йўл қўйилганини кўрсатмоқда. 2011 йилда Тошкент шаҳар фуқароларининг Президент девонига шикоят ва аризалари сони 2010 йилдагига нисбатан ўртача 11 фоизга ортгани ҳам бу борадаги аҳволнинг қониқарли эмаслигидан дарак беради.

Бу ҳақда гапирганда, мана шундай мажлис ва учрашувларда кўп бор айтиладиган, кўп қарорларда қайд этилган бир фикрни таъкидлаш лозим. Яъни, ҳар қайси мурожаатнинг ортида тирик жон турибди, уларда кимнингдир арз-доди, керак бўлса, дарди, айрим амалдорлар томонидан йўл қўйилган адолатсизлик турганини ҳеч қачон унутмаслик лозим. Бу масалалар бўйича биз қанча лоқайд ва бетараф бўлиб юрсак, одамларнинг норозилиги шунча кўпаяди. Такрор айтаман, юзага келган бирон-бир муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлади, деган кайфият билан юриш жуда катта хато бўлади. Агарки ҳар қайси раҳбар, етакчи ўзи дуч келган муаммони бугун ечмаса, эртага кеч бўлади. Раҳбарнинг асосий бурчи ва вазифаси ҳам айнан ана шундан иборат.

Яна бир масала шуки, бундай мурожаатларни кўриб чиқаётганда, аризаларни жойларга бориб текшираётганда, биринчи навбатда, кимга суюниш керак? Авваламбор, жамоатчиликка, маҳалла фаолларига. Шунинг учун ҳам бундай мурожаатларни жойларда қанча кўп очик, ошкора муҳокама қиласидиган бўлсак, уларнинг ечими бўйича амалий чоралар кўрадиган бўлсак, ариза ва шикоятларнинг сони шунча камаяди. Қайси бир шикоятда ҳақиқат, қайси бирида эса шахсий адоват борлиги айнан шундай муҳокамалар пайтида аён бўлади.

Аҳолини иш билан банд қилиш масаласида ҳам Тошкент шаҳрида муаммолар кам эмас. Одамнинг ҳаётга, давлатга, ҳокимиятга жуда кўп талаблари бор, лекин улар орасида бир ҳаққоний талаб борки, уни ҳеч ким инкор этолмайди. Бу — ҳар қайси одамнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш, унга ўз қобилият ва истеъодига муносаб иш топиб бериш масаласидир. Бу — биринчи навбатда маҳаллий ҳокимият, тегишли давлат идораларининг энг асосий вазифасидир.

Тошкент шаҳрида ўтган йили 82 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилгани, жумладан, касб-хунар коллежларини битирган 33 минг нафардан ортиқ ўғил-қизларимиз ишга жойлаштирилгани албатта эътиборга лойиқ. Лекин Бектемир туманида кичик корхона ва микро фирмаларни ташкил

қилиш, Яккасарой ва Учтепа туманларида эса касаначилик ҳисобидан иш ўринлари яратиш режаси тўлиқ бажарилмагани, Миробод, Сирғали, Чилонзор, Ҳамза туманларида бу борадаги ишлар талаб даражасида эмаслигини қандай баҳолаш мумкин?

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳридаги бандлик хизматлари томонидан 5 минг 100 киши ишсиз сифатида расман рўйхатга олинган. Аммо ўйлайманки, уларнинг ҳақиқий сони анча кўп. Нега деганда, минг афсуски, ишсиз юрганларнинг кўпчилиги ўз вақтида бандлик идораларига бориб, рўйхатга турмайди, ўз дардини ўзича ҳал қилмоқчи бўлади. Бундай ҳолатни ҳам ўзгартириш вақти келди. Масалан, Тошкент шаҳрида 5 минг 100 киши ишсиз эканига ким ишонади? Шунинг учун бандлик хизмати идоралари ўз ишини тубдан қайта кўриб чиқиши зарур.

Маълумки, бугунги кунда ишсизлик масаласи бутун дунёда энг катта муаммога айланмоқда. Ҳатто энг ривожланган давлатлар ҳам шундай муаммони бошидан кечирмоқда. Европадаги етакчи мамлакатларда 8—9 фоиз, баъзиларида эса ҳатто 20 фоизгacha одам ишсиз экани кузатилмоқда.

Шундан хулоса қилган ҳолда, биз бу борада мунтазам равишда иш олиб боришимиз, унинг ечими ҳақида бош қотиришимиз керак. Одамлар

учун барқарор даромад манбаи, муносиб иш ўринларини яратиб бериш зарур. Ўзингиз ўйланг, агар мана шу залда ўтирган раҳбарлар ва фаолларнинг ҳар бири 5—10 тадан янги иш жойлари ташкил этиб берса, бу қандай катта савоб иш бўлар эди деб қайд этди Юртбошимиз.

Аҳолини иш билан таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қандай катта роль ўйнашини кимгадир исботлаб, тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Лекин ана шу муҳим соҳани ривожлантиришда Тошкент шахрида айрим камчиликлар мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Аввало, ўз ишини ташкил этаётган тадбиркорлар бино ва иншоотлар қуриш учун рухсатнома олишда, коммунал хўжалик ва муҳандислик тармоқларига уланишда ҳали-бери бюрократик тўсиқларга дуч келаётганини, назорат органлари томонидан хўжалик субъектлари фаoliyatiга асоссиз аралашувларга йўл қўйилаётганини очиқ тан олиш лозим.

Такрор ва такрор айтишга тўғри келади — бугунги кунда айни шу масала, яъни аҳолини, авваламбор, ёшларимизни иш билан таъминлаш муаммосини ечиш, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг ҳаёт даражасини оширишда, юртимизда барқарорликни мустаҳкамлашда, одамларни рози қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини асло унутмаслигимиз керак.

Ҳаммамизга маълум, биз бу йил жуда оғир қиши мавсумини бошимиздан ўтказдик. Айни мана шундай қийин мавсумда шаҳар хўжалигига, айниқса, коммунал соҳада ўз вақтида эътибор берилмаган муаммолар лоп этиб ўртага қалқиб чиқади. Тошкентда қаҳратон қиши палласида иссиқлик таъминотида, электр энергияси, табиий газ билан таъминлашда айрим муаммолар юз бергани ҳам сир эмас.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, шаҳардаги 8 минг 244 та кўп қаватли уй-жойнинг 1 минг 252 таси қишига яхши тайёрланмаган. Жумладан, қозонхоналарни қиши мавсумига тайёрлашда йўл қўйилган камчиликлар туфайли декабрь ва январь ойларида 2 та йирик корхона томонидан аҳолига иссиқлик энергияси етказиб беришда узилишлар вужудга келган.

Шунинг учун шаҳар ҳокимлиги яқин кунлар ичида кузги-қишки мавсум якунлари бўйича алоҳида мажлис ўтказиб, бу борадаги ишларнинг аҳволига танқидий ва принципиал баҳо бериши керак.

Ким мана шу оғир пайтда ўзини аямасдан, жонкуярлик кўрсатиб ишлаган бўлса, у оддий ишчи ёки мутахассис бўладими, бундай заҳматкаш инсонларнинг барчасига раҳмат айтиш, рафбатлантириш, керак бўлса, Президент номидан мукофот бериш, давлат мукофотларига тавсия

этиш лозим. Лекин бу масалага совуққонлик билан қараб, ишда нүқсонларга йўл қўйган лавозимда ўтирган раҳбарларнинг масъулиятини ошириш учун тегишли чоралар кўриш зарур, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Айни вақтда шаҳардаги мавжуд тураржой фондини сақлаш борасидаги ишларнинг аҳволи ҳам талаб даражасида эмаслигини қайд этиш даркор. Аксарият уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўз вазифасини тўлиқ бажармаётгани туфайли 1991 йилгача қурилган 300 дан ортиқ кўп қаватли уйда капитал таъмиглаш ишлари амалга оширилмаган, ўтган йили уйларнинг ташқи томонини таъмиглаш ишлари фақат 89 фоизга бажарилган, холос. Етарли маблағ ажратилганига қарамасдан, кўп қаватли уйлардаги 36 та лифт ўз вақтида ўрнатилмаган.

Юқорида келтирилган хато ва камчиликларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг келгусида такрорланмаслиги учун хulosса ва сабоқ чиқариш, бу борада аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш энг асосий вазифа сифатида қаралиши зарурлиги сессияда алоҳида қайд этилди.

Мана, қишдан эсон-омон чиқиб олдик, насиб этса, ҳадемай Наврӯз байрамини ҳам биргаликда ўтказамиз. Мана шундай вақтда, содда қилиб айтганда, «илик узилди» пайтда одам организми тўйимли, витаминга бой маҳсулотга эҳтиёж сези-

ши табиий ҳол. Лекин айни шундай вазиятдан, яъни ўтган йили етиштирилган дәхқончилик маҳсулотлари камайиб, янгиси ҳали чиқмаганидан фойдаланиб, баъзи бир ноинсоф кимсалар бозорда озиқ-овқат, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархини ошириб юбориши — яширишнинг ҳожати йўқ — бу ҳам бор гап.

Биз бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида кейинги йилларда ўз вақтида тегишли чоралар кўриб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тегишли захирасини яратиш бўйича қилаётган ишларимиз, ўйлайманки, сизларга яхши маълум, деди Президентимиз. Жумладан, ўтган йили куз мавсумида Тошкент бўйича 71 минг тоннага яқин картошка, пиёз, сабзи, карам ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захира учун жамгариб қўйилгани қиши мавсумида бозорларимиздаги серобчиликни таъминлаб, нарх-навоининг кескин ошиб кетмаслигига олиб келди. Буғунги кунгача ана шу захиранинг 61 фоизи бозор нархларига нисбатан 25—30 фоизгача арzonлаштириб сотилгани аҳолимиз учун сезиларли мадад бўлди.

Шу билан бирга, чорва ва парранда гўшти, сут, тухум, балиқ маҳсулотлари ҳам фермер хўжаликлари билан тузилган шартномалар асосида пойтахт бозорларига мунтазам етказиб бериладётганини қайд этиш зарур.

Бу ҳақда гапирганда, Тошкент шаҳрига вилоятларимиздан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бераётган миришкор дехқон ва фермерларимизга, бу ишларни ташкил қилаётган инсонларга сизларнинг номингиздан, азим Тошкент аҳли номидан раҳмат айтишни ўринли, деб биламан, деди давлатимиз раҳбари.

Сессияда яна бир муҳим масала, яъни Тошкент шаҳрида қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳақида ҳам сўз юритилди. 2011 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилган тадбирлар натижасида жиноятлар сони 2010 йилдагига нисбатан 1,6 фоиз камайишига эришилгани таъкидланди. Жумладан, қотиллик, фирибгарлик, безорилик, ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар камайган. Лекин айни вақтда қасдан оғир тан жароҳати етказиш, ўғрилик ва талончилик жиноятлари ўсгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди.

Афсусланарли жиҳати шундаки, баъзан қонун посбонлари бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан жиноят содир этиш ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Буни ўтган йилнинг ўзида ички ишлар идоралари ходимларидан 12 нафари, солиқ идораси ходимларидан 3, божхона идораси ходимларидан 4 нафари, шунингдек,

1 нафар судья жиноий жавобгарликка тортилгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Шу ўринда мен илгари ҳам айтган бир фикрни яна такрорлашни зарур деб биламан. Маълумки, биз ҳуқуқий-демократик давлат қурмоқдамиз. Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир, деди Ислом Каримов.

Албатта, тегишли қонунларни қабул қилиш мумкин, лекин бу қонунлар бажарилмаса, одамлар, аввало, раҳбарлар, қонун ҳимоячилари бўлган ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари қонунга итоат қилмаса, бундай шароитда адолатга, ҳокимиятга ишонч қоладими ўзи? Адолатга, ҳокимиятга ишонч йўқолган жойда аҳвол қандай тус олишини, ўйлайманки, тасаввур қилиш қийин эмас ва бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳаётий тажриба шуни кўрсатадики, одамлар кимгадир, нимагадир ишончини йўқотса, кейин уни тиклаш албатта қийин бўлади. Ҳуқуқ-тартибот органларида ишлайдиган одамларнинг ўзини тутиши, хизмат ва муомала маданияти ҳақида мен бу ўринда бежиз сўз юритаётганим йўқ. Нега деганда, форма кийиб, гердайиб юришдек совет давридан қолган салбий ҳолатлар ҳали ҳам, афсуски, йўқ эмас. Ички ишлар, прокуратура ва хавфсизлик идоралари хизматчилари ўз вазифа-

сини бажаряпти, буни албатта эътироф этиш керак. Айни вақтда шуни ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозимки, бугунги кунда ҳукуқ-тартибот идоралари ходимларига нисбатан бошқаларга қараганда бир неча баробар қаттиқ талаб қўйилмоқда. Чунки улар аввало давлат, ҳокимиятномидан иш олиб боради ва бу масъулиятни эсдан чиқаришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, деб таъкидлами Юртбошимиз.

Бу масалада жамоатчилик назорати, маҳалланинг роли ва таъсири жуда кучли эканини ҳассомиз яхши биламиз. Шу борада мен илгари ҳам тўхталиб, маҳалла — халқ виждони, деган фикрни билдирган эдим, деди Президентимиз. Ҳақиқатан ҳам, энг виждонли, меҳр-оқибатли, одамнинг қадрига етадиган инсонлар айнан маҳаллада яшайди. Шунинг учун ҳам маҳаллани том маънода ўзини ўзи бошқариш идорасига айлантириш, унинг ҳукуқ ва ваколатларини янада кучайтириш масаласи бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиши даркорлигига мажлисда алоҳида ургу берилди.

Бизнинг бугунги ва эртанги тараққиётимиз билан bogлиқ энг муҳим масалалар — бу қурилиш ёки ободонлаштириш бўладими, коммунал хизмат, маънавий ҳаётимизни юксалтириш, оила, ёшлар тарбияси билан боғлиқ масалалар бўладими — буларнинг барчасида мен аввало

кўпни кўрган маҳалла оқсоқоллари ва фаолларини ўзимнинг энг яқин кўмакчим, таянчим ва суюнчим, деб биламан ва мана шундай кўп қиррали фаолияти учун, шу фурсатдан фойдаланиб, уларга чин қалбдан ташаккур билдираман.

Албатта, Вазирлар Маҳкамаси юқорида зикр этилган барча масалаларни нафақат Тошкент шаҳрида, балки бутун мамлакат миқёсида кўриб чиқиши ва тегишлиchorалар белгилаши зарур, деди Ислом Каримов.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсиясига биноан, Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажариб келаётган Раҳмонбек Жаҳонгирович Усмонов Тошкент шаҳар ҳокими этиб сайланди.

Барчамиз яхши тушунамиз, яхши англаймиз: Тошкент шаҳрига раҳбар, етакчи бўлиш, аввалио, кўп миллатли пойтахт аҳлини бирлаштириш, ишни оқилона ташкил этиш, шаҳар ва туман раҳбарлари, маҳалла оқсоқолларининг бошини қовуштириш, уларга суюниш ва таяниш, депутат ва фаолларни умумий мақсад йўлида сафарбар қилиш, энг муҳими, шу азим шаҳарда истиқомат қилаётган халқнинг ҳаёт сифатини юксалтириш, уни рози қилиш — сўзсиз ўта оғир ва мураккаб вазифадир, деди Юртбошимиз.

Бундай раҳбар кенг миқёсда фикрлаши ва узоқни кўриб иш тутиши лозим. Бугунги шиддатли ҳаёт эртага йўлимиизда пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммо ва таҳдидларга тайёр бўлиб, уларнинг ечимини доимо ўйлаб яашни талаб қиласди.

Раҳбар талабчан ва қаттиққўл бўлиш билан бир қаторда, албатта, инсофли ва адолатли бўлиши, кўлга киритган ютуқлардан, атрофдаги лаганбардорларнинг хушомадгўйлигидан бузилмаслиги, оёғи ердан узилмаслиги, нафс балоси ва манманликка берилмаслиги даркор.

Албатта, бундай кўнималарни одамга махсус ўргатиб бўлмайди. Кўп нарса унинг имони бутунлиги, иродаси мустаҳкамлигига боғлиқ, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун сизлар билан учрашиб, ютуқлар билан бирга ҳали ечилмаган муаммолар ҳақида фикр алмашиб, Тошкентнинг янада гўзал ва обод бўлиши учун, унга бўлган фарзандлик меҳризини амалий ишларда намоён этиш учун кўзда тутилган режаларимиз ҳақида гапирганда, ўйлайманки, шу залда ўтирган ҳар қайси инсон албатта тўлқинланиб кетади, бамисоли унда қанот пайдо бўлади, десам, адашмаган бўламан. Сизлар билан ана шундай режаларни амалга оширишда Оллоҳдан мадад сўраб, барчангизни кириб келаётган Наврўз байрами билан самимий

табриклаб, яхши кунларда учрашишни тилаб қоламан, деди давлатимиз раҳбари пировардида.

Сессияда сўзга чиққан Олмазор туманидаги «Гуручариқ» маҳалла фуқаролар йигини раиси Хайрулла Ҳикматов, Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази мутахассиси Феруз Раҳматуллаева ва бошқалар Президентимиз нутқида Тошкент шаҳрининг бугунги тараққиёти, келгуси истиқболлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилганини таъқидлаб, кўрсатиб ўтилган камчилик-нуқсонларни бартараф этиш, шаҳар олдида турган муҳим ва долзарб вазифаларни бажариш, ислоҳотларимиз самарасини ошириш учун бутун пойтахт аҳли астайдил меҳнат қилади ва кўзланган марраларга албатта эришади, деб таъкидладилар.

НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Табиат уйғониб, баҳор нафаси тобора кучайиб, она заминимиз яшил либосга бурканиб бораётган шу ёруғ ва мунаvvар кунларда сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон халқини юртимизга кириб келаётган Наврӯзи олам — янгиланиш ва яшариш байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан баҳтиёрган.

Наврӯз айёми барчамиз учун шарқона янги йил дебочаси, серҳосиллик ва қут-барака гоясими ўзида мужассам этадиган, бизнинг миллий табиатимиз ва қадриятларимиздан ажратиб бўлмайдиган, ҳар қандай сиёsatдан холи, энг қадимий, энг севимли байрамимиздир.

Бундан минг йиллар аввал, кўхна «Авесто» яратилган замонларда ҳам бизнинг аждодларимиз бу дилбар фасл кунлари Сирдарё ва Амударё бўйларида, чексиз Туроннинг қишлоқ ва

кентларида, дашту далаларда табиат билан тиллашиб, Наврӯз нашидасини сурганлар, күш ҳайдаб, далага дон сочиб, тинчлик-омонлик тилаб, янги орзу-ниятлар билан яшаганлар.

Наврӯзи олам, том маънода, ўзининг руҳи ва гоялари билан инсоннинг доимо она ер ва табиат билан ҳамнафас бўлиб яшаши, ҳар қайси одамнинг қалбида, унинг дини ва миллатидан қатъи назар, яшамоқ ва яратмоқ интилишларини уйғотиш, аҳиллик ва бирдамлик туйғуларини мустаҳкамлаш учун хизмат қилиб келмоқда.

Бунинг яққол исботи шу кунларда юртдошларимизнинг бағрини кенг очиб, табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўк сомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида, яшил майдон ва кўкаламзорларда сайдил-томушалар қилиб, Наврӯз айёмини шоду хуррамлик билан кутиб олаётганида, нишонлаётганида намоён бўлмоқда.

Одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва муруват, кексаларнинг дуосини олиш, кўнгли яrim, етим-есирларнинг бошини силаш, ногирон ва муҳтоҷ оиласаларга беминнат ёрдам бериш каби халқимизга мансуб ажойиб фазилат ва савобли ишлар ҳар қайси маҳалла ва гўшада ўзининг аксини топмоқда.

Наврӯз фаслида турли низо ва адоватлар унтилади, ҳар қайси инсон ўз оила аъзоларини,

қадрдонларини бағрига босиб, таниш-билишларини қутлаб, уларга соғлик-омонлик, тинчлик-осойишталик тилайди, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлишини истайди.

Шу мунаввар дамларда халқимизнинг барча орзу-умидлари, қалби ва вужуди Наврӯз руҳи ва foяларига ҳамоҳанг, уйғун ва муштарак бўлиб ривож топаётганига она юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон яна ва яна бир бор иқрор бўлади.

Айнан шунинг учун бу бетакрор ва гўзал айёмини эл-юртимиз орзиқиб кутади, ўз соғинчларини ва орзу-истакларини, ёруғ чехрасини намоён этишга интилади.

Айнан шунинг учун Наврӯзимизни ўтмиш ва яқин тарихимизда не-не мустабид тизимлар ҳар қанча уринмасин, биздан — ўзбек халқидан тортиб ололмади.

Ҳеч шубҳасиз, айтиш мумкин: аввало, халқимизни ўз ота-боболарининг ўлмас қадриятларига, урф-одатларига бўлган садоқати, ирода ва қатъияти туфайли Наврӯзи олам, мана, минг йиллар давомида юртимизда безавол, абадий яшаб келмоқда.

Бундай ориятли, ўзлигини, ўз қадр-қимматини юксак баҳолайдиган улуг халқнинг фарзандлари, давомчилари эканимизни ҳис этиб, барчамизнинг қалбларимиз беихтиёр гуур va ифтихорга тўлади, десам, шу муҳташам майдонда

тўпланган сиз, азизларнинг фикри-зикрингизни айтган бўламан.

Муҳтарам ватандошлар!

Узоқ давом этган қиши қаҳратонидан сўнг офтобнинг чароғон чеҳрасини кўриб, беғубор кўклам ҳавосидан нафас олар экан, ҳар бир одам худдики қайтадан туғилиб, ўзини, дунёни янгитдан кашф этаётгандек ҳис қилиши табийидир.

Шу маънода, бу йилги баҳор фаслини ҳаммамиз ҳар қачонгидан ҳам соғиниб, интизорлик ва қувонч билан кутиб олаётганимиз — буларнинг барчаси мамлакатимизда «Мустаҳкам оила йили» деб ном олган 2012 йилда ҳам қўзланган марраларимизни, албатта, қўлга киритамиз, деган ишонч туғдиради.

Жорий йилда ҳам бошлаган эзгу ишларимизни, демократик ва эркинлаштириш ислоҳотларини давом эттириш, аҳолимизнинг даромади, пенсия, нафақа ва стипендияларини кўпайтириш ҳисобидан халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янги босқичга кўтаришга эришамиз, иншоолло.

Бу йилнинг юртимизга сернам келиши, кузда эккан экинларимиз тобора кучга тўлиб, бўй чўзаётгани, янги мавсумга чуқур тайёргарлик кўрганимиз, насиб этса, фидойи ва заҳматкаш бободеҳқонларимизнинг орзу-умидлари, албатта,

ушалади, ҳосилимиз мўл бўлади, деб ишонч билдириш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Халқимиз азал-азалдан ёшликни умр баҳори, деб таърифлайди, фарзандларига атаб ниҳол экиб, боғ яратади. Бугун Алишер Навоий бобомизнинг муборак сиймоси қад ростлаган шу азим боғда тўпланиб ўтирган, билаги кучга тўлиб, қўзлари файратдан ёниб турган, ҳеч кимдан кам бўлмасдан вояга етаётган ёшларимизга қаратади, юрагимдан чиқадиган самимий туйгуларимни изҳор этмоқчиман:

Шу азиз ва муқаддас Ватанимиз сизларга, сизларнинг ҳар бирингизга ишонади.

Ана шундай юксак ишонч барчангизга мададкор бўлсин, куч-қувват берсин. Шу ишончга ҳамиша муносиб бўлинг, азиз фарзандларим!

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу нурафшон ва шукуҳли айёмда бизга ҳамроҳ ва хайриҳоҳ бўлган, дўстлик қўлини узатган барча мамлакатлар ва халқларга, узоқ-яқин қўшниларимизга бағримизни кенг очиб, самимий салом ва табрикларимизни йўллаймиз.

Бугунги шодиёнамиизда иштирок этаётган чет давлатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча ҳамкор ва шерикларимиз, хорижий дўстларимизга миннатдорлик билдириб, уларни Наврӯзи олам билан чин дилдан табриклишга ижозат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугун мана шу гўзал ва бетакрор майдонда тўпланган сиз, қадрдонларимга, сизлар орқали бутун халқимизга яна бир бор чуқур ҳурмат-эҳтиромимни ва самимий тилакларимни билдиromoқчиман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Ҳар бир хонадоннинг дастурхони тўкин-сочин, ҳар бир оила мустаҳкам бўлсин!

Ҳар бир инсоннинг баҳту саодати зиёда бўлсин!

Эл-юртимизни хавфу хатарлардан, бало-қазолардан Яратганинг ўзи арасин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА ИНСОН ОМИЛИ – БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ГАРОВИДИР

Бугун мамлакатимизда буюк бир тарихий сана, яъни Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Фалабанинг 67 йиллиги нишонланмоқда. Айни шу дамларда халқимиз, авваламбор, мана шу урушда қатнашиб, Ватан учун, юрт учун жон берган инсонларни эслаб, уларнинг хотираси олдида бош эгиб таъзим қилмоқда. Бу урушда ҳақиқий қаҳрамонлик, мардлик ва жасорат намунасини кўрсатган, бугунги кунда орамизда соғ-омон, бардам ва тетик бўлиб юрган юртдошларимизни қадрлаб, уларга ҳурмат-эҳтиром бажо келтирмоқда.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, уруш қатнашчиларини, фахрийларимизни, бизга маънавий мадад ва ибрат бўлиб, сафимизда юрган оталаримиз, акаларимизни табриклаб, уларга чин қалбимдан ўзимнинг самимий ҳурматимни билдиришдан гоят мамнунман.

Бугун буюк Фалабани байрам қиласар эканмиз, унинг инсоният, жумладан, бизнинг халқимиз

учун фоят қимматга тушганини ҳам унутмасли-
гимиз зарур, деб ўйлайман. Рақамларга мурожа-
ат қиласиган бўлсак, мана шу мудҳиш урушда
Ўзбекистондан бир ярим миллион киши қатнаш-
ган. Агарки шундан 500 мингга яқин инсон жанг
майдонларидан қайтмаганини инобатга олади-
ган бўлсак, бир холосага келишимиз мумкин: бу
бешафқат уруш юртимиздаги биронта оила, би-
ронта хонадонни четлаб ўтгани йўқ.

Бугун ҳаммамиз бу рақамларга яна эътибор
бериб, улар нақадар чуқур қайғунинг асоси, за-
мини эканини англаб, халқимиз қандай қонли
урушда қатнашгани ва Фалаба учун муносиб ҳисса
қўшганини яна ва яна бир бор хаёлимиздан ўтка-
зишимиз, ўйлайманки, ўринли бўлади.

Орадан йиллар ўтади, замонлар ўтади. Лекин
мана шу урушнинг асоратлари, авваламбор, эл-
юртимиз қўксидаги айрилиқ яраси ҳеч қачон бит-
майди, унутилмайди. Ўзбекистонимиз, она юр-
тимиз учун, шу заминда яшаётган инсонларнинг
тинч-омон яшаши учун ҳақиқатан ҳам қанча-
қанча юртдошларимиз ўзининг ёш жонини бер-
гани, қўлига қурол олиб, жасорат ва қаҳрамон-
лик кўрсатгани, уларнинг азиз номлари халқи-
миз, авлодларимиз хотирасида абадий сақланади.

Эл-юртимиз мард ва ботир ўғлонларининг
хотирасини қалбида, юрагида асраб, миннатдор-
лик билан ёд этиб, Яратганимиздан уларнинг

охирати обод бўлишини сўрайди. Чунки халқимиз, миллатимиз ҳаётида ўтганларни эслаш, уларнинг тарих ва келажак олдидаги хизматлари, бугунги ҳаёт учун сингган меҳнатларини ҳеч қачон унутмаслик, мана шундай одат ва хислатлар биз учун муқаддас қадриятга айланиб, қонқонимиз, суяк-суягимизга сингиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Балки, айни мана шундай қадрият, мана шундай одат халқимизни бошқалардан ажратиб турадиган ноёб бир хусусият, фазилат десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ҳақиқатан ҳам, жаҳон тарихидаги энг қонли, энг даҳшатли қирғин бўлган Иккинчи жаҳон уруши Совет Иттифоқида — жумладан, Ўзбекистон ҳам ўша пайтда ана шу давлат таркибида бўлган — яшаган 27 миллион одамнинг ҳаётига зомин бўлган. Бу рақамда турли миллат ва элатга, дин ва эътиқодга мансуб қанча-қанча инсонларнинг гулдек умри, уларнинг доғида куйиб ўтган муштипар оналар, суюкли ёрлар, қадрдон инсонларнинг чексиз гам-ғуссаси мужассам экани, буларнинг барчасини сўз билан ифода этишга инсон зоти ўзи ожизлигини инобатга оладиган бўлсак, бу нақадар бир мудҳиш, онгли одамнинг хаёлига асло сифмайдиган фожиа экани аён бўлади.

Такрор ва такрор айтишга тўғри келади — ана шу 27 миллион одамнинг орасида Ўзбекистон-

дан сафарбар қилинган халқимиз вакиллари ҳам бор эди. Шунинг учун бу урушнинг ҳеч қачон қайтарилимаслиги, ҳеч қачон такрорланмаслигиги ни бизнинг халқимиз ҳаммадан ҳам кўпроқ истайди. Умуман, эзгу ният билан яшаётган ҳар қайси одам, у қаерда, дунёнинг қайси чеккасида бўлмасин, албатта шу ҳақда бош қотиради, шу ҳақда қайфуради, шу ҳақда қандайдир режаларни тузади, бундай даҳшатли қирғин қайтарилимаслиги учун ҳаракат қилишга, курашишга интилади.

Албатта, бугун эркин, озод яшаётган авлод «Энди уруш бўлмайди» деган эзгу ният, қатъий ишонч билан ҳаёт кечирмоқда. Мен бундан кейин дунёга келадиган авлодлар ҳам мана шундай, ҳеч қачон уруш бўлмайди, фақат тинчлик хотиржамлик, фаровонлик бўлади, деган ишонч билан яшашини истардим. Менимча, буни бутун инсоният, ер юзидаги барча соғлом кишилар истайди. Ахир, дунёдаги динларнинг ҳаммаси одамзотни ягона олий мақсадга, яъни жаҳонда ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатлик қарор топиши, инсонлар бир-бирига ёрдам ва қўмак бериб яشاши учун, бир сўз билан айтганда, бахт-саодатнинг асосий шарти ва гарови бўлган тинчлик ва эзгуликни асраб-авайлашга даъват этмайдими?

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, мана, уруш тугаганига 67 йил бўляпти. Лекин, минг

афсуски, дунёдаги айрим кучларнинг ҳали-бери тарихдан зарур хулоса ва сабоқ чиқариб олмагани маълум бўлмоқда. Биз бу галабани фашизм устидан қозонган галабамиз, деб эслаймиз, бунда ҳалқимизнинг муносиб ҳиссаси борлигидан хурсанд бўламиз, қалбимиз фурур-ифтихорга тўлади. Бу мудҳиш балони оstonамизга қўймаган жасур ота-боболаримиз олдида таъзим қиласмиз, уларнинг қаҳрамонлигини ҳеч қачон унутмаймиз, деб ўзимизга қасамёд қиласмиз.

Минг афсуски, кишилик тарихида мана шундай ваҳшийлик, мана шундай урушни яна ва яна ташкил қилишга бўлган уринишлар тўхтагани йўқ. Агар дунёга, узоқ-яқин ҳудудларга қарайдиган бўлсак, қанча-қанча тўқнашувлар, қанча-қанча тортишувлар, қанча-қанча куролли ҳаракатлар, керак бўлса, оғатлар, қон тўкишлар ҳануз давом этаётганини кўрамиз. Мана, ёнимиздаги Афғонистонни оладиган бўлсак, ҳозир бу мамлакат ҳудудида янги бир стратегияни, янги ҳаракатларни амалга ошириш бўйича тайёргарлик кўриляпти. Яқинда АҚШнинг Чикаго шаҳрида НАТО ҳарбий блокининг саммити бўлиши кутилмоқда. Бу йигилишда ҳам Афғонистон масаласи муҳокама қилинади. Чуқурроқ қарайдиган, таҳлил қиласидиган бўлсак, Афғонистонда 30 йилдан кўпроқ вақтдан буён давом этаётган урушнинг охири, якуни ҳалигача кўринмаяпти.

Афғонистонда шундай қонли уруш давом этайдын, турли кучлар, гурухлар ўртасида ярашиш, муросага келиш масаласи мутлақо қўрилмаётган экан, бу Ўзбекистон учун, халқимиз учун, умуман, Ўрта Осиёда яшаётган одамлар учун жуда катта таҳдид, жуда катта хавф-хатар, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Ўттиз йилдан ортиқ давом этган уруш етади, энди ярашиш масаласи қандайдир кун тартибига қўйилиши керак. Оддий одамларнинг қалбидаги, юрагидаги мақсад ҳам шу.

Эътибор берсангиз, таассуфки, мана шундай аччиқ тарих ҳам одамзотни тўғри хулоса чиқариб яшашга ўргатаётгани йўқ. Буларнинг барчаси онгли, соғлом фикрлайдиган, тинчликни хоҳлайдиган одамни, ўз болаларининг эртанги кунини ўйладиган одамни албатта ташвишга солади. Халқимизнинг «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган мақоли бежиз айтилмаган. Бунинг маъно-мазмунни жуда чуқур. Шунинг учун агарки Афғонистонда мана шундай уруш, қоили қарама-қаршилик давом этайдын бўлса, эртага бу хавф-хатар бизга нима олиб келиши мумкин, деб доимо — ҳар куни, кечаю қундуз шу ҳақда бош қотиришимиз, сезгир ва огоҳ бўлиб, бундай хавф-хатарларнинг олдини олиш учун биз қандай чора-тадбирларни олдиндан қўришимиз керак, деб яшшимизни бугун вазиятнинг ўзи талаб қилмоқда.

Такрор ва такрор айтаман, сезгир, сергак бўлиб яшашни бугун замоннинг ўзи талаб қилмокда.

Яна бир хавф ҳақида гапирадиган бўлсак, минг афсуски, бу масалада ҳам, ҳозирча камдан-кам одам тарихдан тўғри хулоса чиқаряпти. Керак бўлса, ўзини, ақлини йўқотган бальзи бир доҳийларни тарих ҳеч нарсага ўргатмаяпти. Айтмоқчиманки, ҳозирги кунда миллатчилик деган бало ҳам бош кўтармокда. Бу нима дегани ўзи? Кишилик тарихи унинг оғир оқибатларини, нималарга олиб келиши мумкинлигини кўп кўрган. Аслида фашизм балосининг пайдо бўлишига ҳам айнан миллатчилик асосий сабаб бўлган. Бу ҳақда дунёдаги кўплаб файласуфлар, олимлар ёзмоқда. Лекин бу масаланинг келтириб чиқариши мумкин бўлган фожиали оқибати ҳар томонлама чуқур кўрсатиб берилмаяпти. Ҳолбуки, бундай таҳдидларни ўз вақтида сезиш, уларнинг ёвуз башарасини очиб ташлаш ҳозирги кунда энг дол зарб масала бўлиб қолмоқда.

Бугун биз мана шундай мусаффо осмон остида яшаётган эканмиз, бундай муаммо кимга, нимага керак ўзи? Миллатчиликни байроқ қилиб кўтараётганларга нима керак? Улар қандай яшани истайди? Одамларнинг бир-бирини кўролмаслиги, бир-биридан қандайдир устунлигини

күрсатиши нима учун керак? Миллатчиликни қўзғаётган бу кучларнинг алоҳида тарихи бор эмиш, айтишга тил ҳам бормайдиган томони шундаки, худдики уларнинг томирида бошқача қон айланар эмиш. Менимча, бундай гапларни ақли расо одам ҳеч қабул қила олмайди.

Барака топкур, биз бугун XXI асрда яшаяпмиз. Миллатчилик деган бало ўрта асрларда қолмадими? Нима учун биз бунинг қандайдир таъсирини ён-атрофимизда ҳозирга қадар сезяпмиз? Биттаси тарихни бошқатдан кўриб чиқишни, бошқатдан ёзиб беришни истайди. Шу мақсадда китоблар чиқаряпти, қандайдир институтларни, идораларни ташкил қиляпти. Яъни, ўз миллатини алоҳида миллат деб ажратиб кўрсатяпти. Гўё бу миллатнинг у билан ёнма-ён яшаётган бошқа миллатлардан қандайдир устун жиҳати, ноёб хусусияти бор эмиш.

Агарки биз бундай иллат, бундай балога ўз вақтида баҳо бермасак, унинг оқибати анча хавфли бўлиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан қараганда, фашизм деган бало, мисол учун, агар эсласак, қандай пайдо бўлган эди? Одамнинг табиати шундайки, унга тарихни, тарих ҳақиқатини тез-тез эслатиб турмаса, кўп нарсани унутиб, эсдан чиқаради. Маълумки, Гитлер Германияда 1933 йили ҳокимият тепасига канцлер, яъни ҳукумат раиси бўлиб

келган. Ҳозирги вақтда баъзи жойларда Гитлер давлат тепасига демократик йўл билан келган, деган даъволар, баёнотлар ҳали-бери чиқяпти. Бундай гапларни эшитганда, мен ўзимга ўзим савол бераман: агарки фашизмни ҳукумат тепасига олиб келадиган бўлса, буни демократик йўл, деб айтишга ўзи қандай тил боради ва бу қандай ақлга сифади?

Тарихга нисбатан бундай сохта, юзаки ёндашув ва талқинлар сиз журналистлар, олимлар ва сиёсатшунослар олдига жуда кўп масалаларни долзарб қилиб қўймоқда. Ўйлайманки, қаерда бўлмасин, инсон ҳаёти, унинг келажаги, онги ва маънавиятига қарши қаратилган мана шундай хавф-хатарлар пайдо бўлса, уларни бартараф этишда ҳеч ким четда турмаслиги керак. Бу бало биздан олисда, дунёнинг бир четида бўляпти, унинг бизга ҳеч қандай дахли йўқ, деб яшаш, шундай кайфият билан, шундай фикр билан бепарво бўлиб юриш ва ўзи учун қандайдир кўринмас чегара қўйиб, бундай хатарлардан ўзини холи деб билиш, ўйлайманки, ҳеч қачон яхши оқибатга олиб келмайди.

Бу дунёда ҳамма нарсага дахлдорлик туйғуси билан яшаш, қўшнининг, ёру дўстнинг дардини ўзига яқин олиш, уларга ўз вақтида елқадош бўлиш, ҳар қандай балонинг у бош кўтармасдан туриб олдини олиш, уни таг-томири билан йўқ

қилиш, ўйлайманки, инсонга ярашадиган фазилат бўлади.

Бугун замоннинг ўзи барчамизни мана шундай хавф-хатарлардан огоҳ этиб, бонг урмоқда. Эй одамзот, кўзингни оч! Эй одамзот, атрофга қара! Кечаги тарихга қара! Хулоса чиқар! Сабоқ чиқар! Юзага чиқаётган хавф-хатарларга қарши зарур чораларни кўриш, керак бўлса, барча имкониятларимизни уларга қарши ишлатиш, сафарбар этиш, турли мамлакат ва миллатларнинг қарама-қаршиликка эмас, бир-бири билан тил топишишга интилиб, устимизга ёпирилиб келаётган балоларни томири билан йўқ қилиши яккаю ягона тўғри йўл бўлади.

Қани энди, шу масалани бизнинг матбуотимиз, илмий, ижодий зиёлиларимиз чукур англаб, муҳокама қилса. Бу борада тарихдан қандайдир параллелларни, ўзаро ўхшаш ва яқин воқеа-ҳодисаларни топиб, аниқ хулосалар чиқариш, халқимиз, аввало униб-ўсиб келаётган, катта умид билан ўз ҳаётини ўз кучи билан барпо этишга интилаётган ёшларимиз учун айни муддао бўлар эди.

Тарихий параллел дегани, тарихий хотира дегани нима, деб сўраса, бир вақтлар шу масала бўйича матбуотда ҳам, менинг баъзи чиқишимда ҳам кўпгина фикрлар баён қилинган эди. Тарихий хотира, қисқача айтганда, бу — ҳаёт

мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини англаш демакдир. Такрор айтаман, ҳаётнинг маъносини чуқур англаш, керак бўлса, аждод ва авлодларнинг бир-бирига дахлдорлиги, бир-бирига маънавий замин туғдириб беришини тушуниш тарихий хотиранинг асосини ташкил этади.

Аслида, ҳаёт узвий ва кетма-кет воқеалар занжиридан иборат. Шу маънода, ҳаёт — бу бирбири билан чамбарчас боғланиб кетаётган ҳалқалар тизими, десак, тўғри бўлади. Халқимиз умр — бу оқар дарё, деб бежиз айтмайди. Яъни, ҳаётда ҳамма нарса доимий ҳаракатда ва ўзаро боғлиқ бўлади. Тарихий хотира ана шу воқеа-ҳодисаларнинг энг муҳим қирраларини яхлит ҳолда ўзига қамраб олади, инсонни бефарқлик ва бегамлик туйғусидан уйғотади, унинг фафлат ботқоғига ботиб қолишига йўл қўймайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳаётни англаш дегани — кечаги тарихдан, ўтмишда содир бўлган воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқариб, таъбир жоиз бўлса, уни бугунги ва эрганги кун учун қўлланма сифатида ишлата олиш демакдир.

Ҳозирги кунда униб-ўсиб келаётган, эртага ўрнимизни оладиган ёшларимизни ўз ота-боболари хотирасига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, ўйлайманки, бизнинг нафақат вазифамиз, авваламбор, инсоний бурчимиздир.

Бугун, Иккинчи жаҳон урушида галаба қозонганимизга 67 йил тўлган айёмда мана шундай масалалар ҳақида сўз юритиш, албатта ўринлидир.

Бу ҳақда гапирганда, яна бир фикрга тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан. Яъни, ҳозиргина биз тилга олган хавф-хатарлар, бало-қазоларга қарши курашиб, тегишли чора-тадбирларни ўз вақтида амалга оширишда алоҳида аҳамият беришимиш керак бўлган яна бир масалани ҳеч қачон четлаб ўтиб бўлмайди.

Мен бу ўринда инсон омили ҳақида сўз юритмоқчиман.

Аввало, инсон омили ўзи нима, деб сўраса, мен кишилик тарихида, жумладан, Ватанимиз тарихида барча моддий, маданий бойликларнинг бунёдкори, тараққиётнинг етакчи кучи сифатида намоён бўладиган инсоннинг, халқимизнинг куч-қудрати, ақл-заковати, билим ва тажрибаси, салоҳиятига алоҳида эътибор қаратган бўлардим. Ҳақиқатан ҳам, тарихда халқнинг, Ватанинг истиқболи, иқболи қандай бўлиши ҳақида чуқур ўйлаб, бу масаланинг турли томонларини ўзига тасаввур қилиб, тўғри қарор қабул қилишда, авваламбор, инсон ҳал қилувчи куч бўлган.

Бу фикрнинг замирида жуда чуқур маъно бор. Бир вақтлар, мустабид совет даврида мактабларда бизнинг онгимизга «Бу дунёни доҳийлар бошқа-

ради», «Доҳийлар йўлбошчилик қиласи ва уларнинг жуда ақдли, узоқни қўзлаган сиёсати одамзотни ҳар қандай бало-қазолардан асрайди, миллионларнинг тақдирини ўз қўлига олиб, уларни албатта порлоқ келажакка адаштирмасдан олиб боради» деган фикрлар тинимсиз сингдирилар эди.

Мана, совет даврининг тугаганига ҳам 21 йил бўляпти. Бизнинг ён-атрофимиздаги баъзи давлатларда мана шу фикрларнинг амалдаги ноxуш кўриниши, намуналари, афсуски, ҳали-бери қўзга ташланяпти. Уларни кўрмоқчи бўлган одам кўряпти.

«Доҳий» деган, «миллатбоши» деган ёки шунга ўхшашибошқа иборалар айтиляпти, буларнинг барчаси одамни ўтмиш сабоқлари ҳақида, хоҳлайдими-йўқми, ўйлашга мажбур этади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, яна бир бор айтаман, бундай номақбул ҳолатлардан биз албатта тўғри сабоқ чиқариб, бундай кўринишларнинг ҳаётда нафақат фойдаси бўлмаслиги, аксинча, жуда катта зиёни борлигини ёшларимизга тушуниришимиз ва бунга йўл қўймаслигимиз керак.

Мен халқимизга, авваламбор ёшларимизга мурожаат қилмоқчиман. Нега деганда, келажак — ёшларники. Биз эртанги кунни ким учун қуряпмиз — ёшларимиз учун қуряпмиз. Лекин эртанги

кунимизнинг миллий табиатимизга, ҳаётнинг юриши, ҳаётнинг бориши бизнинг мақсад-муддаоларимизга мос бўлиши учун, ўз олдимизга қўйган мэрраларга эришишимиз учун биринчи навбатда масъулиятни ким зиммасига олиши керак? Албатта, ёшлар олиши керак!

Шу маънода айтадиган бўлсак, тарихни доҳийлар яратмайди, тарихни халқ яратади, бунёдкор инсон яратади. Бу фикр қуруқ шиорга айланмасдан, амалий бир дастурга, фаолиятимиз мезонига айланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳар қайси одам тарихни, айниқса, ўз юрти тарихини яхши билиши керак. Бу тарихдан чиқадиган сабоқ ва хулосаларни ҳам ўзига тўғри тасаввур қилиши керак.

Менга буюрса, мамлакатимизнинг барча ўқув юртларида шу масалаларни маҳсус дарс соатлари орқали болаларимизга, менинг фарзандларимга атрофлича етказган бўлардим. Агарки халқ бўлмаса, халқ қўллаб-қувватламаса, унинг хотиши-иродаси, орзу-интилишларини ифода этмаса, доҳийнинг ўзи ҳеч нарса қилолмайди. Агарки ўзининг амалий ишлари билан халқнинг ишончини қозона олмаса, ҳар қандай доҳийнинг ҳам кўлидан бир иш келмайди.

Беихтиёр савол туғилади: нима учун ўзини доҳий санаб, шунга маст бўлиб юрган одамларнинг хаёлига, менсиз ҳам бу халқ бор эди, мен-

дан кейин ҳам бўлади, деган фикр келмайди? Раҳбарлар келиб кетаверади, Ватан ва халқ абадий қолади. Мен бу сўзларни илгари ҳам айтганман.

Мен бўлмасам, бу халқ ҳеч қачон баҳтли бўлмайди, деган фикрга бориш, ўзини халқдан ҳам юқори қўйиш — бундай манманлик қандай ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ўзини доҳий деб ҳисоблайдиган одамлар ўйлайдими, йўқми?

Шунинг учун ҳам мен бугун инсоннинг тарихдаги роли ва ўрни ҳақида алоҳида тўхталяпман. Бу ҳақда гапирганда, мен такрор айтаман, мана шу ўзимизнинг тарихимизни, Ўзбекистонда мустақиллик даврида биз қураётган жамият, бутун дунё тан олаётган, ҳатто қойил қолаётган ишларимизни инобатга оладиган бўлсак, бугунги кунда халқимиз биз эришган барча ютуқларнинг ижодкори ва бунёдкори эканлиги яққол намоён бўлади.

Мана, яқинда мамлакатимизда, азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш бўйича эришган ютуқлари, амалий тажрибаларини ўрганишга бағищланган иккита халқаро конференция бўлиб ўтди. Бу нуфузли анжуманларда БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкило-

ти, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки сингари йирик халқаро тузилмаларнинг раҳбарлари ва намояндалари, қарийб 50 та мамлакат, жумладан, энг тараққий топган давлатлардан кўзга кўринган олим ва мутахассислар қатнашиб, бизнинг шу соҳалардаги тажрибала-римизни ўрганди ва яна бир бор юксак баҳолади.

Маълумки, ҳамма замонларда ҳам жамият тараққиётининг ҳал қилувчи мезони аҳоли саломатлиги билан, таълим-тарбия тизимининг савияси билан белгиланган. Ана шу соҳаларда мамлакатимиз дунёда етакчи ўринларга чиқаётган бир пайтда бу ютуқларга Ўзбекистон ниманинг ҳисобидан эришяпти, деган савол атрофида албатта кўпгина изланиш ва тадқиқотлар олиб бориляпти, янги-янги фикрлар билдириляпти.

Бу ҳам ўринли. **Жаҳоннинг қайси минтақасида** бўлмасин, бирон-бир янгилик, ўзгариш бўлса, ҳар қайси сиёсатчи, таҳлилчи ёки тадқиқотчи албатта ўз муносабатини билдириб, ўз хулосанини чиқаради. Лекин мендан бугунги кунда Ўзбекистон эришаётган ютуқларнинг асосий мезони нимада, деб сўраса, мен аввало инсон омилида, деб айтган бўлардим. **Жамиятимиз ўзгаряпти, ҳайтимиз ўзгаряпти.** Энг муҳими, одамларимизнинг дунёқарashi, маънавияти, ўз ишига, касбига муносабати кескин ва тубдан ўзгаряпти.

Бугунги юртдошларимизнинг онги 90-йиллардаги одамларнинг дунёқарашидан ер билан осмонча фарқ қиласиди. Буни баъзан ўзимиз ҳам сезмай қоляпмиз. Гүё буларнинг барчаси аввалдан шундай бўлиб келган, деб ўзимизга тасаввур қиляпмиз.

Мана шу Хотира майдонини ёки Ватанимизнинг бош майдони бўлмиш Мустақиллик майдонини олинг, Амир Темур ҳайкали ва хиёбони атрофидаги ободончилик ишларини, қурилган муҳташам биноларни кўринг. Нафақат пойтахтимиз, балки барча шаҳар-қишлоқларимиз, олис ва чекка туманларимиз, умуман, бутун Ўзбекистонимизнинг қиёфаси мутлақо ўзгараётгани нимадан дарак беради? Буларнинг барчаси халқимиз белни маҳкам боғлаб меҳнат қилаётгани, ўз келажагини ўз қўли билан бунёд этиш учун тинимсиз интилаётганидан далолат беради.

Бундай халқни, ўзига, ўз кучига ишониб, қатъият билан олдинга бораётган, эртанги куни ўзига яққол тасаввур этиб, янги-янги марраларни эгаллаш сари катта азму шижиоат билан ҳаракат қилаётган халқни ҳеч қачон ўз йўлидан қайтариб бўлмайди. Бундай халқ ўз мақсад-муддаоларига албатта етади.

Шу маънода, биз эришган, қўлга киритган барча марралар негизида ҳамма ишларимизнинг оғир юкини, масъулиятини елкасига олиб, ул-

кан ютуқ ва мэрраларимизнинг сабабчиси бўлган, ижодкори ва бунёдкори бўлган фидойи инсонларнинг меҳнати, бағрикенг халқимизнинг яратувчилик салоҳияти мужассам, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мана, бу йилни юртимизда «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилдик. Бунинг замирида ҳам ҳаётимизда инсон манфаатлари устуворлиги, ҳар бир инсоннинг ўз халқи, оиласи, Ватани тақдирига дахлдор бўлиб яшashi каби эзгу мақсадлар мужассам.

Барчамизга аён — жамиятда маънавиятнинг ўрни бекиёсдир. Чунки инсон ҳаётга, ён-атрофига рўй берадиган воқеаларга бефарқ бўла олмайди. У фақат пул ёки бойлик учун яшамайди, одамларнинг ташвиши, дардига шерик бўлади, улар учун қуюнади. Биз ёшларимизни айнан мана шундай руҳда тарбиялашимиз даркор. Нега деганда, маънавият, одоб-ахлоқ, ибратли қадриятлар, олижаноб фазилатлар биринчи навбатда оиласда, жамиятда шаклланади. Онанинг қалб туйғулари, маънавияти фарзандига, аввало, унинг оқ сути орқали ўтади. Буларнинг барчаси муқаддас китобларда баён этилган. Шу боис биз «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурини амалга ошириш учун катта куч ва имкониятларни сафарбар этмоқдамиз. Мақсад — оиласалар мустаҳкам бўлсин, ёшлар

катта авлод бошлаган ишларни муносиб давом эттирсин. Токи ҳаётда ўз йўлини излаётган фарзандларимиз ўз онги, ўз ақли билан мана шу foяларнинг тарафдорига, энг асосийси, уларнинг ҳимоячисига айлансан.

Халқимиз ўртасида юртимизда, ён-атрофда бўлаётган барча ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси, ижтимоий ва фуқаролик фаоллиги ўсиб боряпти. Мен телевизорда юртимизда бўлаётган ўзгаришларни курсам, воқеанинг ўзини кўришга унчалик эътибор бермайман, кўпроқ одамларнинг кўзига қарайман, айниқса, ёшларнинг кўзига, уларнинг айтган сўзларига дикқат қиласман. Нега деганда, мен кечаги ҳаётни жуда чуқур ўрганган, сезган, замон гардиши, тарих тақозоси билан кўп-кўп воқеаларни бошимдан кечирган одамман. Ўша даврдаги фаолиятим мисолида ҳар томонлама асосли хулосалар чиқара оладиган одамман.

Демоқчиманки, шиддатли, кескин даврда яшаб, собиқ совет тузумида кўп нарсани англаб етганман. Москвада, энг юқори марказий идораларда мен кирмаган кабинет қолмаган. СССРнинг энг катта лавозимдаги раҳбари Горбачёвдан тортиб, ундан кейинги погонадаги бошқа раҳбарлардан, то иттифоқ вазирларигача — ҳаммаси билан юзма-юз бўлиб, тўқнаш келганман. Бундан ташқари, дунёдаги кўплаб хорижий

давлатларда бўлганман. Шундай экан, солиширишга, қиёслашга, таққослашга менда тўлиқ асослар бор.

Мен умрим давомида нимани бошимдан кечирган бўлсам, барчасини халқим билан бирга кечирганман. «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби саҳифаларида бунинг тасдигини кўриш мумкин. Бу китобда 1989 йилнинг июнь ойидан 1992 йилнинг январь ойигача бўлган даврдаги — икки йил мобайнидаги воқеалар тарихи берилган. Бу китобни ўқиган одам биз мустақиллик арафасида, юртимиз жар ёқасида турган, кичик бир учқун чиқса, бутун республикамиз ўт-олов ичида қолиб кетадиган ўта хатарли бир вазиятда қандай таҳликали воқеалар, қалтис синов ва машаққатларни бошимиздан кечирганимиз ҳақида кўп нарсани тушуниб, керакли хulosса чиқариб олади. Бу китоб билан танишган инсон хоҳлайдими-йўқми, мустақиллик ҳам, бугунги эркин ва озод ҳаёт ҳам осмондан тушмаган экан, деган фикрга, шундай ҳаққоний хulosага келади.

Мен баҳор фаслида, ёз фаслида юртимизнинг мусаффо, тиниқ ва беғубор осмонига қараб, роҳат қилгандек бўламан.

«Мусаффо осмон» деган иборанинг ўзида жуда катта маъно бор. Мен ҳар сафар 30 миллионлик халқимиз мен билан бирга бу мовий осмонни

күриб баҳра оляпти, деб мамнун бўламан. Одам ҳатто бошига қандайдир мусибат тушса ҳам, қандайдир қийинчиликка дуч келса ҳам, шу кенг, ёруғ осмонга қараб, кўнгли ҳам, юзи ҳам ёришиб, худога шукрона қиласи.

Айтмоқчиманки, бугун бизнинг бошимизда мана шундай мусаффо осмон бор. Бундай тинч, ҳар бир куни осойишта меҳнат билан ўтаётган ҳаёт бизга Яратганимиз томонидан бебаҳо неъмат қилиб берилган ва бунинг учун чексиз шукроналар айтсак, арзиди.

Модомики, шундай экан, бу ҳаётга шукроналик туйфуси, кечаги тарихимиздан тўғри хулоса чиқариш, Ватан тақдирига, халқимиз тарихига дахлдор бўлиш, бугун ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг онгу шуурига ўтганлар хотираси азиз ва муқаддас эканини сингдириш ва энг муҳими, аждодлардан ибрат олиб яшаш руҳида уларни вояга етказиш фоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Мана шу муқаддас тупроқ — меники, бу ерда ота-боболаримнинг хоки поклари ётибди, агар шу мусаффо осмон, мана шу ёруғ ҳаёт учун, она Ватаним учун мен курашмасам, мен жонимни фидо қилмасам, ким курашади, деб яшайдиган ўғил-қизларимни кўрсам, улар ҳақида эшитсам, менда худдики қанот пайдо бўлгандек бўлади. Нега деганда, айни шу хусусият ва фазилатларни мен инсон омили деб биламан.

Агарки, инсон шундай фикрласа, шундай эътиқод билан яшаса, айтинглар, бундай одамни синдириб, йўлидан қайтариб бўладими? Мени эшитганлар ўзига шу саволни бериб, яна ўзига ўзи жавоб берсин. Ўйлайманки, барчасининг жавоби ижобий бўлади. Бундай халқни тўхтатиб бўлмайди.

Бу йил истиқолимизнинг 21 йиллигини нишонлаймиз. Агарки шу вақт ичида мамлакатимизнинг бугунги куни ва келажаги учун амалга оширган энг муҳим ишларимиз ҳақида сўрашса, мен аввало тарихан шу қисқа даврда биз ёшлиримизнинг замонавий билим олиши, тарбия тошиши, бошқача айтганда, инсон омилини ривожлантириш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш йўлида қилган улкан ишларимизни айтган бўлардим.

Униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз ота-боболаримизнинг муносиб ворислари бўлиб вояга етиши, XXI аср талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган инсонлар бўлиб камол топиши учун биз бундан буён ҳам куч-ғайратимизни аямаймиз. Чунки, такрор айтаман, эртанги кун — ёшлар қўлида. Ёшларни қўллаб-куватлаш, уларга янада кўпроқ ишонч билдириш лозим. Бу масалага бирёқлама қарамаслик керак. Давлатимиз, жамиятимизнинг бу борадаги вазифаси — кела-жак авлодни ҳаётда ҳар бир одам, ҳар бир ёш

Йигит-қиз дуч келадиган мураккаб синовларга ҳар томонлама тайёрлашдан иборат.

Ишончим комилки, ёшларимиз ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам келажакда ҳали кўп ишларни амалга ошириш лозимлигини, ҳар томонлама етук авлод бўлиб вояга етиш учун бугун ҳаётда керак бўладиган кўплаб билим ва тажрибаларни ўрганиш зарурлигини, бу йўлда тинимсиз ўқиш, ўрганиш ва изланиш даркорлигини яхши англайдилар.

Яна такрорлайман: биз ўз олдимизга қўйган буюк ва эзгу мақсадларга эришиш, дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш ҳақида гапирар эканмиз, бу йўлда бизнинг таянчимиз ва суюнчимиз бўлган ёшларни миллий гоямиз руҳида, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлод этиб тарбиялаш тобора устувор аҳамият касб этади.

Бугунги кунда ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга дадил қадам қўймоқда. Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонаман. Бундай фикр, бундай қарааш 1991 йилдаёқ менинг қалбим, онгу шууримга муҳрланиб, фаолиятимнинг асосий мезонига айланиб қолган, десам, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Ўз ҳаёти, ўз тақдирини мана шу озод Ватан, дунёда яккаю ягона бўлган она Ўзбекистонимиз билан чамбарчас боғлаб, келажак сари катта

ишонч билан интилаётган болалар бу — менинг болаларим. Бундай азму шижаатли, замонавий билим ва касб-хунарга эга, дунё майдонида ўз тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган ёшларни ҳимоя қилишга, уларга мадад беришга, уларга ҳар қандай амалий шароит, имконият ва замин туғдириб беришга мен ҳамиша тайёрман. Чунки мен давлат раҳбари, Президент сифатида ёшларнинг тақдири, халқимиз ва мамлакатимиз келажаги учун жавобгарман.

Албатта, бугунги тинч-осойишта ҳаётнинг қадрига етиб, унинг посбони бўлган миллий армиямизнинг янада кучли ва қудратли, янада замонавий бўлиши учун, Куролли Кучларимиз халқимизнинг чинакам фурур-ифтихорига айланishi учун бу борада бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз шарт. Бу масалага мана шу ҳаётни ҳар томонлама ҳимоялаш, эртанги кунга жуда катта ишончнинг мустаҳкам кафолати сифатида қарашимиз лозим. Буни бугун замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Нега деганда, биз бугун дунёга реал кўз билан қараб, қандайдир хавф-хатарларга ҳам тайёр бўлиб туришимиз керак. Биз шу кунга қадар нимага, қандай ютуқларга эришган бўлсак, факат ва фақат ўзимизнинг кучимиз ҳисобидан эришдик. Ҳеч ким четдан келиб бизга ҳеч қандай қўмак ёки амалий ёрдам бергани йўқ. Шун-

дай бўлган, ўйлайманки, келажакда ҳам шундай бўлади. Энг муҳими, ота-боболаримиз минг йиллар давомида орзу қилиб келган мана шундай эркин, озод, баҳтли ҳаёт кечириш — яъни, энг тараққий топган давлатлар қаторига кириш, халқимиз ҳаётини айни шу мамлакатлар даражасига кўтариш, 1991 йилдаёқ ўз олдимизга қўйган вазифа — буюк давлат қуриш — бизнинг асосий мақсадимиздир.

Мен бу гапларни айни шу Хотира ва қадрлаш кунида, Хотира майдони деб ном олган ушбу табаррук масканда айтиётганим бежиз эмас. Чунки бу майдонга келган одам ҳам тарих, ҳам бугунги кун, ҳам келажак ҳақида ўйлаши, ўзи учун ибратли хулосалар чиқариши табиийdir.

Мен фикрларимни якунлаб айтмоқчиман: албатта, ана шу эзгу мақсад учун, ана шундай ҳаёт барпо этиш учун отланган халқимизга Яратганимизning ўзи мададкор бўлсин!

Менинг истагим, тилагим шуки, Ўзбекистонда яшаётган ҳар қайси хонадон, ҳар қайси оила баҳтли бўлсин!

Мен шу олий мақсад учун бор куч-гайратими ни сарфлаб, халқимга хизмат қилишга, керак бўлса, бутун борлиғимни беришга тайёрман.

Мана, барчамиз кўяпгимиз, шу мақсад йўлида қўяётган амалий қадамларимиз ўз натижасини, ҳосилини беряпти — бугунги ҳаётимиз кечаги ку-

нимиздан тобора обод, мазмунли ва фаровон бўлиб боряпти. Юртимиз ҳар томонлама юксалиб боряпти. Эртанги кунимиз янада ёруғ ва фаровон бўлсин, деган ният билан мен барчангизни шу мақсад йўлида янада фаол бўлишга даъват этмоқчиман.

*Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан
оммавий ахборот воситалари учун
берилган интервью,
2012 йил 9 май*

«УМИД НИҲОЛЛАРИ – 2012» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз болаларим, фарзандларим!

**Ҳурматли ота-оналар, устоз-мураббийлар ва
спорт муҳлислари!**

Аввало, сизларнинг барчангизни мана шу фусункор баҳор айёмида чехраси ва бағрини очиб, янада гўзал қиёфа касб этган Навоий шаҳрида «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Биз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб юртимизда инсон, унинг ҳаёти ва манфаатларини олий қадрият даражасига кўтариш, халқимиз учун муносаб турмуш шароити яратишдек юксак мақсадни ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўйдик.

Ана шундай эзгу мақсадга эришиш йўлида бугун Ватанимиз қўлга киритаётган улкан ютуқ ва марралар дунёning узоқ ва яқин мамлакатларида кенг эътироф этилаётгани халқимизга, бар-

чамизнинг ишончимиз ва таянчимиз бўлган ёшларимизга катта фурур ва ифтихор етказмоқда.

Ёш авлодимизнинг ақл-заковати, қобилияти ва талантини рӯёбга чиқариш, уларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга қаратилган амалий саъй-ҳаракатларимизнинг яна бир ёрқин намо-йиши сифатида бугун Навоий шаҳрида бешинчи бор ўтказилаётган «Умид ниҳоллари» мусобақа-ларида қатъият билан бел боғлаб майдонга ту-шаётган сиз, азиз фарзандларимизнинг ёниб тур-ган қўзларингиз, ғайрат ва шиҷоатингиз барча-мизга чексиз қувонч багишлаб, эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Юртимизда шаклланган, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада ўйинларини ўз ичига олган уч босқичли тизим, айни мана шундай тадбир ва мусобақалар, муҳтасар айтган-да, мамлакатимизда болалар спортини ривож-лантириш бўйича амалга ошираётган улкан иш-ларимиз бугунги кунда дунё жамоатчилигига катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотмоқда, энг муҳи-ми, ёшларимизнинг халқаро майдонларда юк-сак шоҳсупаларга кўтарилиши учун мустаҳкам пойdevor бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, кейинги йилларда Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси маблаглари ҳисобидан юртимизда қарийб 1500 та замонавий спорт обьекти бунёд этилганини

таъкидлаш ўринлидир. Эътиборлиси шундаки, бу ишларнинг кўлами ва миқёси кенгайиб, барча худуд ва минтақаларимизни, шаҳар ва қишлоқларимизни тобора кенгроқ қамраб олмоқда.

Ўйлайманки, сизлар бўлгуси мусобақалар давомида бу фикрга яна бир бор ишонч ҳосил қиласизлар. Ушбу беллашувларни юксак савияда ўтказиш учун Навоий вилоятида қарийб 56 миллиард сўм маблағ сарфланиб барпо этилган, бугун сизларга ўз эшикларини очаётган муҳташам спорт саройлари ва мажмуалари, стадионлар ва сузиш ҳавзалари, инфратузилма обьектлари сизларнинг истеъдод ва маҳоратингизни намоён этишга, келажакда эса минглаб ёш спортчиларни тарбиялаб вояга етказишга хизмат қилиши табиийдир.

Мамлакатимизда яратилаётган ана шундай кенг имкониятлар туфайли болалар спорти том маънода умуммиллий ҳаракатга айланиб, ўзининг дастлабки амалий натижаларини бермоқда. Буни кейинги тўрт йил мобайнида юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланадиганлар сони 29 фоиздан қарийб 35 фоизга, қизларимиз ўртасида эса 24 фоиздан 31,5 фоизга ўсгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, бизнинг эзгу мақсадимиз бўлмиш соғлом авлод тарбиясига

катта ижобий таъсир кўрсатмоқда. Агарки, 2005 йилда юртимиздаги мутлақ соглом болалар кўрсаткичи 52 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу рақам қариб 63 фоизга етгани ва бу борада биз ривожланган давлатлар даражасига тобора яқинлашиб бораётганимиз, албатта, барчамизни хурсанд қиласи.

Қадрли ўғил-қизларим!

Бугун бошланаётган «Умид ниҳоллари» ўйинлари мамлакатимиздаги миллионлаб ёшларни спорт билан таништириш, уларни спортга ошно этиш, жамиятимизда соглом турмуш тамойилларини кенг қарор топтиришдек олижаноб мақсадга қаратилгани билан, айниқса, эътиборлидир. Бу мусобақаларнинг туман ва вилоят босқичларида 1 миллион 600 минг нафарга яқин мактаб ўқувчиси иштирок этгани ёшларимиз ўртасида спортни янада оммалаштиришда бу ўйинларнинг ўрни ва таъсири ортиб бораётганидан далолат беради.

Яқин кунларда XXX ёзги Олимпиада беллашувларида иштирок этиш учун Буюк Британиянинг Лондон шаҳрига йўл оладиган aka ва опаларингиз катта спорт оламига ilk қадамларни сизлар қатнашаётган айнан мана шундай мусобақалардан бошлагани, ўйлайманки, барчангизнинг кучингизга куч, ишончингизга ишонч қўшади.

Бугун Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга отланайтган моҳир спортчиларимизга барчамиз омад тилар эканмиз, сизлар ҳам уларнинг изидан бориб, жаҳон майдонларида Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтарасиз, деб ишонамиз.

Азиз фарзандларим!

Сизларнинг иштирокингиздаги кескин беллашувларни минг-минглаб тенгдошларингиз, ёру дўстларингиз, барча спорт муҳлислари қизғин олқишилар, эзгу тилаклар билан кутиб олади.

Билиб қўйингки, давлатимиз, жамиятимиз сиз, ёшларнинг камолотингиз, бахту саодатингиз учун ҳеч нарсани — маблағ ва имкониятни ҳам, куч ва ҳаракатни ҳам, энг муҳими, ўзининг қалб саховати ва меҳрини асло аямайди.

Барчамизнинг истагимиз битта: ана шундай юксак эътибор ва ғамхўрликка доимо муносиб бўлиб, мамлакатимиз қўлга киритаётган ютуқларга ўз ҳиссангизни қўшиш, Ватанимизнинг жаҳон миқёсида обрў-эътиборини юксалтириш учун интилиб яшанг.

Фурсатдан фойдаланиб, сизлар учун янги янги спорт обьектлари барпо этган, катта ҳажмдаги бунёдкорлик ва ободончилик ишларини амалга оширган моҳир қурувчилар, меъмор ва муҳандисларга, пудратчи ташкилотлар ва мутасаддиларга, бутун Навоий вилояти аҳлига, бу олижаноб ишга ҳисса қўшган барча-барча ин-

сонларга ўз номимдан, халқимиз номидан чу-
қур миннатдорлик билдираман.

Ишонаман, бу мусобақалар дўстлик, ўзаро
хурмат ва адолат руҳида ўтади ва барчангизнинг
ҳаётиңгизда унтилмас саҳифа бўлиб қолади.

Сизларни бугунги ёшлик ва спорт байрами
билан яна бир бор табриклаб, барчангизга баҳт
ва омад, келгуси ҳаётиңгизда янги-янги ютуқ-
лар тилайман.

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИННИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

2012 йил 15 июнь куни халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари, аввало, мустақиллик йилларида бутун юртимиз қатори Сурхон заминида ҳам улкан тарихий ишлар амалга оширилгани ҳақида тўхтади. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда, жумладан, Сурхондарё вилоятида ҳам катта-катта ўзгаришлар юз берди. Тараққиётимизнинг ўсиш суръатлари тобора ошиб боряпти. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда яшаётган ҳар қайси оила ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар барчамизни қувонтириб, олдимизда турган мақсадлар сари янги-янги қадамлар қўймоқдамиз, деди Ислом Каримов.

Бир вақтлар Сурхондарё ҳақида сўз юритганда, ўзимизга олис ва чекка бир худудни тасаввур

қилар эдик. Бу воҳа ҳақида гапирганда, аввало, унинг мураккаб ва кескин иқлими, афғон шамоли, турли қийинчиликлар ҳақида сўз кетар эди.

Ҳақиқатан ҳам, эски тузум даврида Сурхон заминига бир ёқлама қараш шаклланиб, бу минтақанинг тараққиёти, унинг улкан ер ости ва ер усти бойликларини ўзлаштириш масаласи йиллар давомида ҳал этилмасдан қелгани яхши маълум.

Бу ўлканинг бетакрор, дунёда камдан-кам учрайдиган ўсимлик олами ва табиати борлиги, мард ва ориятли, бағрикенг инсонлар юрти экани ҳақида, қадимий маданият ва деҳқончилик ўчоги, умумбашарий тараққиётга бекиёс ҳисса қўшган макон экани ҳақида жуда оз эшитар эдик.

Ҳозирги кунда вилоят аҳли иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, илму фан, маданият, таълим-тарбия, спорт соҳаларида эришаётган ютуқлар ҳақида фуурланиб кўп гапириш мумкин. Агарки спорт соҳасини оладиган бўлсак, Сурхон заминида тарбия топган, Алномишнинг муносиб авлодлари бўлган дунёга машхур полвонларни кимтан олмайди?

Собиқ совет даврида Сурхондарёнинг маркази Термиз, асосан, ҳарбийлар ва уларнинг эҳтиёжи учун мослашган шаҳарга айланиб, замон талабидан орқада қолган эди. Ўтган йигирма йил мобайнида амалга оширилган ишлар туфайли

нафақат Термиз, балки барча туман марказлари ва қишлоқларнинг қиёфаси ўзгариб, обод бўлиб бораётгани ҳаммамизга, авваламбор, шу заминда униб-ўсиб келаётган ёшларга завқ ва эртанги кунга ишонч бағишлайди.

Мен 30—40 йилдан буён Сурхондарё ҳаёти билан яқиндан танишман ва бугунги ўзгаришларни кўрганда, улар менга худдики қанот бергандек, бир вақтлар орзу қилган ниятларим амалга ошгандек ўзимни ҳис қиласман, деди давлатимиз раҳбари.

Бу ҳакда сўз юритганда, мусулмон оламида юксак ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган Ҳаким Термизий бобомизнинг ёдгорлик мажмуаси ҳар томонлама обод қилингани, ҳеч шубҳасиз, маънавий қадриятларимизни тиклаш ва эъзозлаш йўлида яна бир улкан амалий қадам бўлганини таъкидлаш лозим. Шулар қаторида кейинги йилларда Термиз шаҳрида барпо этилган, 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, замонавий «Бахт уйи» мажмуаси, Мехрибонлик уйи, «Дельфин» сузиш ҳавзаси, Термиз давлат университетининг муҳташам биноси, янги-янги мактаб, лицей ва коллежлар, тиббиёт ва маданият масканлари вилоят қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Ана шундай кўплаб мисоллар асосида кечаги кунни бугунги кун билан солиширадиган бўлсак, ким эдигу ким бўлдик, деган саволга

холисона жавоб топишимиз қийин эмас, албатта.

Ўтган беш йил давомида Сурхондарё вилоятида иқтисодий ўсиш суръатлари ўртача 8,7 фоизни ташкил этди. Саноат соҳасида эса охирги беш йилда ушбу тармоқда ўсиш кўрсаткичи 124,5 фоиз бўлганини таъкидлаш лозим.

Қишлоқ хўжалигининг айни шу даврдаги ривожланиш суръатларини таҳлил қилганда, бу борадаги ўсиш 123 фоизни ташкил этганини қайд этиш зарур. Курилиш, транспорт ва алоқа тармоқлари вилоятда кейинги беш йил мобайнида мос равишда 2,9 ва 2 баробар ўсгани алоҳида дикқатга моликдир.

Айниқса, иқтисодиётимизнинг муҳим тармоги бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши беш йил давомида 63,9 фоиздан 73,8 фоизга етгани, бу Ўзбекистон бўйича энг юқори кўрсаткич эканига мажлисда Президентимиз томонидан алоҳида ургу берилди.

Кейинги йилларда бунёд этилган йирик саноат корхоналари, ишлаб чиқариш ва коммуникация иншоотлари вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, 525 миллиард сўмлик маблаг сарфланаб, «Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон» темир йўлининг барпо этилгани нафақат Сурхондарё,

балки бутун мамлакатимиз, Марқазий Осиё миң-
ёсида тарихий аҳамиятта эга бўлган улкан воқеа
эканини алоҳида таъкидласак, арзийди, албатта.

Вилоят иқтисодиётига жалб этилаётган инвес-
тициялар ҳақида гапирганда, охирги беш йилда
умумий қиймати 70 миллиард 600 миллион
сўмлик 18 та йирик лойиҳа амалга оширилгани
эътиборга сазовордир. Жумладан, катта истиқболга
эга бўлган Хонжиза полиметалл рудалар кони-
нинг ишга туширилиши, пахта хом ашёсини қайта
ишлашга мўлжалланган, лойиҳа қиймати 12 мил-
лион долларга teng «Шиндонг Спиннинг» корхонаси,
вилоятда тайёрланадиган пилла хом ашёси-
ни тўлиқ қайта ишлаш бўйича қиймати 1 миллион
500 минг доллар бўлган «Сурхон-Термиз-Силк»
корхонаси қурилгани ва бошқа кўплаб лойи-
ҳаларнинг амалга оширилгани ҳудуднинг саноат
салоҳиятини оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Сессияда вилоятдаги ютуқлар билан бирга, ўз
ечимини кутиб турган, ҳанузгача ҳал қилинмас-
дан келаётган муаммолар ҳақида ҳам атрофлича
фикр юритилди.

Ҳаётнинг қайси соҳа ёки тармоғи бўлмасин —
бу саноат ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, иж-
тимоий масалалар бўладими, одамларни безовта
қилаётган айрим нохуш ҳолатлар бўладими —
уларнинг барчасини бартараф этиш — бу ҳам ўзи-
мизга боғлиқ. Шу сабабли бугунги учрашувимизда

кўпроқ мавжуд муаммолар ҳақида биргалашиб бош қотиришимиз, уларни ечиш йўлларини излашимиз мақсадга мувофиқдир, деди Ислом Каримов.

Бу ҳақда гапирганда, вилоятда, аввало, енгил саноат тармоғи ривожланиш ўрнига қолоқликка юз тутиб, саноат таркибида 50,7 фоиздан 43,8 фоизга тушиб қолганини афсус билан айтишга тўғри келади. Вилоятда ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг атиғи 6,9 фоизи шу ернинг ўзида қайта ишланаётгани, албатта, талабга жавоб бермайди.

Ялпи худудий маҳсулот ҳажмини аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, вилоятнинг бу борадаги кўрсаткичлари мамлакат миқёсидаги ўртacha кўрсаткичлардан паст даражада сақланиб қолаётгани барчамизни, аввало, вилоят раҳбарлари, депутатлар ва фаолларни ўйлантириши керак. Нега деганда, Сурхондарёнинг бошқа худудларимиздан устун жиҳати бўлса борки, асло кам жойи йўқ.

Қишлоқ жойларга саноатни олиб кириш, маҳалийлаштириш дастури асосида қайта ишлаш корхоналари барпо этиш, ички ва ташқи бозор учун рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариши йўлга кўйиш борасидаги ишлар ҳам қониқарли эмас. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асосий ҳиссаси Термиз шаҳри, Денов,

Шўрчи, Шеробод ва Жарқўргон туманларига тўғри келмоқда. Ангор, Термиз, Бойсун ва Олтинсой туманларининг умумий саноат ҳажмида-ги улуши эса пастлигича қолмоқда.

Вилоятда ҳудудий экспорт таркиби, асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан иборат бўлиб, улар ялпи экспортнинг 92,8 фоизини ташкил этади. Бу, ўз навбатида, саноат корхоналарини ривожлантириш, экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш, таркибий ўзгаришларни янада жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш масалалари бугунги кунда ўткир вазифа бўлиб қолаётганини яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.

Жорий йил бошига қадар вилоятда 27 мингтадан ортиқ кичик бизнес субъекти рўйхатга олинган. Лекин уларнинг 90 фоизи амалда фолият кўрсатмоқда. Колганлари эса, қоғозда бор-у, амалда йўқ.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам қатор камчиликлар борлигидан кўз юмидан бўлмайди. Бизни боқадиган ернинг унумдорлигини, самарадорлигини ошириш ҳар доим қишлоқ хўжалигидан оладиган даромаднинг асосий гарови бўлиб келганини ҳаммамиз яхши тушунамиз, чукур англаймиз. Бу ҳақда ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб қайд этди давлатимиз раҳбари.

Халқимизнинг «Сен ерни боқсанг, ер сени боқади» деган мақолида чукур маъно борлиги

ҳаммамиз учун яхши аён. Юртимизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 2007 йилда маҳсус давлат дастури қабул қилинган эди. Таъкидлаш жоизки, ана шу дастур асосида Сурхондарё вилоятида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Буни ўтган беш йил давомида қарийб 60 миллиард сўмлик маблағ ҳисобидан 63 та экскаватор ва бульдозер сотиб олиниб, 430 километрдан ортиқ ирригация тармоқлари қурилгани ва реконструкция қилингани, 4 минг километрдан зиёд сув тармоқлари тозалангани ҳам тасдиқлаб турибди. Шулар қаторида Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган 73 миллион долларлик кредит ҳисобидан «Аму-Занг» канали ирригация тизимидағи асосий иншоотлар, жумладан, 3 та насос станцияси реконструкция қилинди. Бундай кенг кўламли ишлар натижасида воҳада 80 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва унумдорлиги оширилди.

2011 йил якунларига кўра, вилоят бўйича пахтацилиқда ўртача ҳосилдорлик 29,2 центнерни, фаллачилиқда 48,9 центнерни ташкил этди. Кейинги уч йилда вилоятда пахта ҳосилдорлиги 2—3 центнерга, фалла ҳосилдорлиги эса 4—5 центнерга ошгани, албатта, ижобий натижаси, буни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин, бу соҳада ажратилган катта-катта маблагларни ўзлаштириш,

замонавий техникаларни самарали ишлатиш, магистраль коллекторлар ва ички зовурларни тозалаш масаласида ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп эканига сессияда алоҳида эътибор қаратилди.

Айниқса, сув ресурсларидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш масаласи доимо диққат марказида бўлиши даркорлиги таъкидланди. Бугунги кунда бир метр куб сувни фермернинг далисига етказиб бериш мамлакатимиз миқёсида давлатга ўрта ҳисобда 23 сўмга, Сурхондарё вилоятида эса 30 сўмга тушмоқда. Агар вилоятга йилига 3,8 миллиард метр куб ҳажмида сув етказиб берилаётганини ҳисобга олсак, бунинг учун давлат бюджетидан 115 миллиард сўм маблағ сарфланаётгани аён бўлади. Шундай экан, сувни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш вақти келди, деди Ислом Каримов.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Сурхондарё вилоятида механизациялаштириш масаласи ҳам долзарблигича қолмоқда. Вилоятда кейинги икки йилда жами 60 миллиард сўмлик юқори унум билан ишлайдиган замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олинган. Жорий йилда яна 30 миллиард сўмлик техника воситаларини харид қилиш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, вилоятда 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлатиб келинаётган эскирган техникалар ҳам мавжуд.

Ҳозирги кунда бир ҳайдов тракторига ўртача 260 гектар майдон түғри келмоқда. Натижада ерни шудгорлаш ишларида техника етишмаслиги сезилмоқда ва бу ўта муҳим агротехник тадбирни амалга ошириш муддати чўзилиб кетмоқда.

Бундай камчиликларга барҳам бериш, мавжуд техника парки таркибини янгилаш мақсадида қабул қилинган ҳукумат қарорига асосан, қишлоқ хўжалигида ресурс тежайдиган техникалар, юқори қувватли тракторлар ишлаб чиқариш ва улар билан фермерларни таъминлаш учун 2 триллион сўмдан ортиқ маблаг ажратилди.

Ана шу қарор талабларидан келиб чиқсан ҳолда, вилоят ҳокимлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзининг ҳудудий дастурини ишлаб чиқиши ва унда ҳар бир туман, фермер хўжаликлари учун техникалар етказиб бериш йўлларини, молиявий манбаларни аниқ белгилаб олиши зарурлиги сессия мажлисида муҳим вазифа қилиб қўйилди.

Бутунги кунда Сурхондарё вилоятида 43 минг гектардан зиёд шахсий томорқа майдонлари мавжуд бўлиб, ўтган йили уларда 9 минг тоннадан ортиқ картошка, 13 минг тоннадан кўпроқ сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштирилгани, айрим омилкор дехқонлар ўз томорқаларидан 30—40 миллион сўмга етказиб даромад олаётгани эътиборга сазовордир.

Айни вақтда вилоятдаги баъзи туманларда бу масалага етарлича аҳамият берилмаётгани ҳақида танқидий фикрлар билдирилди.

Мамлакатимиз олдида турган улкан вазифаларни адо этиш, қишлоқ хўжалиги соҳасини замон талаблари асосида ривожлантириш борасидаги энг муҳим масалалардан бири — бу фермер хўжаликларининг самарадорлигини ошириш билан бевосита боғлиқдир. Бу ҳақда гапирганда, шуни айтиш жоизки, бугунги кунда Сурхондарё вилоятида 4 минг 800 тадан зиёд фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, уларнинг 2 минг 490 таси пахта ва галлачиликка ихтисослашган.

Ҳозирги кунда фермерлик ҳаракати қишлоқда яшаётган одамларни, Ўзбекистон шароитида 50 фоизга яқин аҳолини иш билан таъминлаш, юқори даромад олиш, энг муҳими, саноатимизни хом ашё билан, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда етакчи ўрин эгаллаб келмоқда.

Фермерлик ҳаракати нафақат қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига, балки бутун иқтисодиётимизнинг жадал тараққий топишига, мамлакатимизнинг қўлга киритган ютуқларига, халқимизнинг ҳаёт даражасини оширишга бекёс ҳисса қўшгани ҳақида биз кўп гапирамиз. Ҳаётнинг ўзи охирги ўн-ўн беш йил давомида бунинг учун етарли далил ва асослар бермоқда.

Шуни таъкидлаб айтмоқчиман — Ўзбекистонда бу ҳаракатни янада ривожлантириш, уни янги босқичга кўтариш, қудратли бир ижтимоий кучга айлантириш йўлида давлатимиз ва шахсан ўзим Президент сифатида фермерлик ҳаракатини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашга тайёрман. Кимки фермерлик ҳаракатига қарши чиқадиган бўлса, бу Президент сиёсатига қарши чиқиш билан баробар, деган сўзларимни бугун такроран айтмоқчиман, деди Ислом Каримов. Лекин, фермерлик ҳаракатига бундай муносабат фермер хўжалигини юритиш, унинг самарадорлигини оширишга доир барча сир-асрорларни чуқур ўзлаштиридик, деб айтишга асос бермаслиги керак.

Ҳозирги вақтда шу масала устида кўп ишлаб, Германия, Голландия, Польша каби давлатларга мутахассис ва фермерларни жўнатиб, уларнинг тажрибасини ўрганиш орқали фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини янада ошириш бўйича бугун замоннинг ўзи талаб қилаётган дастур тайёрламоқдамиз.

Фермерлик соҳасида биз ҳозиргача фақат 10—15 йиллик тажрибага эгамиз. Ваҳдолонки, фермерлик ҳаракати бутун дунёда неча юз йиллик тарихга эга. Биз уларнинг тажрибасини, ютуқларини ўрганиб, ўзимизда жорий этишимиз керак. Лекин бу борада ўз олдимизга шундай мақсад

кўйишимиз керакки, эртага ўкувчи эмас, ўқитувчи бўлиб иш олиб боришимиз зарур.

Сессияда вилоятда аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондириш бўйича амалга оширилаётган ишлар атрофлича таҳлил этилди.

Сурхон воҳасида бугунги кунда 2 миллион 220 мингга яқин киши истиқомат қилмоқда. Аҳоли жон бошига ўртacha даромад кўrsatkiчи вилоятда республиканинг ўртacha кўrsatkiчидан анча орқада қолаётганини тан олиш керак ва бундай ҳолатни ўзгартириш ҳақида ҳаммамиз бош қотиришимиз лозим, деди давлатимиз раҳбари ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар ҳақида тўхталар экан.

Вилоятда янги иш ўринлари ташкил этиш борасида қабул қилинган дастурга мувофиқ, 2011 йилда жами 65 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилган. Уларнинг 73 фоиздан ортиғи кичик бизнес соҳасига тўғри келади. Айни вақтда, 2011 йил якуни бўйича, вилоятда доимий иш билан банд бўлмаган аҳоли сони 46 минг нафарни ташкил этмоқда. Баъзи туманларда ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлиб қолаётгани ҳақида танқидий фикрлар билдирилди. Бу масалани ечиш йўлларидан бири сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кучайтириш, фермер хўжаликлари пахтачилик, фаллачилик ёки боғдорчилик билан чекланиб қолмасдан, ўзи этиштирган маҳсулотни саноат асосида қайта иш-

лаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширадиган бригадаларни ташкил қилиш, таъминот масалаларини йўлга қўйиш каби фаолият турлари билан ҳам шуғулланиши зарурлигига эътибор қаратилди.

Маълумки, бундан уч йил олдин мамлакатимизда қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини ошириш, унинг яшаш шароитини шаҳар шароитига яқинлаштириш мақсадида муҳим бир давлат дастури қабул қилинган эди. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий янги уй-жойлар қуришга қаратилган бу дастур халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Бу уйларнинг лойиҳалари устида жуда кўп ишлаб, турли вариантларни қурувчи ва мутахассислар, жамоатчилик вакиллари иштирокида кенг муҳокама қилдик. Билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалар асосида энг маъқул лойиҳалар қабул қилинди, деди давлатимиз раҳбари.

Қишлоқ аҳлининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, бундай уй-жойлар учун ажратилаётган ер участкаларининг ҳажми 4 сотихдан 6 сотихга кенгайтирилгани, халқимизнинг турмуш тарзи ва анъаналарини ҳисобга олиб, қўшимча қулайликлар яратилгани ҳам кўпчилик учун айни муддао бўлди.

Бу борада Сурхондарё вилоятида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. 2009—2011 йилларда қарийб 95,5 миллиард сўм маблағ ҳисобидан янги уй-жойлар барпо этилиб, 1 минг 400 га яқин оила янги уйларга кўчиб киргани бунинг тасдифидир.

Таъкидлаш керакки, бундай замонавий уй-жой массивлари қишлоқларимизнинг меъморий қиёфасини тубдан ўзгаририш, одамларнинг турмуш маданиятини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, коммунал корхоналар ва маҳаллий бюджет маблаглари ҳисобидан 60 километрлик газ, 72 километрлик электр, қарийб 68 километрлик сув тармоқлари барпо этилгани, 20 километрдан ортиқ йўл қурилиши амалга оширилганини қайд этиш лозим.

Ҳозирги вақтда ушбу дастур талаблари қандай бажарилаётгани айрим вилоятларда тегишли назорат ташкилотлари томонидан жиддий ўрганилмоқда. Сурхондарё вилояти раҳбарлари ва мутасаддиларини ҳам огоҳлантириб айтмоқчиман, билиб қўйинглар, бу борада сўров қаттиқ бўлади, деб уқтириб ўтди Президентимиз.

Сессия мажлисида биз учун ўта муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир масала — умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига қамраб олиш ҳақида ҳам сўз юритилди.

Бу йил Сурхондарё вилояти бўйича 47 минг 446 нафар бола мактабни битирмоқда. Уларнинг 1770 нафари академик лицейларда, 45 минг 676 нафари эса касб-хунар коллажларида ўқишни давом эттириши кўзда туттилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, айрим ота-оналар ўртасида ўз фарзандлари, айниқса, қиз болаларга нисбатан мактабни битиргандан кейин ўқиш шарт эмас, турмуш қуришни ўйлаш керак, деган эскича қараашлар ҳали-бери учраб туришини афсус билан айтиб ўтишга тўғри келади. Ваҳолонки, коллежда ўқиб, аниқ касб-хунар эгаси бўлиш, биринчи навбатда, қиз бола учун зарур. Кўлида хунари бор қиз бола эртага бирорвга қарам бўлиб қолмайди, ўз меҳнати, билим ва истеъоди билан оиласини тебратишга, фарзандларини баркамол инсон этиб тарбиялашга ҳисса қўшади. Бу, ўз навбатида, ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкамлашда қандай муҳим аҳамиятга эга эканини кимгadir исботлаб беришнинг ҳожати йўқ.

Бу ҳақиқатни биз — ота-оналар чуқур тушуниб, англаб, фарзандларимизнинг билим олиши, замонавий касб-хунар эгаллаши учун ҳамма шароитни яратиб беришимиз керак. Бу бизнинг болаларимиз олдидағи муқаддас бурчимиздир. Акс ҳолда, уларнинг келажагига хиёнат қилган бўламиз, деди Ислом Каримов.

Бу масалалар ҳақида гапирганда, ҳаммамиз яхши тушуниб олишимизни истардим — бу йилга юртимизда «Мустаҳкам оила йили» деб ном берганимиз, албатта, бежиз эмас. Мустаҳкам оила деганда, биз, аввало, баҳтили оилани, ўз мурод-мақсадига етадиган оилани тушунамиз, деб ўз сўзини давом эттирди давлатимиз раҳбари.

Айни пайтда касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашдек муҳим масалада йўл қўйилаётган камчиликлар атрофлича таҳлил қилинди.

Ёдингизда бўлса, ўтган йил якунларига бағишлиланган мажлисда мен бу мавзуга алоҳида тўхталиб, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини бу борадаги ишлар қандай йўлга қўйилганига қараб уларнинг фаолиятига баҳо берилиши ҳақида огоҳлантирган эдим, бинобарин, бу масала бўйича барча масъул мутасаддилар тегишли хулоса қилишлари зарур, деди Ислом Каримов.

Биз ўз олдимизга қўйган юксак ва эзгу мақсадга етиш, яъни ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллашимиз учун, аввало, жуда тез ўзгариб бораётган замон билан ҳамнафас бўлиб яшашимиз лозим. Бугун ҳар қачонгидан ҳам мураккаб ва кескин бўлиб бораётган ҳаётнинг ўзи олдимизга улкан ва ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Нафақат бугунги ҳаёт билан ҳам-

қадам бўлиб яшаш, балки эртага йўлимиизда пайдо бўлиши мумкин бўлган турли муаммо ва таҳдидларни бартараф этиш ҳақида ҳозирдан ўйлаб яшашимизни даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Мана шундай шароитда эл-юртни бирлаштириб, керак бўлганда меҳр кўрсатиб, керак бўлганда қаттиққўл бўлиб, аввало, давлат ва жамият манфаатини биринчи ўринга қўйиб ишлашга қодир бўлган раҳбарга кўп нарса боғлиқ эканини тушуниш, англаш қийин эмас.

Кўпни кўрган, доно халқимиз ўз меҳнати, оқилона раҳбарлиги, инсоний фазилатлари билан ҳаётда из қолдирган етакчиларни доимо ҳурмат билан эслайди. Шу билан бирга, ўз лавозимига лойиқ бўлмаган, ўзига билдирилган юксак ишончни оқламаган одамларни ҳам эсидан чиқармайди.

Халқимизнинг «Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ қолади» деган чуқур маъноли мақоли бежиз айтилмаган. Мен бу сўзларни эл-юртимиз олдида, аввало, ёшларимиз олдида такрор ва такрор айтишни ўринли, деб биламан.

Айтиш керакки, кечаги замонда раҳбарларга нисбатан талаб бошқача эди, бугун эса бутунлай бошқача. Бугун раҳбарлик вазифасида ўтирган ҳар қайси одам ўз масъулиятини ўн карра, юз карра кўпроқ сезиши даркор.

Раҳбар бошқаларга талаб қўядиган бўлса, савол туғилади: хўп, оғайни, бу масалани бошқа

томондан кўрайлик, яъни сиз ўзингиз шу талабларга лойиқмисиз? Ҳар бир раҳбар бу саволни, аввало, ўзига бериб, унга жавоб топиши керак.

Бошқалардан ҳалоллик, покликни, адолатли бўлиш, ошна-огайнигарчилик, маҳаллийчикликка берилмасликни талаб қилиш ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин одамлар ҳамма нарсани, яъни ким бу талабларга виждон амри билан, амалий ишлар билан жавоб бераётганини, ким эса хўжакўрсин ишлар билан, «кун ўтса — бас» деб юрганини жуда яхши билади, яхши сезади.

Ҳар қайси раҳбар бу масалани чукур тушуниб етиши, аввало, нафс балосига берилиб кетмаслиги, одамларни менсимасдан, оёғи ердан узилмаслиги лозим. Шундагина у эл-юрт ишончини қозониши, халқни юксак мақсадлар сари сафарбар этила олиши мумкин.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсиясига кўра, 2011 йил декабрь ойидан бўён Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Нормўмин Омонович Чориев вилоят ҳокими этиб сайланди.

Олдимизда турган юксак мэрраларга эришиш учун ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлиб, белни маҳкам боғлаб меҳнат қилишимиз, юртимизда ўзаро

хурмат, меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш учун бир тану бир жон бўлиб яшашимиз лозим. Бугун ўзбек халқининг замони келди, Ўзбекистоннинг замони келди, маррани баланд қўйиб яшайлик, шундагина эртанги кун, келаҗак бизники бўлади, деди пировардида Президент Ислом Каримов.

Сессияда «Нуроний» жамғармаси Ангор тумани бўлими раиси Хушбоқ Тангриев, Сариосиё туманидаги «Нурали-Карим» фермер хўжалиги раҳбари Абдукарим Каримов, Термиз давлат университети ўқитувчиси Насиба Бегамова, Музработ туманидаги «Музработтекстиль» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Элмурод Жумаев, Термиз давлат университети талабаси Нигора Нормуродова, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Орзиқул Соатов ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимиз нутқида Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилиб, келгусидаги долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилганини, воҳа аҳли билдирилган танқидий гаплар ва амалий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, ислоҳотлар самарасини юксалтириш, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш учун астойдил меҳнат қиласи, деб таъкидладилар.

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сиз, ҳурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение вакилларини, муҳтарам фахрийларимизни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Бугун биз яшаётган, глобаллашув ва Интернет асри деб ном олган даврда тараққиётни, ҳаётимизни замонавий ахборот ва ахборот-коммуникация технологияларидан, телевидение ва оммавий ахборот воситаларидан, сиз азиз журналистлар фаолиятидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши англаймиз ва сизларнинг ўта мashaққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатингизни юксак қадрлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда оммавий ахборот воситаларининг фаолият кўлами, инсон ва жамият ҳаётига таъсири мисли кўрилмаган даражада ку-

чайиб бормоқда. Бугунги кунда ахборот нафақат маълумот етказиш, одамларни янгилик ва ўзгаришлар билан таништириш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда, айни вақтда ахборот ва коммуникация тармоғи амалда ишлаб чиқаришнинг етакчи йўналишларидан бирига, моддий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг ривожи ва ўсишига ҳал қилувчи асос ва туртки берадиган, тез ривожла-наётган энг замонавий соҳага айланиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Бу ҳақда фикр юритганда, юртимизда янги жамият, янги ҳаёт қуриш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, ишлаб чиқариш суръатларини кучайтириш, иқтисодиётимиз са-марадорлигини ошириш йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни ечиш, ички ва ташқи сиёсатни олиб бориш бўйича тўғри йўлни танлашда матбуот соҳасининг қўшаётган ҳиссасини тан олиб, унинг роли, аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп гапириш мумкин.

Лекин шулар қаторида яна бир масала борки, бу ҳақда алоҳида тұхталиб ўтишни истардим. У ҳам бўлса, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш йўлида асосий куч бўлмиш халқимиз, энг аввало, ёшларимизнинг маънавий оламини шакллантиришда, одамларимизнинг ҳаётга, меҳнатга муносабатини ўзgartиришда, уларни мустақил фикрлаш, онгли яшаш руҳида тарбиялашда,

бизнинг ривожланишимизга халақит бераётган эски қолип ва қарашлардан халос бўлишда, бир сўз билан айтганда, доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшаш, бугунги ва эртанги кун талаблари билан ҳамқадам бориш, ўз она юртига бўлган меҳри ва садоқатини мустаҳкамлашда — ўзини ҳақиқий инсон деган ҳар қандай кишига мансуб айни шундай олижаноб фазилатларни камол топтиришда оммавий ахборот воситалари соҳасида фаолият кўрсатаётган меҳнатчиларнинг улкан хизмати борлигини катта миннатдорлик билан таъкидлаб айтишни ўзимнинг бурчим деб била-ман.

Биз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб, мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича амалга ошираётган кенг кўламили ишларимиз бугунги кунда ўзининг ҳосили ва самарасини бераётгани барчамизга мамнунийт бағишлайди.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг миқдор ва сифат даражаси тубдан ўзгариб, уларнинг умумий сони 1 минг 250 дан ошиб кетгани, рақамли ва мобиль телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио каби замонавий ахборот тармоқларининг улуши ва таъсири тобора ортиб бораётгани, айниқса, эътиборлидир.

Хусусан, энг тезкор ва таъсирчан ахборот воситаси бўлмиш Интернет журналистикасига, уни ҳар жиҳатдан чуқур эгаллашга бўлган интилишнинг тобора кучайиб бораётгани миллий матбуотимизнинг халқаро медиа майдонда ўз муносиб ўрнини топиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг кенг тармоги шаклланиб, самарали фаолият олиб бораётгани жамиятимизда фикр ва қарашлар рангбаранглигини, ўзаро ижодий мусобақа мұхитини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда. Буни мавжуд теле ва радиоканалларнинг 66 фоизини, босма нашрларнинг эса 50 фоиздан зиёдини айнан нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этиши ҳам тасдиқлайди.

Бизнинг энг юксак мақсадимиз бўлмиш тараққий топган замонавий демократик давлатлар қаторидан жой олиш йўлида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлиги ни янги босқичга кўтариш, матбуотнинг том маънода мустақиллигига эришиш, бунинг учун авваламбор уларнинг молиявий мустақиллигиги ни таъминлаш ва барқарор ривожланиши учун зарур манбаларга эга бўлиши билан боғлиқ масалаларни ечиш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Бу борада Мамлакатимизда демократик исло-хотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён қилинган фикр ва ғоялар асосида изчил амалга оширилаётган ишлардан, ўйлайманки, сизлар яхши хабардорсиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, мазкур концепция негизида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органдари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида», «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-куватлаш кафолатлари тўғрисида» ва бошқа бир қатор қонун лойиҳаларини сиз, матбуот вакилларининг фаол иштирокида тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, нашриёт, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган Президент қарори оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилиши табиийdir.

Айни вақтда барчамизга яхши аёнки, бугунги кунда тез ўзгариб, мураккаблашиб бораётган за-

моннинг ўзи, тобора кучайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар оммавий ахборот воситалари олдига ўткир ва масъулиягли талабларни қўймоқда.

Албатта, ҳар қандай янгиланиш, ўзгариш, шу жумладан, ахборот соҳасида ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳаётимизни, иқтисодиётимизни бошқариш тизими, мамлакатимизнинг тараққиёти, унинг ўсиш суръатлари ва самарасини ошириш, барқарорлигини таъминлаш кундалик оғир ва мashaққатли меҳнат эвазига қўлга киритилишини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шу нуқтаи назардан оммавий ахборот воситалари ва бу соҳада хизмат қилаётган ходимлар олдида турган энг муҳим вазифаларни баҳолар эканмиз:

биринчидан, доимо изланиш, қўлга киритилган ютуқларга берилмасдан, уларга маҳлиё бўлмасдан, мақтанмасдан, кимнидир улуғлаш йўлига ўтмасдан, авваламбор, маррани баланд қўйиб, ҳаёт воқелигини ҳаққоний ва холис акс эттириш талаб қилинади;

иккинчидан, ҳаммамизга аёнки, ўз олдига мақсад қилиб қўйган мэрраларга эришиш учун журналист ўзини аямасдан, профессионал билим ва савиясини, маҳорат ва тажрибасини ошириш учун ўз устида тинимсиз ишлаши, меҳнат қилиши, турли синовлардан муносиб ўтиши зарур;

учинчидан, бундай юксак даражага күтарилиш учун бу касбни танлаган ҳар қайси инсонга мардлик, фидойилик ва жасорат керак, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан;

тўртингчидан, ўз касбига садоқатли бўлиш, уни севиш, авваламбор, эскича қараш ва аломатлардан воз кечиш учун журналист бошқаларга нисбатан олдинги сафда бўлиши, ўз ҳаётий принципларидан қайтмасдан, виждон амри билан яشاши лозим.

Бу ҳақда гапирганда, бир таклифни сизлар билан ўртоқлашишни жоиз, деб биламан. Матбуот сўзининг таъсирчанлигини ошириш, энг муҳим чиқишлиарга жамоатчилик эътиборини қаратиш учун, биринчи навбатда, самарали фаолият кўрсатадиган аниқ тизим ташкил қилиш керак, деб ўйлайман. Бу борада Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳар чорак якуни бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг долзарб, энг ўтқир материалларни алоҳида қайд этиб, баҳолаб, бу ҳақда матбуотда хабар бериб борса, менинг назаримда, айни муддао бўлар эди.

Бунда, айниқса, таҳлилий ва танқидий чиқишлиарга алоҳида аҳамият бериш ўринлидир. Бундай муносабат, ўйлайманки, журналистларнинг оғир меҳнатини эътироф этиш ва қадрлашда катта роль ўйнайди. Шу билан бирга, айни шу

материалларда ўртага қўйилган муаммоларни ечиш учун жамоатчилик эътиборини жалб қилишга ҳам муҳим ҳисса қўшади.

Айтиш керакки, одатда газета-журналларимизда, телерадиоканалларимизда кўпчиликни ўйлантираётган долзарб мавзулар кўтарилади, лекин уларга нисбатан давлат ва ҳокимият вазифаларида ўтирганлар, жамоатчилик вакиллари томонидан етарлича аҳамият берилмаслиги туфайли улар кўпинча эътибордан четда қолиб кетади. Бундай ҳолат, масалага панжа орасидан қараш, аввало, шу мақола ва кўрсатувни юрагидан ўтказиб, катта меҳнат билан тайёрлаган журналист ва муаллифларнинг ижодий изланишларига салбий таъсир кўрсатиб, қўлини ишдан совитиб қўяди. Энг ёмони, бу чиқишиларда кўтарилган масала ва муаммолар бундай бепарволик натижасида эски ҳолида ўзгармасдан қолиши иқтисодиётимиз ва ҳаётимизга катта зарар етказиши муқаррар.

Таъкидлаш лозимки, оммавий ахборот воситаларининг самарадорлигини кучайтиришни кўзда тутадиган бундай тажрибани жорий этишни, шу асосда матбуот орқали танқидга учраган ташкилот ва корхоналар, мансабдор шахсларнинг ўз ишига холисона кўз билан қараб, мавжуд аҳволни тузатишга ҳаракат қилишини бугун ҳаётнинг ўзи қун тартибига қатъий қилиб қўймоқда.

Бу, ўз навбатида, матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг, журналист аҳлининг ижтимоий ҳаётимизда, жамоатчилик ўртасида ҳурмат-эътибори, айни пайтда масъулияти ҳам ортишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бугунги кунда бутун дунё Ўзбекистон эришган улкан ютуқ ва натижаларни тан олаётган, эътироф этаётган бир пайтда биз оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам бошқалардан кам бўлмасдан, ана шундай юксак мэрраларни эгаллашга албатта қодирмиз, десам, ўйлайманки, сиз, азизларнинг фикрингизни ифода этган бўламан.

Шу йўлда доимо интилиб, изланиб яшайдиган журналистларни мен ҳамиша қўллаб-куватлашга, керак пайтда ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканимни, уларни ўзимнинг энг яқин ҳамфикр ва маслакдошларим, деб билишимни изҳор этмоқчиман.

Бугунги хурсандчилик кунда сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор самимий қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, ижодий камолот тилайман.

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

ЎЗБЕКИСТОН ФАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азиз деҳқон ва фермерларимизни, барча дала меҳнаткашларини мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида янги саҳифа бўлмиш 7 миллион 170 минг тонналик улкан фалла хирмони бунёд этиб, юксак меҳнат фалабасини қўлга киритганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Дунёда нон деган шундай тенгсиз ва буюк бир бойлик, улуг ва табаррук бир неъмат борки, унинг баҳоси, қадр-қимматини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди.

Азал-азалдан тўқчилик, аввало, кўзнинг, кўнгилнинг тўқлиги, дастурхон тўкинлиги, рўзгорнинг қут-баракаси буғдойнинг, ноннинг се-роблиги билан белгилаб келинади, десак, ҳаётий ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ер юзидағи барча халқлар ва мамлакатлар ўзининг фаровонлиги, осойишта ва бехатар ҳаётини, эзгу орзу-ниятларини, биринчи навбатда, шу

азиз неъмат тимсолида тасаввур қилиши бежиз эмас, албатта.

Мұхтарам юртдошлар!

Олижаноб, заҳматкаш деҳқонларимиз, том маънода, улкан зафарни қўлга киритган мана шундай хурсандчилик кунда, табиийки, ўз донимиз, ўз bemиннат нонимизга эга бўлиш мақсадида босиб ўтган машаққатли ва шарафли йўлимизни яна бир бор беихтиёр хаёлимиздан ўтказамиз.

Ҳеч кимга сир эмас, яқин ўтмишда ўлкамиз ўз эҳтиёжини қондириш учун кимларгадир ялиниб, катта-катта маблағлар эвазига донни четдан келтиришга мажбур эди.

Биз мустақилликка эришганимиздан кейин бундай номақбул ҳолатга бутунлай барҳам бериш, юртимизда пахта яккаҳокимлигига чек қўйиб, галлачилик тармогини замонавий асосда ривожлантиришни ўз олдимизга устувор, ҳал қилувчи вазифа қилиб қўйдик.

Ўтган қисқа давр мобайнида Ватанимиз фалла мустақиллигини қўлга киритиб, нафақат ўттиз миллионли ҳалқимиз эҳтиёжини тўла таъминлаш, айни пайтда четга дон экспорт қиласидан давлатлар қаторидан жой олишга эришгани учун, шундай ёруғ кунларга етказгани учун барчамиз Яратганимизга шукроналар айтишимиз табиийдир.

Мустақиллик йилларида айнан галлачилик соҳасида эришган ютуқларимизни баъзи бир ра-

қамлар мисолида ўзимизга тасаввур қиласиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам, биз эришган натижалар дунёдаги манаман деган давлатларнинг ҳам ҳавасини тортиши шубҳасиз, деб ўйлайман. Агарки 1991 йилда республикамида жами 940 минг тонна галла етиширилиб, ўртача ҳосилдорлик 17 центнерни ташкил этган бўлса, жорий йилда жамғарилган фалла хирмони 7 баробардан зиёд, ҳосилдорлик эса 3 карра ошганининг ўзи бизнинг қиёслаш ҳам қийин бўлган қандай юксак марраларга эришганимизни яққол тасдиқлади.

Бугун кўпчиликнинг эътирофига сазовор булаётган ана шундай юксак марраларга қандай омил ва мезонлар ҳисобидан эришаётганимизни таҳлил қиласар эканмиз, юртимизда яшайдиган, нон деган бебаҳо неъматдан ҳар куни баҳраманд бўладиган ҳар қайси инсон бу ҳақда хабардор бўлишини истардим.

Афсуски, биз кўпинча кундалик юмушлар билан банд бўлиб, кўлга киритган натижаларимизни худдики ўз-ўзидан бўлган табиий бир ҳол, деб қарашга ўрганиб қолганмиз.

Аслида эса бундай ютуқларимиз замирида, аввало, деҳқон ва фермерларимиз, механизаторларимизнинг машаққатли меҳнати ва фидойилиги, селекционер ва олимларимизнинг билим ва тажрибаси, барча қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг неча йиллар давомида ягона бир

мақсад йўлида қатъият ва сафарбарлик намунасини кўрсатиб қилган хизматлари, ташаббускорлик ва изланувчанлик фазилатлари мужассам бўлиб, бунинг учун уларга ҳар қанча тасаннолар айтсан, арзийди, албатта.

Биргина селекция соҳасини оладиган бўлсак, янги галла навларини етиштириш, уларни юртимизнинг тупроқ, иқлим ва сув шароитига мослаштириш, турли касалликларга чидамлилик хусусиятларини ошириш учун қанча сабр-тоқат, қанча билим ва маҳорат, ўз ишининг натижасига қандай катта ишонч бўлиши керак.

Айни вақтда ғаллачиликда учрайдиган турли касалликлар — бу занг, қоракуя ёки хасва бўладими, чигиртка балоси ёки бошқа зааркунанда ҳашаротлар бўладими — барчасидан кечаю кундуз огоҳ бўлиб, уларга қарши ўз вақтида чора кўриш, ҳар туп кўчат атрофида парвона бўлиб, меҳр билан парвариш қилиш ҳисобидан мўл ҳосил етиштириш қанча-қанча меҳнат, куч-гайрат талаб қилишини, ўйлайманки, тушуниш, англаш қийин эмас.

Шу борада ғаллачилик соҳасида мамлакатимизда замонавий илм-фан ютуқлари ва халқимизнинг қадимий дехқончилик маданияти асосида ўзига хос агротехника мактаби шаклланиб, бугунги кунда ўзининг юксак самарасини бераётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Барчамизга маълумки, бу йилги баҳорнинг серёғин келиши оқибатида намлик даражасининг меъёридан ортиқ бўлиши фалла қўчатларининг чириб кетиш хавфини туғдирди. Бу хавфнинг олдини олиш мақсадида, ота-боболаримизнинг тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда, **falла қўчатларини маҳаллий ўғит билан озиқлантиришга алоҳида эътибор қаратилди**. Бунинг учун жами 10 миллион 200 минг тонна маҳаллий ўғит тўпланниб, ҳар гектар майдонга ўртacha **9 тоннадан ўғит берилди**. Натижада нисбатан қисқа муддат — уч ой мобайнида фалланинг ривожини беш ойлик даражага етказиб олиш имкони туғилди.

Ана шундай ва бошқа агротехник тадбирларни сифатли амалга ошириш туфайли барча вилоятларимиз, жумладан, намлик даражаси, айниқса, юқори бўлган Қорақалпогистон Республикаси ва Хоразм вилояти фаллакорлари ҳам шартнома мажбуриятларини шараф билан адо этишга эришдилар.

Бу борада кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, фермер хўжаликлариға берилаётган имтиёзли кредитлар, уларга минерал ўғит, сифатли уруғлик, ёқилғи-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бериш бўйича яратилган комплекс тизимнинг самарали ишлаётгани бугунги ғалабага пухта замин бўлганини таъкидлаш лозим.

Бу ҳақда гапирганда, ҳаёт синовларида тобланган, тупроқ билан тиллашиб яшайдиган дехқонларимизнинг азму шижаоти, ишни тўғри ташкил этиши ҳисобидан ўртacha ҳосилдорлик Андижон вилоятида 62,2 центнерга, Бухоро ва Фарғона вилоятларида 58 центнерга, Самарқанд вилоятида 55,4 центнерга, Қашқадарё вилоятида 55 центнерга, Тошкент вилоятида 54 центнерга етганини мамнуният билан қайд этамиз.

Бу кўрсаткич Олтинқўл, Пахтаобод, Избоскан, Вобкент, Пешку, Фиждувон, Косон, Ниншон, Касби, Учқўргон, Иштихон, Паstdарғом, Олтиариқ, Қува, Денов, Пискент, Оққўргон, Дўстлик, Хатирчи, Боёвут туманларида 60—68 центнердан юқори бўлгани, айниқса, таҳсинга муносибdir.

Пахтачи туманидаги «Хушанов даласи» ва Олтиариқ туманидаги «Сожида Жўраева» фермер хўжаликларида ўртacha ҳосилдорлик 97 центнерга, Вобкент туманидаги «Янгикент жилоси» ва Иштихон туманидаги «Жаф» фермер хўжаликларида 87 центнерга, Олтинқўл туманидаги «Латифжон ери» ва Денов туманидаги «Мавлуда Исмоилова» фермер хўжаликларида 85 центнерга, Бухоро туманидаги «Аброр Файбулла» фермер хўжалигида 81 центнерга, Куйи Чирчиқ туманидаги «Акбархон Баҳодирхон» фермер хўжалигида 80 центнерга етгани дехқончилигимиз

тариҳида илгари мутлақо учрамаган юксак кўрсаткич сифатида одамни ҳайратга солиши табиийдир.

Энг асосийси, юртимизда етиштирилган жами ҳосилнинг 60 фоиздан кўпроғи, яъни 4 миллион 347 минг тоннаси фермер хўжаликлари ва аҳолининг ихтиёрида қолдирилгани дехқонларнинг омборлари донга, рўзгорлари қут-баракага тўлиб бораётгани, улар ўз меҳнатидан катта манфаат кўраётганининг ёрқин далилидир.

Табиийки, буларнинг барчаси далада ишлайдиган одамларнинг, қишлоқ аҳлининг ҳаёт дарражаси ва сифатини янада яхшилашга қаратилган, узоқни қўзлаб амалга ошираётган ишларимизнинг изчил давоми сифатида барчамизга мамнуният бағишлайди.

Бугунги кунда фермер нафақат дехқон, айни пайтда ҳам агроном, ҳам иқтисодчи, ҳам механизатор, ҳам ташкилотчи сифатида ўзлигини намоён этаётгани, фермерлик ҳаракати қишлоқ ҳаётининг огир юкини ўз зиммасига олишга қодир бўлган ҳал қилувчи ижтимоий куч бўлиб майдонга чиқаётгани бизнинг бу соҳада ўз олдимизга қўйган пировард мақсад йўлида қатъият билан бораётганимиздан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган фермерлик ҳаракати ривожини бугун замон талаб қилаётган янги босқичга

кўтариш, уни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш масаласи бундан буён ҳам давлатимиз, жамияти-мизнинг доимий эътибор марказида бўлишини яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Бугунги шодиёна кунда сиз, заҳматкаш фаллакорларни, бу улкан ютуққа муносиб ҳисса қўшған механизатор ва комбайнчиларни, мутахассисларни, барча қишлоқ меҳнаткашларини бафримга босиб, чин қалбимдан табриклайман. Дала ишларини мана шундай файрат-шижоат билан давом эттириб, пахтачилик, сабзавотчилик, чорвачилик, боғдорчилик ва бошқа соҳалар бўйича ҳам юксак натижаларга эришиб, йилни ёруғ юз билан якунлайсиз, деб ишонаман.

Фидокорона ва олижаноб меҳнатингиз учун, мардлик ва матонатингиз учун ўз номимдан, бутун халқимиз номидан таъзим қиласман.

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!

Хонадонларимиздан файзу барака, эл-юрти-миздан тинчлик-осойишталик аrimасин!

Азиз ва муқаддас Ватанимизни, заҳматкаш ва фидойи халқимизни Яратганимиз доимо ўз па-нохида асрасин!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

МУНДАРИЖА

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» САККИЗИНЧИ ХАЛҚАРО
МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА
БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ
МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СҮЗИ.

2011 йил 26 август 3

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА
БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ
МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СҮЗИ.

2011 йил 31 август 9

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА
МУРАББИЙЛАРИГА. 2011 йил 30 сентябрь 18

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ –
ОЛИЙ САОДАТ. «Ўзбекистонда она ва бола
саломатлигини муҳофаза қилишининг миллий модели:
«Соғлом она — соғлом бола» мавзуидаги халқаро
симпозиум очилишидаги нутқ,
2011 йил 26 ноябрь 26

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ
КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ
СЕССИЯСИ. 2011 йил 26 ноябрь 37

БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ – ДЕМОКРАТИК
ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ
ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎЛИДИР.
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг
19 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги
маъруза, 2011 йил 7 декабрь 63

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ. 2011 йил 31 декабрь	92
 ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ. 2012 йил 14 январь	100
 2012 ЙИЛ ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИГАН ЙИЛ БЎЛАДИ. 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривоҷлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2012 йил 19 январь	111
 РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИФИЛИШ ИШТИРОК- ЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ. 2012 йил 21 январь	158
 «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АВИАКОМПАНИЯ ЖАМОАСИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ. 2012 йил 28 январь	162
 БАРКАМОЛ АВЛОД – МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ. Ўзбекистон Болалар спортини ривоҷлантириши жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг мажлисидаги нутқ, 2012 йил 10 февраль	165

ЮКСАК САЛОҲИЯТЛИ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ – ЭНГ МУҚАДДАС МАҚСАД. «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириши ва модернизация қилишининг энг муҳим шарти» мавзудаги халқаро конференциянинг очилиши маросимидағи нутқ, 2012 йил 17 февраль.....	177
ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ. 2012 йил 7 март	198
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ. 2012 йил 16 март	206
НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗ. 2012 йил 22 март	242
ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА ИНСОН ОМИЛИ – БҮЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ГАРОВИДИР. <i>Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари учун берилган интервью, 2012 йил 9 май</i>	248
«УМИД НИҲОЛЛАРИ –2012» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА. 2012 йил 23 май	274
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ. 2012 йил 15 июнь	280
МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА. 2012 йил 27 июнь	300
ЎЗБЕКИСТОН ФАЛЛАКОРЛАРИГА. 2012 йил 13 июль.....	309

Каримов, Ислом Абдуганиевич

К 25 Бизнинг йўлимиз — демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир: Т. 20/ И.А. Каримов. — Тошкент: Ўзбекистон, 2012. — 320 6.

ISBN 978-9943-01-828-0

УДК: 323(575.1)

ББК 66.3(5У)

Ислам Абдуганиевич Каримов

**НАШ ПУТЬ – УГЛУБЛЕНИЕ
ДЕМОКРАТИЧЕСКИХ РЕФОРМ
И ПОСЛЕДОВАТЕЛЬНОЕ ПРОДОЛЖЕНИЕ
МОДЕРНИЗАЦИИ СТРАНЫ**

Том 20

На узбекском языке

Нашр учун масъул *Б. Худоёрова*

Бадиий муҳаррир *Ҳ. Қутлуқов*

Техник муҳаррир *Т. Харитонова*

Мусаҳҳид *Н. Абдураҳмонова*

Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси AI № 158, 14.08.09.

Босишга рухсат этилди 07.08.2012.

Қоғоз формати 84×108^{1/32}. Офсет қофози.

«Таймс» гарнитурада оффсет усулида босилди.

Шартли б.т. 16,8 + 0,11 (фото).

Нашр т. 10,20 + 0,11 фото. Тиражи 5000.

Буюртма № 12-247.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.